

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

«ЖАҲОН ТАРИХИ» КАФЕДРАСИ

«РОССИЯ ТАРИХИ» ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тузувчи: Б.Тўхтабоев

Андижон-2016

1-Мавзу: Қадимги Рус давлатининг вужудга келиши. (2 соат)

Режа:

1. Россия тарихига кириш
2. Мамлакат худудидаги қадимги халқлар ва давлатлар
3. Шарқий славянлар. Қадимги Рус давлатининг вужудга келиши.

Таянч тушунчалар

Манбалар; скиф; шарқий славян; Буюк сув йули; посад; слобода; вече; дружина; воевода; норман назарияси;

Маълумки, тарихий манбалар - моддий, ёзма, тасвирий ва фоник манбалардан иборат бўлади. Россия тарихининг бошланишига оид дастлабки маълумотларни йилномачи Несторнинг асарларидан оламиз.

Михаил Васильевич Ломоносов (1711-1765) ва В.Н.Татищев(1686-1750)лар рус тарихи фанининг асосчилари ҳисобланишади. Н.М.Карамзин (1766-1826) Ўзининг «История государства Российского»(Россия давлати тарихи) асарида Россия давлати учун доно ҳукмдор зарур эканлигини таъкидлайди. Бундан ташқари XIX-асрдаги йирик рус тарихчиси С.М.Соловьев(1820-1870)нинг «История России с древнейших времен» асарини, унинг шогирди В.О. Ключевский(1841-1911)ни эса «Курс русской истории» асарини, С.Ф.Платонов(1850-1933)нинг «Лекции по русской истории» каби Россия тарихига бағишлаб ёзилган кўп жилдли асарларини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Советлар тузуми даврида Россия тарихига бағишланган илмий асарларни яратишда тарихчи олимларнинг ижодкорлигига йул қуйилмай фақат марксча-ленинча назария нуктаи назаридан қаралган. Аслида эса Россия тарихи – бу жахон тарихий жараёнининг бир бўлагидир.

Россиянинг қадимги даври ҳам кишилиқ тарихининг бир бўлаги сифатида тош, бронза ва темир даврларига бўлинади. Бронза даври милoddан аввалги 3-минг йилликнинг охиридан милодий 1-минг йилликгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Хозирги Россиянинг Шимолий Қора денгиз худудларида дастлабки кулдорлик давлатлари юзага келган бўлиб, улардан Скифлар давлатини таъкидлаб ўтиш мумкин. Милoddан аввалги V-асрда яшаган юнон тарихчиси Геродот ўзининг «Тарих» асарида Қора ва Азов денгизларидан шимолий худудларда яшаган кўчманчи аҳолини скифлар деб атаган.

Днестрнинг Ўрта қисмида ва Днепрни атрофларида - энг қадимги номи Борисфен деб аталган славянлар яшаганлар. Мил.ав. III асрда скиф қабилаларининг пойтахти скифлар Неаполи (хозирги Симферопол) бўлган кучли Скиф давлатига бирлашдилар. Скифлар етиштирган ғалла Грецияга жўнатилган. Қора денгиз қирғоқларидаги кулдорлик давлатлари, яъни грек шаҳарлари ғаллани сотишда воситачилиқ қилишган. Ольвия (Николаев яқинида), Херсонес (Севастопол худуди), Пантиу (Питиунда), Горгиппия (Анапа), Пантикапей (Керч) дан олиб борилган ғалла Афина аҳолисини ярмини таъминлаган. Мил.авв. V-асрда Пантикапей йирик кулдорлик давлати - Боспор подшоллигини йирик маркази (Мил.авв. V-аср-милодий IV- аср) бўлган. Милодий IУ-У асрларда гот ва хунн қабилаларининг ҳужумлари оқибатида юқорида кўрсатиб ўтилган кулдорлик давлатлари кулади.

Шарқий славянлар ҳақида сўз борганда аввало шуни таъкидлаш лозимки, илк славянлар – праславянлар археологик манбаларга кўра мил.ав. II-минг йиллик ўрталарида Одер дарёсидан шарқдаги Карпат тоғларигача булган худудларда яшашган. Славянлар ҳақида илк маълумотларни қадимги грек, рим, араб, византия манбаларидан оламиз. Антик авторлар славянларни венедлар ёки антлар деб атаганлар.

Византия тарихчиси Прокопий Кесарийский «Готлар билан уруш» асарида славянлар ва антлар тўғрисида маълумот беради. Шарқий славянлар ғарбда Карпат тоғлари, шарқда Ока дарёсини ўртасигача ва Дон дарёсининг юқори оқимигача, шимолда Нева дарёси ва Ладога кўлигача, жанубда ўрта Днепргача бўлган жойларда яшаганлар. «Варяглардан

грекларга» йўли-буюк сув йўли IX- аср охирида вужудга келган. Болтиқ (Варяг) денгизидан Қора денгизнинг ғарбий қирғоғи орқали Константинопол (Царьград)га борилган. Бу дарёлар орқали бориладиган йўлда Новгород ва Киев асосий рол ўйнаган.

Шарқий славянлар асосан дехқончилик билан шуғулланишиб, ғалла, мева ҳамда полиз экинлари ўстиришган. Чорвачиликда чўчка, қорамол, кичик шохли хайвонлар етиштиришган. Отада ер ҳам хайдашган. Бундан ташқари балиқчилик, овчилик, асаларичилик билан ҳам шуғулланишган.

Дастлаб жамоа хўжалиги мавжуд бўлиб, мулкнинг шахсий ва жамоа шакли бўлган. Хусусий мулк вужудга келгач князлар томонидан йирик ер эгалари- феодалларга меросга қолдириш ҳуқуқи билан ер-мулклар берилган. Аста-секин жамоа ер-мулкларини феодаллар ва князлар эгаллай бошлашди. Дехқон ва феодал хўжалиги натурал характерга эга бўлган.

Шахарлар асосан икки дарё оқимини қўшилиш жойларига қурилган. Атрофлари эса хандақ ва қалъа деворлари билан ўраб олинган. Посад - шаҳарнинг хунармандчилик қисми бўлиб, маълум касбга ихтисослашган хунармандлар яшовчи ҳудуд эса слобода деб аталган. Шаҳарлар тобора ривожланиб ва кенгайиб, хунармандчилик ва савдо марказларига айланган. Йилномаларда қайд қилинишига кўра, IX- асрда Русда 24 та шаҳарлар бўлган.

Ижтимоий тузум масаласига келсак, Русда қабилалар иттифоқини князлар бошқаришган. Халқ йиғини - вечеда муҳим масалалар ҳал этилган. Лашкар-полк деб номланиб, минглик (тўсяча) ва юзлик (сотни)ларга булинган. Дружина алоҳида ҳарбий ташкилот бўлиб, бўйсундирилган қабилалардан ўлпон йиғишган. Солиқлар асосан ноябр-апрел оралиғида йиғилган. Қадимги славянларда кўпхудолик яъни мажусийлик дини бўлган.

Қадимги рус давлати V-аср охирида Кий бошчилигидаги қабилалар иттифоқи негизида ташкил топган. Византия ва араб манбаларидан олинган маълумотларга кўра VI аср охири-VII асрда волинликлар давлати бўлган. Қадимги рус давлати вужудга келиши арафасида славян қабилаларини ўрта йирик бирлашмаси бўлган. Улар яшаган ҳудудлар Куяба-Киев атрофида; Славия-Ильмень кули атрофида, маркази Новгород; ва Артани - Рязан, Чернигов ҳудудига тўғри келади.

Норман назарияси. XII-аср рус йилномасида ёзилишича ака-ука варяглар - Рюрик, Синеус ва Труворлар Киев Руси давлатига асос солишган. Бу афсонага кўра 859 йилда новгородликлар варягларни денгиз ортига хайдаб юборишади ва кейинчалик уларни давлатни бошқаришга чақиришган. Рюриkning вафотидан кейин Новгород князи Олег 882 йилда Новгород ва Киевни бирлаштирган. Шундай қилиб Рус давлати - Киев Руси вужудга келган.

Йилномадаги бу хикоядан XVIII-асрда Россияда ишлаш учун таклиф этилган немис олимлари Г.Ф.Миллер ва Г.З.Байер фойдаланишиб, рус халқи ўз давлатини ташкил этмаган ва бошқара олмаган, улар томонидан шимолдан таклиф қилинган варяглар яъни норманлар рус давлатига асос солиб бошқаришган деб рус халқини камситиб, норман назариясини яратишган. Рус олимларидан М.В.Ломоносов бу назарияга қизғин қарши чиккан, бу назариянинг асоссизлигини бошқа рус тарихчилари ҳам исботлашган.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. Москва, АСТ. Астрель «Транзиткнига», 2006. стр.5-20
2. Орлов А.С. и другие. История России. Учебник. Москва, 2001, стр. 3-22.
3. История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А.Чернобаева. Москва, «Вўсшая школа» 2001.
4. Вернадский Г.В. Русская история. М. 1997.
5. Зуев М.Н. История России. М., 1999.
6. История России. С древнейших времен до 1861 года. Под ред. Н.И.Павленко. Москва, 2000.
7. Мунчаев Ш.М., Устинов В.М. История России. Москва 1997.
8. Платонов С.Ф. Учебник русской истории. СПб., 1994.

9. Скрѹмников Р.П. История Российская IX-XVII вв. М., 1997
10. Фроянов И.Я. Древняя Русь. М., СПб., 1995.
11. Шапов Я.Н. Государство и церковь в древней Руси X- XIII вв. М., 1989.
12. Юшко А.А. Московская земля IX-XIV вв. М., 1991.
13. Всемирная история. В 10- ти томах, том-1.
14. Советская историческая энциклопедия, том 13, Москва, 1971, стр. 514-519

2 -Мавзу: Феодал тарқоклик даврида Рус давлати (2 соат)

Режа:

1. Рус давлати X -XIII аср бошларида. Сиёсий тарқоклик.
2. XIII —аср бошларига қадар Рус маданияти.
3. Руснинг мўғуллар, салбчилар ва бошқа чет эл босқинчиларига қарши кураши.

Таянч тушунчалар:

Князь; бояр; дружина; вотчина; смерд; рус хакикати; удел даври; натурал хужалик; сепаратизм; Новгород вечеси; христианлик;

Қадимги рус давлати - илк феодал монархияси ҳисобланади. Буюк Киев князи бошқарув, суд, солиқ ва бож йиғиш ишларини амалга оширган. IX-XII аср бошларидаги илк феодал монархияси яъни Буюк Киев князининг катта ва кичик дружиналари бўлган. Махаллий (удел) князлар ҳам махаллий дружиналар ёрдамида волостларни бошқаришган. 882 йилда Новгород ва Киевни князь Олег бирлаштиради ва пойтахт этиб Киевни танлайди. 907 ва 911 йилларда князь Олег Константинопол (Царьград)га харбий юришларни амалга оширади. Греklar билан шартнома тузилиб, улар славянларга хирож тўлаш мажбуриятини олишади. Князь Игор ҳукмронлиги 912-945 йилларни ўз ичига олиб, солиқ тўплаш пайтида дреvлянлар томонидан Игор ўлдирилади. Княгиня Ольга эрининг ўлимдан сўнг 945-957 йилларда ҳукмронлик қилади. Игор ва Ольгани ўгли Святослав 957 йилда князлик тахтига чиқиб, у 972-йилда печенегларнинг пистирмасига учраб халок бўлади. Унинг катта ўгли Ярополк 972-980 йилларда ҳукмронлик қилгач, Святославни учинчи ўгли Владимир I (980-1015) князлик тахтига чиқади. У 988 йилда христианликни православ махзабини давлат дини сифатида қабул қилади. Кримдаги Византия мулклари маркази Херсонес (Хозирги Корсун)да Владимир ва унинг дружинаси чўқинтирилади (крещение). Ярослав Мудрий (1019-1054) даврида Киев юксалади. Бу шаҳарда 400 та черков ва 8 та бозор бўлган. София черкови қурилган.

Ер-кишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган. Вотчина - асосий феодал ер эгалиги тури бўлиб, уларга князь ва боярлар эгалик қилиб, отадан ўғилга мерос бўлиб ўтган. Дехқонлар дастлаб смерд, закуп, холоп ёки чельяд деб аталган. Шу билан бирга жамоачи дехқонлар князгага ўлпон тўлашган, турли мажбуриятларни бажаришган, кейинчалик князлар томонидан жамоа ерлари ва ўрмонлар эгалланиб олингач, смердлар ўз сиёсий ҳуқуқларини йўқотишган, смердни ўлдирганлик ёки унга нисбатан зўрлик ишлатилганлик учун тўланадиган жаримани князлар, яъни смердларни хўжайинлари олишган, князлар хохлашса смердларни ерлари билан бошқаларга ҳадя қилиб юборган, шу тариқа қарам дехқонларга айлантирилганлар. «Русская правда»(Рус хакикати) йилномаси - Ярослав Мудрий(Донишманд)(1015-1054) даврининг юридик ёдгорлиги ҳисобланиб, айнан смердлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, агар смердни ўғли бўлмаса у вафот этгач уни ер-мулки князь ихтиёрига ўтиши кўрсатилган. Рус хақиқати – князлар ва уларга қарашли шахсларнинг мулкани қонуний жихатдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжат бўлган. Ярослав Мудрий вафоти олдида ўз давлати ҳудудини 5 та ўғли ва жиянига бўлиб бериши билан XI-асрнинг II-ярми – XII- аср бошларида феодал тарқокликка ўтилади. XII- аср бошларидан XV- аср охирига қадар Россия тарихида удел даври яъни сиёсий тарқоклик даври ҳисобланади. Владимир Мономах (1113-1125) ҳукмронлиги йиллари Киев князлиги рус ерларини бирлигини ушлаб тура олди. XII- асрнинг ўрталарига келиб Киев Руси негизида 15 та

князлик ташкил топди, XIII- аср бошларида эса 50 та князлик, XIV- асрда тахминан 250 та князлик бўлган. Сиёсий тарқоқлик - рус давлатчилигини ташкил топишининг янги шакли булган. Князлар ва боярлар вотчиналари дехқон жамоалари каби давлатга солиқ тўлашган ва улар натурал характерда бўлган. Натурал хўжаликнинг хукмронлиги хар бир регионга марказдан ажралиб чиқиб, алохида князлик сифатида фаолият кўрсатиш имконини берган.

Махаллий боярларнинг ўз князининг кучига таяниб Киевдаги марказий хокимятга бўйсунитишни истамаслиги феодал тарқоқлик жараёнида асосий куч боярлар бўлганлигидан далолат беради. Князларнинг хокимяти заиф булган Новгород ва Псковда бояр республикалари ўрнатилди, боярлар тайинлаган княз уларнинг розилигисиз бирор хал қилувчи қарор қабул қила олмаган. Боярларнинг сепаратчилиги енгилган князликларда монархия шаклидаги, яъни князнинг мутлоқ хокимяти ўрнатилган. Рус ерларининг шимоли-шарқий худудларида ташкил топган Ростов-Суздак князлиги, кейинчалик Владимир—Суздак князлиги деб номланиб, Владимир Мономахнинг ўғли Юрий Долгорукий (1125-1157) хукмронлиги даврида ўз мулкларини мустахкамлади, унинг даврида 1147 йилги йилномада биринчи марта Москва - аҳоли пункти сифатида тилга олинган. Унинг ўғли Андрей Боголюбский (1157-1174) (у кўп вақтини Боголюброво кишлоғида қурилган сарой-қароргоҳида ўтказган) ва унинг укаси Всеволод Большое Гнездо(Катта уя деб лақаб берилишига сабаб унинг фарзандлари кўп эди) (1176-1212) хукмронлиги даврида Владимир-Суздак князлиги Русдаги кучли давлатга айланди. Бу князликнинг шимоли-ғарбий томонида Новгород Боярлар республикаси хукмрон эди. 1136 йилда боярлар хокимят учун курашда князни енгитишди. Умумшахар вечаида 300 нафар боярлар муҳим ўрин тутган. Улар княз, посадник(княз ноиб), архиепископ, тўсяцкий (мингбоши яъни лашкарбоши) ни тайинлашган. Рус ерларининг князлари Киевни ўз марказига айлантириш, Буюк Новгородни бўйсундириш учун ўзаро кураш олиб борганлар. 1236 йилда Суздак князи Ярослав Всеволодович Киев князи ҳам бўлди, унинг ўғли Александр эса(кейинрок Невский) Буюк Новгород князи бўлиб қолди. Владимир-Суздак князлиги эришган ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги муваффақиятлари уни Рус ерларини бирлаштирувчи куч сифатида илгари сурди.

Рус тарихига оид кўплаб моддий ва айниқса ёзма ёдгорликлар ёнғинлар, босқинлар, урушлар пайтида йўқ қилинган. 1382 йилда Тўхтамишхон Москвада Кремлга ўт қўйиши натижасида у жойда сақланаётган йилномалар тўпламлари ва бошқа ёдгорликлар йўқ қилинган. Маълумотларга кўра, христианликни қабул қилингунга қадар ҳам Русда ўз алфавитига эга бўлишган. Салоникилик ака-ука грек-миссионерлар - Кирилл ва Мефодийлар славян харфида ёзилган Евангелиени кўришганликларини ёзиб қолдиришган. Улар рус алфавити (кириллика)ни яратишган. Черков ва монастирларда диний билимлар бериш билан бир қаторда, таълим соҳасига ёзув ва ўқиш, грамматика, риторика ҳам киритилган. 1056-1057 йилларда Новгород посадниги Остромир учун «Остромирово Евангелие» йилномаси пергамент (тери)га ёзилган. «Ўтмиш йиллар қиссаси» XII аср бошларида Киев-Печора монастири монахи Нестор томонидан ёзилган.

XIII-аср бошларида 300 та Рус шаҳарларида 60 ихтисосдаги хунармандлар бўлган, XII- XIII асрларда арбалет ва уларни ёйлари юзага келди. Хозирга қадар 150 га яқин архитектура ёдгорликлари сақланиб қолган. Ибодатхоналарни -қуриш принципи Византиядан олинган, пишган ғишдан қурилганлари Киевда, Смоленск, Чернигов, Новгород, Рязанда бўлган. Владимир-Суздак ва Галиц-Волинда эса 50 куб см хажмдаги тошдан қурилган ибодатхоналарни ички қисми иконалар билан безатилган бўлган.

XIII-аср бошларида Байкал кўли атрофида Мўғул давлати ташкил топди. 1206 йилда мўғул қабилаларини дохийси этиб нойонлардан бири Темучин Чингизхон (Буюк хон) этиб сайланди (1206-1227). Харбий қўшинни тузилиши ўнлик, юзлик, минглик, туман (ўнминглик)лардан иборат бўлган. Қўшиннинг асосини отликлар ташкил этган. Мўғуллар 1211 йилда қўшни халқларни, 1215 йилда Пекинни, 1279 йилда Хитойни батамом эгаллашди. 1219 йилдан Ўрта Осиёни эгаллашни бошлади, Хоразмшоҳ қўшинини ташлаб Эронга қочди,

сўнгра Эрон ва Кавказ орти эгалланди, 1223 йил 31-майда Калка дарёси ёнида мўғуллар руслар ва дашти кипчоқ (половец)ларнинг бирлашган қўшинига зарба берди.

Чингизхон Мўғулистонга қайтгач, 1227 йилда вафот этганидан сўнг, унинг невараси Ботухон (1227-1255) Русга қарши юришга тайёрланди. 1235 йилда юриш эълон қилинди, 1236 йилда Волга бўйи Булғорлари, 1237 йилда кипчоқлар ерлари, 1237 йил куз ойида Рязан князлиги, 1238 йилда Владимир-Суздал князлиги, 1239 йилда Переяславль ва Чернигов князлиги, 1240 йилда Киев князлиги, 1241 йилда Галиц-Волўн князлиги эгалланиб, мўғуллар Адриатика денгизигача боришди. 1242 йилда Қорақурумдан Чингизхонни катта ўгли Угидейни вафоти хақида хабар келгач Боту ортга қайтди.

Салибчилар асосан немис рицарлари булиб, шимолий-ғарбий рус ерларига тахдид қилишади. 1202 йилда қиличбардорлар ордени тузилади. 1237 йилда қиличбардорлар ва Тевтон орденлари бирлашиб Ливония ордени тузилади.

1240 йил 15-июлда шведлар қўшини Новгород князи Александрнинг қўшини томонидан Нева дарёсининг ирмоғи булган Ижора дарёси қуйилишида тор-мор этилди, бу ғалаба шарафига халқ уни «Невский» деб атай бошлади. 1242 йил 05-апрелда Александр Невский Чуд кўли устидаги Муз жангида немис рицарларини тор-мор қилди.

Чингизхонни невараси Ботухон Олтин Ўрда давлатига асос солди. Зодагонлар кенгаши-девон деб аталган. Мўғуллар турк тилини қабул қилишди. Махаллий аҳоли билан аралашиб татар халқи ташкил топди. Бу давлат Айниқса Ўзбек Хон (1312-1342) даврида юксалди. 1312 йилда Олтин Ўрда давлатида ислом дини қабул қилинди. XIV-асрда Олтин Ўрдани Ўрта Осиёдаги мулклари, 1438 йилда Қозон, 1443 йилда Қрим, XV-аср ўрталарида Астрахон, XV-аср охирида Сибир хонликлари ажралиб чиқди. Рус ерлари Олтин Ўрдага вассал бўлиб солиқ тўлашган. Олтин Ўрда хонларининг князликлардаги вакиллари булган ноиб-босқоқлар князларни фаолиятини назорат қилишган. 1257 йилда мўғул-татарлар русда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишди. Мўғуллар босқини ва Олтин Ўрда зулмининг рус халқи учун оқибатларига назар солсак, мўғуллар босқини руснинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини бир неча юз йилларга ортга суриб юборди.

Шимоли-шарқий Русни яъни Залесье ўлкасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бу жойларга 13-аср охирларидан кўплаб дехқонлар ва хунармандларнинг оилалари билан кўчиб келишлари, дехқонларга 5-15 йил муддатга солиқ туламаслик шарти билан шароитларни яратиб берилиши, уч далали ғалла экишни жорий этилиши, ерни чуқур қилиб шудгорлашни қўлланиши, шунингдек, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик, балиқчиликни кенг йўлга қўйилиши қишлоқ хўжалигини ўсишига олиб келди. Хунармандчилик ривожланиб боргани сари шаҳарлар ҳам кенгайиб борди, шаҳарлар аҳолисининг асосий қисмини хунармандлар ташкил этган. Шаҳарлар хунарсандчилик ва савдо-сотик марказлари бўлиб қолди.

XIII-XV асрлардаги Рус халқининг бош вазифаси - Олтин Ўрда зулмидан озод бўлиш эди. Рус князликлари орасида Москва князлигини ўрни юксала борди. XIV-аср бошларида Москва ва Твер князликлари ўртасида буюк княз тахтига эгалик учун кураш борди. Иван 1 Данилович (Калита) (1325-1340) даврида Москва князлининг ҳудудлари кенгайиб борди.

Москва князи Дмитрий Донской (1359-1389) 1380 йил 08-сентябрда Непрядва дарёсини Донга қуйилиш жойидаги Куликово майдонида Олтин Ўрда хони Мамайнинг қўшинини тор-мор қилди, халқ уни «Донской» деб атай бошлади. Оқ Ўрда хони Тўхтамиш Олтин Ўрда тахтини қўлга киритди, унинг қўшини 1382 йилда Москвани эгаллади. 1395 йилда Амир Темур Тўхтамиш қўшинини тор-мор қилиб, Олтин Ўрдани эгаллаб, Москва томон юради, лекин Елецгача бориб, Москва томонга юриш қилмасдан ортга қайтади.

1453 йилда Константинопол турклар томонидан эгаллангач, Рус черкови Константинопол патриархидан ажралиб Рус православ черковига айланиб мустақил бўлиб олди.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати.

1. История России. Под редакцией Л.Н. Сахарова. Москва, АСТ. Астрель «Транзиткнига», 2006.
2. Орлов А.С. и другие. История России. Учебник. Москва, 2001, стр. 3 - 22.
3. История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А.Чернобаева. Москва, «Вўсшая школа» 2001.
4. Вернадский Г.В. Русская история. М. 1997.
5. Зуев М.Н. История России. М., 1999.
6. История России. С древнейших времен до 1861 года. Под ред, Н.И.Павленко, Москва, 2000.
7. Мунчаев Ш.М., Устинов В.М. История России. Москва 1997.
8. Платонов С.Ф, Учебник русской истории. СПб., 1994.
9. Скрўмников Р.П. История Российская 1X-XУП вв. М., 1997.
10. Алексеев Д.Г. Под знаменем Москвў. Борьба за единство Руси. Москва 1992.
11. Шапов Я.Н. Государство и цсрковь в древнсй Руси X ХІІІ вв. М., 1989.
12. Юшко А,А, Московская Земля 1X-X1У вв. М., 1991.

3-мавзу: Марказлашган Россия давлатининг ташкил топиши.

(2 соат)

Режа:

1. XV аср охири-XVI аср бошларида Москва атрофига рус ерларининг бирлаштирилишини тугалланиши. Россия давлатининг ташкил топиши.
2. Россия давлати XVI асрда. Иван Грозний.
3. Россия XVI-XVII асрлар арафасида. /алаёнлар даври.

Таянч тушунчалар:

Боярлар думаси; Юрьев куни; автокефал; дьяк; губ; поместье; Пересветов; дворян; Земский собор; стрелец; опричнина; земщина; Лжедмитрий; Гермоген; Минин; Пожарский; Филарет; Столбово; Деулино;

Россия давлатини ташкил топишини ўзига хос хусусиятларига назар солиб, мўғул-татар босқини ва Олтин Ўрдага вассаллик рус ерларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини секинлаштирганини таъкидлаш лозим. Рус ерларини Москва атрофига бирлаштирилиши ва марказлашган давлатни ташкил топиши жараёнини тугалланиши Иван III Васильевич (1462-1505) ва Василий III Иванович (1505-1533) даврига келади. Иван III даврида шимолий – шарқий рус ерлари, 1478 йилда Буюк Новгород -қўшиб олинди. 1480 йилдан Москва князлари Олтин Ўрдага ўлпон тўлашни тўхтатди. Василий III 1510 йилда Псковни, 1514 йилда Смоленскни, 1521 йилда Рязанни Москва атрофига қўшиб олди. Қўшиб олинган рус ерларини князлари Москва князини боярига айланишди. Марказий бошқарув аппарати юзага кела бошлади. Боярлар думаси 5-12 кишидан иборат бўлган, улар сарой (Дворец) худудларни бошқарган, хазина, молия, давлат мухрлари (печат)ни олиб борган. 1497 йилда Иван III судбниги Россия давлати қонунларини янги тўплами қабул қилинди. Тўплам 68 та моддадан иборат бўлиб, марказий ҳокимиятни ўрнини кучайиши давлат тузулиши ва мамлакатда суд ишларини олиб борилишида 57–чи модда дехқонни бир феодалдан бошқа феодалга ўтишидаги ҳуқуқини чеклаган. Бу ўтиш хар йили фақат Юрьев куни (26 ноябрь)дан бир ҳафта олдин ва бир ҳафта кейин муддатда амалга оширилган, дехқон яшаган йиллари учун маълум микдордаги тўловни топширган. Рус ерларини бирлаштирилишида рус черкови муҳим рол ўйнади. 1448 йилда Рязан епископи Иоанн Митрополит этиб сайланиши билан рус черкови мустақил (автокефал) бўлиб қолди. Черковни ер ва дехқонларга эгалик ҳуқуқини Иван III 1502 йилдаги черков Соборида қўллаган.

Россия давлатининг XVI- асрда Иван III нинг невараси Иван IV Грозний (1533-1584) давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, территориясининг кенгайиб боргани ва аҳолиси сонини ўсиб борганлигини кузатамиз. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ижобий силжишлар юз берди, шаҳарлар кенгайди, ички ва ташқи савдо ривожланди. Ички сиёсатда Иван IV давлатни марказлаштириш жараёнини кучайтириш мақсадида бирмунча ислохотлар ўтказди. 1535 йилда бутун мамлакат учун ягона пул тизими ярим тангадан уч рублгача зарб этила бошлади. Хазина прикази мамлакатни бутун молия ишларини олиб борди. Приказларда хизмат қилувчилар кўпинча келиб чиқиши дворянлардан бўлган приказ кишилари – дьяклар яъни мирзалар деб аталган. Дворянлар княз кишисидан давлат кишисига айланишди. Маъмурий худудларни-округ(губ)ларни бошқариш учун губ муассасалари ташкил этилиб уларга подшо ҳокимияти томонидан дворянлар бошлиқ этиб тайинланган. Дворянлар ва бояр болалари олинган ер мулки(поместье) учун улуг князга хизмат қилишлари лозим бўлган. Боярлар бошқаруви йиллари масаласига келсак, отаси вафот этгач Иван IV уч ёшида тахт вориси булди. Уни вояга етқунига қадар мамлакатни подшо саройида катта мавқега эга булган боярлар гуруҳлари-Белский ва Шуйскийларнинг гуруҳлари ўзаро ҳокимият таллашиб бошқаришди. Боярлардан норози булган дворянлар, шаҳарликлар ва черковга таяниб, 1547 йилда Иван IV черков удуми бўйича подшолик унвонини олди. 1547 йил июнь ойида Москвада катта ёнғин юз бериб кўплаб уй-жойлар

ёниб кетди, ўн минглаб одамлар халок бўлди, ҳокимиятни бошқариб турган Глинскийлар гуруҳидан ўч олиш мақсадида бояр Шуйскийлар гуруҳи халқни норозилигидан фойдаланиб кўзғолон кўтарди, лекин ёш подшо Иван 1У халқни пойтахтга қайтарди, кўзғолон бостирилди. Мамлакат ичида бўлиб ўтаётган воқеалар мамлакатни марказлаштирилган бошқарув тизимини такомиллаштирилишини тақозо этарди. Шундай таклифлардан бири, кучли марказлаштирилган давлат тарафдори бўлган Иван Пересветовнинг 1549 йилдаги қайта қуришлар дастури эди. Унинг фикрича, подшо Россияни дворянларга таяниб бошқариши лозим эди. Дворянлар эса доимий қўшинларни ташкил этиши лозим эди. Подшо дворянларга таяниб боярларни итоатда ушлаши, мамлакатни бошқариш ишларига насл-насабига қараб эмас, балкига қобилияти, кўрсатган хизмати, содиқлигига қараб жалб этиши лозим эди. Бу ғоялар кейинчалик Иван 1У нинг XVI- асрнинг иккинчи яримидаги ҳокимият ва бошқарув органлари тизимида ўтказган ислохотлари учун асос бўлди. Давлат тузуми тўғрисида сўз юритилганда шуни таъкидлаш лозимки, 1547-1549 йилларда 32 кишилик Боярлар Думасининг ярим таркиби янгиланди. 1549 йилда тоифалар кенгаши булган Земский собор ташкил этилди. Унинг таркибида дворянлар ва шаҳарликларнинг юқори табақа вакиллари кўп эди. Марказий бошқарманинг элчилик, ўқчилик, ариза-шикоят(тафтиш) каби приказлар тизими ташкил этилди. Харбий соҳадаги қайта қуришларда 1550 йилда эркин тарзда ёллаб олинган 3000 та отлик бўлмаган кишилардан пилта милтиқчиларни тўплаб, уларга стрелецлар(ўқ отувчилар) деб ном берилди, улар подшо шахсий кўрикчи қўшинини ташкил этди. Хазинадан уларга ўқ отар миктиқлар ва найзалар берилди. Улар доимий маош билан таъминланди.

Хазинани доимий тўлдириб туриш учун кўпроқ маблағ топиш мақсадида солиқ тизимида ҳам ислохотлар ўтказилди. Ер солиғини бирлиги омов солиғи деб белгиланиб, ернинг сифати ва солиқ тўловчининг қайси тоифаданлигига эътибор берилган. Асосан деҳқонлар ва шаҳар аҳолисининг қуйи табақаси зиммасига омов пулидан ташқари, пилта милтиқ пули, асирлар пули солиқлари тушган. 50-йиллар бошларида бутун мамлакат учун ягона ўлчов тизими белгиланди.

Иван 1У 1564 йилдан опричнина ташкил этишини билдирди. Бу сўз бошқа, алоҳида деган сўзидан олинган бўлиб, алоҳида мерос мулк деган маънони англатарди. Давлат опричнина ва земщинадан иборат икки қисмга бўлинди. Опричнинага асосан боярлар вотчиналарининг кўп қисми жойлашган марказдаги ва мамлакат жанубидаги ерлар киритилди. Марказлаштиришнинг душмани бўлган князлар ва боярлар бу ерлардан хайдалди, мулклари эса помещикларга, опричнинадаги харбий хизмат эгаларига бўлиб берилди. Хайдалган боярларга земщинадан ер берилди. Хоинликда айбланганларнинг мулки тортиб олинди. Москванинг орқа вилоятидаги помещик мулклари сафига Москва яқинидан поместье олган минглаб харбий хизмат эгалари қўшилди.

1584 йил 18-март куни Иван Грозний шахмат ўйнаётиб тўсатдан вафот этди. Иван 1У Грозний ўзини тутқаноғи тутган пайтида, 1581 йилда катта ўғли Иванни хассаси билан кўркисдан уриб ўлдирган эди. Кенжа ўғли Дмитрий 2 ёшда бўлиб, у ўз онаси, Грознийнинг еттинчи хотини Мария билан Углич князлигида яшаётган эди. Шу сабабдан Грознийни ўрнига 27 ёшли ўғли Федор Иоанович (1584-1598) тахтга ўтирди. Амалда давлатни Борис Годунов бошчилигидаги регентлар кенгаши бошқарди. 1591 йилда Угличда номаълум сабабларга кўра тахт вориси шахзода Дмитрий халок бўлади, халқ орасида унинг ўлимида Годуновни қўли борлигида гумонлашади, лекин ҳозиргача бирор далил аниқланган эмас. 1598 йилда Федор Иоанович вафот этди, уни фарзанди бўлмагани туфайли эски сулола барҳам топади. Земский соборда Борис Годунов янги подшо этиб сайланди(1598-1605). Унинг даврида мамлакат хўжалиги вайрона ҳолатга келиб, 1601-1602 йилларда қаторасига икки йил мобайнида мамлакатда юз берган об-хаво ўзгаришлари туфайли келиб чиққан ҳосилсизликлар оқибатида очарчилик келиб чиқиб, буғдойнинг нархи юз бараваргача кўтарилди, одамлар итларни, мушукларни, дарахтларни илдизларигача еб тугатишди, оммавий эпидемия бошланди. Буларни барчасига Годуновни айбдор деб ҳисоблашди.

Мамлакат марказида Хлопка Косолап бошчилигида холопларнинг кўзғолони (1603-1604) бўлиб ўтди, кўзғолон бостирилди, Хлопка эса Москвада қатл қилинди.

Халқ орасида шахзода Дмитрий халок бўлмаган, балки уни алмаштириб қўйишган деган миш-миш тарқалади. Бундан фойдаланган Лжедмитрий I 1602 йилда поляк ва литва магнатларига ўзини шахзода Дмитрий деб таништиради, агар Москва князлиги тахтини эгалласа уларга Руснинг Чернигов, Смоленск, Новгород ва Псков ерларини беришга ваъда бериб, харбий кучлар билан ёрдам сўрайди. 1604 йилда у Москва томон юради. Годунов сиёсатидан норози бўлган қочоқ дехқонлар ва казаклар Лжедмитрий I ни қуллашади. 1605 йил 13-апрел куни Годунов тўсатдан вафот этди. Бундан фойдаланган Лжедмитрий I 1605 йил 20-июнда Москвага киради ва подшо деб эълон қилинди. Бояр Василий Шуйский бошчилигида Москва халқи Лжедмитрий I га қарши кўзғолон кўтиради ва 1606 йил май ойида Лжедмитрий I ўлдирилди.

Шундан сўнг боярлардан Василий Шуйский(1606-1610) подшо этиб сайланди. У боярларни имтиёзларини сақлаб қолишга, улардан вотчиналарни тортиб олмасликка ва Боярлар Думасининг иштирокисиз боярларни суд қилмасликка ёзма тарзда мажбурийят олди.

Иван Исаевич Болотников бошчилигида 1606 йилда бўлиб ўтган кўзғолонда дехқонлар, холоплар, посад аҳолиси, казаклар, дворянлар иштирок этди. Казаклар ва дехқонлар, дехқон жамоалари тартибларини қайта тиклашни талаб қилганлар. Болотников қўшини 1606 йил октябр-ноябрь ойларида икки ой давомида Москвани қамал қилишди, фақат дворян отрядларини хоинлик қилиб Василий Шуйский томонга ўтиб кетиши Болотников армиясини тор-мор этилишига олиб келди. В.Шуйский бояр ва дворянларнинг қўллаб-қувватлашларига эришиш мақсадида 1607 йил мартада қочоқ дехқонларни қидирув муддатини 15 йил этиб конун чикарди. Шуйский қўшинлари Болотников бошчилигидаги кўзғолончиларни Тулада уч ой қамал қилиб, уларни хаётини сақлашга сўз бериб шаҳар эшигини очириб, кўзғолон қатнашчиларидан шафқатсиз ўч олди, Болотниковни кўзи аввал кўр қилиниб, сўнгра сувга чўктирилди. 1607 йилда Брянск худудларида поляк шляхтичларини қўллаб- қувватлаши билан Лжедмитрий II (1607-1610) ўзини рус тахтини даъвогари деб эълон қилди. У 1608 йил январда Москва томонга юриш қилиб, ёзда унинг уриниши муваффақиятсиз тугади. У Кремлдан 17 км узоқдаги Тушино деган жойда туриб, 21 ой мобайнида Москвани қамал қилиб турди, В.Шуйскийга қарши бўлган боярлар гуруҳи Лжедмитрий II ни қўллашди. Поляк шляхтичлари томонидан Лжедмитрий II Калугада ўлдирилди. Тушино гуруҳидаги боярлар 1610 йилнинг бошларида Москва тахтига поляк киролини ўғли Владиславни таклиф этишди. 1610 йил апрелида номаълум ҳолатларда рус қўшинининг истеъдодли қумондони М.В.Скопин-Шуйский тўсатдан вафот этди, миш-мишларга кўра у захарлаб ўлдирилган. 1610 йил июнида поляк қўшинлари подшонинг нўноқ укаси Дмитрий Шуйский бошчилигидаги рус қўшинларини тор-мор этиб, Москва томонга юрди.

1610 йил ёзида Москвада тўнтариш бўлиб ўтди, П.Ляпунов бошчилигидаги боярлар Василий Шуйскийни тахтдан ағдариб, сочини қирдириб монахликка монастирга жўнатишди. В.Ф. Мстиславский бошчилигидаги бир гуруҳ боярлар ҳокимятни қўлга олишди. Етти боярдан иборат ҳукумат етти бояр бошқаруви деб ном олди.

1610 йил августида бу ҳукумат патриарх Гермогеннинг норозилигига қарамасдан поляк кироли Сигизмунднинг ўғли Владиславни қўшини билан Москвага киритди ва уни рус тахтига ўтказди. 1610 йил 27-августда Москва Владиславга қасамёд қилди. Бу эса очикдан-очик миллий манфаатларни сотиш эди. Мамлакат мустақиллигини йўқотиш хавфи остида қолган эди.

1610 йилда патриарх Гермоген босқинчиларга қарши курашга чақиргани учун қамокка олинди. 1611 йил бошларида Рязан ерларида дворян П.Ляпунов бошчилигидаги биринчи халқ лашкари тузилди. Лашкарга 1611 йил баҳорида кўзғолон кўтарилган Москвага йўл олди. Интервентлар соткин-боярларнинг маслахати билан шаҳарга ўт қўйишди. Москва остоналарида князь Д.М.Пожарский огир ярадор бўлди.

Лекин лашкарнинг рахбарлари қочоқ дехқонларга ўз эгаларини мулкларига қайтиб боришни буюришди. Лашкарни харбий ташкилотини тартибга солишга интилган П.Ляпуновнинг душманлари, у гуё казакларни қириб юбормокчи эканлиги ҳақида миш-миш тарқатишиб, казакларни унга қарши гиж-гижлашди, натижада 1611 йил июлида казаклар уни ўлдиришди. Биринчи халқ лашкари тарқаб кетди. Бу пайтга келиб шведлар Новгородни босиб олишди, поляклар эса Смоленскни эгаллашди. Поляк қироли Сигизмунд 111 ўзи рус подшоси бўлишини, Россия эса Речь Посполитий таркибига қўшиб олиншини эълон қилди.

1611 йил кузида Нижний Новгорода посад старостаси Козьма Минин рус халқига иккинчи халқ лашкарини тузиш ҳақида мурожаат қилди. Бу лашкарга Козьма Минин ва князь Дмитрий Пожарскийлар бошчилик қилди. 1612 йил баҳорида халқ лашкари Ярославл томондан Москвага яқинлашди ва биринчи лашкарнинг қолган қисми билан бирлашди. 1612 йил октябр ойини охирларида халқ лашкари томонидан Москва Кремли эгалланди, поляк интервентлари рус ерларидан қувиб чиқарилди. Кейинчалик, 1818 йилда хайкалтарош И.П.Мартос томонидан Кремл майдонида Минин ва Пожарскийга хайкал ўрнатилди.

1613 йил бошларида Москвада Земский Соборнинг йиғилиши бўлиб ўтиб, унда янги рус подшосини сайлаш масаласи кўрилди. 21-феврал куни собор Иван Грознийнинг биринчи хотини Анастасия Романованинг 16-ёшли невараси Михаил Фёдорович Романовни номзодини маъқуллади ва 11-июл куни унга подшолик тожи кийдирилди. Унинг отаси патриарх Филарет тез орада мамлакатни бошқаришда муҳим ўрин эгаллади. Хокимят мутлақ монархия шаклида тикланди.

Шведлар хавфини бартараф этиш учун бир неча тўқнашувлардан кейин музокаралар олиб борилди ва 1617 йилдаги Тихвин яқинидаги Столбово қишлоғида тузилган Столбово сулҳига кўра шведлар Новгород ерларини русларга қайтариб берди, лекин Болтиқ денгизи сохиллари шведлар қулида қолди.

Польша шахзодаси Владислав рус тахтини эгалламокчи бўлиб 1617-1618 йилларда Москвага юриш қилди, лекин улоқтириб ташланди. Троице-Сергиев монастири яқинидаги Деулино қишлоғида Речь Посполития билан сулҳ тузилди, унга кура Смоленск ва Чернигов ерлари поляклар қўлида қолди. Шу билан ғалаёнлар даври якунланди.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. Москва, АСТ. Астрель «Транзиткнига», 2006.
2. Орлов А.С. и другие. История России. Учебник. Москва, 2001, стр. 3-22.
3. История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А.Чернобаева. Москва, «Въсшая школа» 2001.
4. Вернадский Г.В. Русская история. М. 1997.
5. Зуев М.Н. История России. М., 1999.
6. История России. С древнейших времен до 1861 года. Под ред. Н.И.Павленко. Москва, 2000.
7. Мунчаев Ш.М., Устинов В.М. История России. Москва 1997.
8. Платонов С.Ф. Учебник русской истории. СПб., 1994.
9. Скрѹмников Р.П. История Российская IX-XVII вв. М., 1997
10. Алексеев Д.Г. Под знаменем Москвѹ. Борьба за единство Руси. Москва 1992.
11. Альшиц Д.Н. Начало самодержавия в России. Государство Ивана Грозного. Москва 1988.
12. Тихомиров М.Н. Российское государство XV-XVII вв. М., 1979.

4-Мавзу: Россия давлатининг XVII-асрдаги тараққийи (2 соат)

Режа:

1. /алаёнлар давридан кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.
2. Россиянинг ички ва ташқи сиёсати.
3. XIII-XVII асрларда рус маданияти.

Таянч тушунчалар:

Уезд; волост; станица; мануфактура; Ирбит; Макарьевск; «Туз кўзғолони»; Собор қонунлари; Запорожье сечеси; Богдан Хмельницкий; Речь Посполития; Кадис; Андрусов; Мис кўзғолони; Василий Ус; Степан Разин; Патриарх Никон; старообряд; хронограф; азбука;

Россиянинг ғалаёнлар давридан кейинги XVII-асрдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига назар солиб, унинг территорияси Сибир, Жанубий Урал бўйи ва Сўлқанот Украинани қўшиб олиниши ҳисобига кенгайди. 1648 йилда С.Дежнёв Аляска ва Чукотка ўртасидаги бўғозни очди. XVII-асрда Енисейск(1618), Красноярск(1628), Братск(1631), Якутск(1632), Иркутск(1652) каби Сибир шаҳарларига асос солинди. Мамлакатда 250 та уездлар мавжуд бўлган, улар эса ўз навбатида волост ва станицаларга бўлиниб, уларнинг марказлари эса кишлоклар бўлган.

XVII-аср охирида Россиянинг аҳолиси 10,5 млн кишини ташкил қилган. Россиянинг Сибир қисмида аҳоли анча кам бўлиб, 150 минг туб аҳолиси ва 350 минг кўчиб келган аҳолиси бўлган.

Кишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг илғор соҳаси бўлиб қолаверди. Асосий меҳнат қуроллари плуг, борона, чалғи, соха бўлиб, уч далали экин экиш устунлик қилган. Бугдой, арпа, тарик, сули, нухат экилган. Хўжалик ҳамон натурал характерда бўлган. Бундай шароитларда янги ер майдонларини жалб этиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига эришилган.

Крепостнойлик муносабатларининг мустаҳкамланишида дворян ер эгаллигининг кенгайиб бориши муҳим рол ўйнади. Давлат деҳқонларни уларнинг эгаларига янада боғлаб қўйиш йулидан борди. Қочоқ деҳқонларни қидириб топиш муддати 15 йилгача узайтирилди. 1649 йилдаги Собор қонунлари крепостной ҳуқуқни юридик жихатдан расмийлаштирилишини яқунлади. Илгариги вақтга нисбатан янги ҳолат- бу хўжаликни бозор билан алоқасини кучайиб бориши бўлди. Дворянлар, боярлар ва айникса монастырлар савдо

операцияларига фаол кириша бошлади. Бугдой, туз, балик билан савдо қилиш, сотиш учун вино, тери, охак, смола, хунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш бир қатор вотчиналарда оддий ҳолга айланди.

Хунармандчиликда айрим буюртмачи учун махсулот ишлаб чиқаришдан майда товар ишлаб чиқаришга ўтилиши кузатилди. Табиий-географик шароитлардан келиб чиқиб, хунармандчилик ишлаб чиқариши районлари юзага келди. Нижний Новгород ёғочдан буюмлар ишлаб чиқаришга, Великий Устюг, Москва, Новгород, Тихвинда заргарлик буюмлари, Новгород-Псков ерлари, Москва, Ярославл туқимачилик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашди.

Майда товар ишлаб чиқаришининг ривожланиши мануфактураларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлди. Мануфактура – меҳнат тақсимотига ва қўл меҳнатига асосланган йирик корхона бўлган. Металлургия заводлари Уралда ва Тула районида қурилган. 1631 йилда Уралда қурилган Ницин мис қуйиш заводи биринчи хусусий мануфактура ҳисобланади.

Савдо ва бутун Россия бозорининг шаклланиши масаласига келсак, мамлакат ҳаётида савдогарларнинг роли ва аҳамияти ўсиб борди. Мунтазам фаолият қўрсатадиган ярмаркалар катта аҳамиятга эга бўлди: Нижний Новгород яқинидаги Макарьевск, Брянск районида Свенск, Сибирда Ирбит, Архангельскдаги ярмаркаларда савдогарлар ўша давр учун йирик бўлган улгуржи ва кўтарасига (оптовий и розничний) савдоларни олиб боришган.

Россия жамиятининг ижтимоий тузилиши масаласига келсак, бунда боярлар олий тоифани, дворянлар юқори тоифани, қуйи тоифани крепостной деҳқонлар ташкил этган. Шунингдек ўрта тоифага шаҳар аҳолисини ташкил этган савдогарлар ва хунармандлар кирган. Рухонийлар ва эркин казаклар ҳам алоҳида тоифани ташкил этган.

Россиянинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида сўз борганда шуни таъкидлаш лозимки, подшо Михаил Фёдорович (1613-1645) ни 1632-1634 йилларда Смоленск учун Польша билан олиб борган уруш натижасиз тугади. Алексей Михайлович (1645-1676) тахтга чиққач, 1646 йилда тузнинг нархи 4 бараварга ошди, туз билан савдодан олинadиган солиқни оширилиши аҳволни яхшиламади ва хазинани тўлдирмади. 1648 йилда Москвада «Туз қўзғолони» бўлиб ўтиб халқ подшо маъмуриятини айрим порахўр вакиллари жазолашни талаб қилди, талаб қаноатлантирилмагач, савдогар ва боярларни уйлари вайрон қилишди. Подшо Москва ҳукумати бошлиғи бояр Б.И. Морозовни Москвадан чиқариб юборди, стрелецлар кучи билан қўзғолон бостирилди.

1648-1649 йилларда Земский соборнинг йиғилишлари бўлиб ўтиб, подшо Алексей Михайловични Собор қонунлари қабул қилинди. Земский Соборда 340 киши қатнашган. Соборное Уложение 25 боб ва 1000 га яқин моддалардан иборат бўлган. Қонунлар тўплами 2000 нусхада чоп этилган. 1832 йилгача амал қилган. Дастлабки учта бўлимда черков ва подшо ҳокимиятига қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалалари ёритилган. Қонунда шунингдек турли хизматларни ўташ тартиби, асирларни сотиб олиш, божхона сиёсати масалалари батафсил баён қилинган. Давлатда аҳолининг турли табақаларининг тутган ўрни, деҳқонларни суд қилиш тартиблари ҳам алоҳида бўлимларда ёритилган.

Ташқи сиёсатдаги вазифаларига келсак, Россия XVII-аср ўрталарига келиб иқтисодини тиклаб, ўз эътиборини ташқи сиёсат масалаларини хал этишга қаратди. Шимоли-ғарбдаги биринчи галдаги вазифа Болтиқ денгизига чиқиш жойларини қайтариб олиш эди. /арбда эса ғалаёнлар даврида қўлдан бой берилган Смоленск, Чернигов ва Новгород-Северск ерларини қайтариб олиш зарур эди. Жанубда қудратли Туркиянинг вассали бўлган Қрим хонининг доимий ҳужумларини қайтаришга тўғри келган. Кримликлар фақат XVII-асрнинг биринчи ярими давомида 150-200 минг кишини асир олиб, қул қилиб сотиб юборишган.

Украина ва Россияни 1648-1654 йиллардаги украин халқининг озодлик кураши арафасида масаласига келсак, 1569 йилги Люблин униясига биноан Польша билан Литва ягона давлат – Речь Посполитияга бирлашди, унинг таркибига шунингдек Белоруссия ва Украинанинг катта қисми киритилди. Украина ва Белоруссиянинг аҳолиси уч томонлама: крепостной, миллий ва диний зулмни бошидан кечирарди.

Запорожье сечеси XVII-асрнинг 40-50 йилларида чет эл босқинчиларига қарши кураши марказига айланди. Унинг ядроси Хортица ороли(ҳозирги пайтда Запорожье шахрини бир қисми) бўлди. Речь Посполития казакларни ўз томонига жалб қилмоқчи бўлиб, уларни польша қироли хизматида турган деб ҳисоблаб маош ажратди, белгиланган тартибга кўра Запорожье қўшинига гетман бошчилик қилган. 1648 йилда Богдан Хмельницкий Запорожье Сечесига гетман этиб сайланди. Богдан Хмельницкий(1595-1657) поляк, лотин ва турк тилларини билган. Бошқа украин аҳолиси сингари Б.Хмельницкий поляк шляхтичларини зулмини бошидан кечирди. Поляк шляхтичи Чаплинский унинг қишлоғига ҳужум қилиб, уйини ёқиб, 10 ёшли ўғлини қаттиқ қалтаклаб, хотинини олиб кетади. 1647 йилда Б.Хмельницкий польша ҳукуматига қарши чиқади.

У Речь Посполитияга қарши кураш катта кучни талаб қилишини тушуниб Россияга таянмоқчи бўлди, бироқ бу пайтда Россия кучли Речь Посполитияга қарши урушгани хали етарли даражада кучли эмасди, шунингдек, Россияда шахар ғалаёнлари давом этарди, шунинг учун Россия Украинага иқтисодий ва дипломатик кўмак бериш билан чекланди. Б.Хмельницкий жанубдан бўлган хавфни олдини олиш мақсадида Қрим хони Менгли-Гирейни ўзига иттифоқчи қилди.

1648 йилнинг баҳор-ёзида Б.Хмельницкийнинг қўшинлари полякларга икки марта қаттиқ зарба бериб, декабрда Киевга тантанали кириб боришди. Речь Посполития ўз шляхтаси(дворянлари)ни умумий сафарбарлигини эълон қилиб қўшин тўплаб, Б.Хмельницкий қўшинига қарши борди. Карпат тоғлари яқинидаги Зборово деган жойда украинлар поляк қўшинини тор-мор қилди, фақат Қрим хонининг хоинлиги туфайлигини поляклар тўла ҳалокатдан қутулиб қолишди. Зборово сулҳини тузишга мажбур бўлган Речь Посполития Б.Хмельницкийни Украина гетмани деб тан олди. Киев, Чернигов ва Брацлав воеводаликларида унинг мухторият бошқарувини тан олишди. Гетманнинг поляк ҳукуматидан маош оладиган реестр қўшини 40 минг кишини ташкил этди. Учала воеводадаги юқори лавозимларга фақат православ махзабидаги шахслар тайинланган. Киев митрополити Речь Посполития сейми йиғилишида қатнашадиган бўлди. Бироқ польшалик помещиклар ўз ерларига қайтиб келиш ҳуқуқини олишди.

Зборово сулҳи вақтинчалик келишув бўлиб, 1650 йилда ҳарбий ҳаракатлар яна бошланди. 1651 йил ёзида поляк магнатларини катта қўшини Волиндаги Смир дарёси бўйидаги Берестечка деган жойда Б.Хмельницкий қўшини билан яна тўқнашди. Поляклар яна Қрим хонини сотиб олишди, шу туфайли у ўз қўшинини олиб кетди ва хонни қўндиришга уринган Б.Хмельницкийни ушлаб турди, бундан фойдаланган поляклар қумондонсиз қолган украин қўшинини тор-тор этишди. Б.Хмельницкий Белоцерков деган жойда сулҳ тузишга мажбур бўлди. Унга кўра Б.Хмельницкийнинг қўлида фақат Киев воевадалиги қолди. Қўшинлар реестри 20 мингтага камайди. Бу сулҳдан украин халқини норозилиги кучайиб борди. Уруш яна бошланди. 1652 йил баҳорида Жанубий Буг дарёси бўйидаги Батог ёнида Б.Хмельницкий қўшини поляк армиясини тор-мор қилди. Бироқ Украинани поляклар зулми остидан тўла озод бўлиши учун Россиянинг ёрдами зарур эди. 1653 йилда Земский собор гетманга ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1653 йил 1-октябрда Польшага қарши уруш эълон қилинди. Украинага бояр Бутурлин бошчилигида элчилар жўнатилди. 1654 йил 8-январда Переяславл шаҳарида Рада яъни Кенгаш бўлиб ўтди. Украина Россия давлати таркибига қабул қилинди. Озодлик кураши давомида юзага келган маҳаллий ҳокимят идоралари тан олинди. Подшо ҳукумати украин дворянларининг тоифавий ҳуқуқларини тан олди. Украина келгусида Польша ва Туркиядан ташқари бошқа барча мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлди. Реестр қўшинларининг сони 60 минг кишига етказилди. Солиқлар эндиликда подшо хазинасига тўланадиган бўлди.

Речь Посполития Украинани Россияга қўшиб олиншини тан олмади. 1654 йилда польша билан яна уруш ҳаракатлари бошланди. Урушда рус ва украин қўшинлари ғалаба қозонди. Рус қўшинлари Смоленск, Белоруссия, Литвани; Б.Хмельницкий қўшинлари эса – Люблин, Галиция ва Волиндаги бир қатор шаҳарларни эгаллади. Польшанинг

муваффақиятсизликларидан фойдаланиб, Швеция Варшава ва Краковни босиб олди. Подшо ҳукумати Польша билан сулҳ тузиб, 1656 йилда Швецияга уруш эълон қилди. Рус қўшинлари Динабург(Даугавпилс), Дерпт(Тарту)ни эгаллаб, Ригани қамал қилди. 1657 йилда Глов ёнида шведларни мағлубиятга учратишди. 1657 йилда вафот этган Б.Хмельницкийни ўрнини эгаллаган украин гетмани И.Виговскийни хоинлик қилиб Польша билан яширин иттифок тузиши Россиянинг барча муваффақиятларини чиппакка чиқарди.

1658 йилда уч йил муддатга рус-швед келишувига эришилди, 1661 йилда Тарту яқинида Кадис сулҳи тузилди. Россия уруш пайтида эгаллаган ҳудудларини шведларга қайтариб берди, Болтиқ денгизи Швеция қўлида қолди. Болтиқ денгизига чиқиш муаммоси ҳамон ташқи сиёсатдаги муҳим вазифа бўлиб қолди.

1659 йилда Конотоп ёнида гетман И.Виговский Польша ва Қрим билан иттифокчиликда рус қўшинларини енгди. Узоқ давом этган рус-польша уруши 1667 йилда Смоленск яқинидаги Андрусов деган жойда сулҳ тузилиши билан якунланди. Россия Белоруссиядан воз кечди, лекин Смоленск ва сўлқанот Украинани ўзида қолдирди. Днепрни ўнг қирғоғидаги Киев Россияга икки йил муддатга берилди, лекин кейинчалик Россияни қўлида қолиб кетди. Запорожье эса Польша билан Украинани биргаликдаги назоратига ўтди.

Хонавайрон этувчи урушлар хазинани бўшатиб қўйганди. 1654-1655 йилларда мамлакатда тарқалган юкумли касаллик ўн минглаб одамларни ҳаётдан олиб кетиб мамлакат иктисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Рус ҳукумати оғир молиявий ахволдан чиқиш учун 1654 йилдан кумуш танга ўрнига мис тангаларни муомалага чиқарди. Саккиз йил мобайнида мис пуллар шунчалик кўп чиқарилдики(қалбакилари ҳам купайганди) натижада пул ўта қадрсизланди. 1662 йил ёзида бир кумуш рублга саккиз мис рубл берилган. Ҳукумат солиқни кумуш орқали йиғарди, аҳоли эса махсулотларни мис пулга сотиб оларди ва сотарди. Маошни ҳам мис пул билан тўлашарди. Бундай шароитда юзага келган қийматчилик оқибатда очарчиликка олиб келди. Ноилож ахволда қолган Москва аҳолиси қўзғолон кўтарди. 1662 йил ёзида қўзғолончилар подшо Алексей Михайловичнинг Коломенск қишлоғидаги қароргоҳи-резиденциясига боришиб, ўта очкўз, халқ нафратланадиган боярларни ўч олиш учун берилишини талаб қилишди. Подшо музокаралар пайтида яширин тарзда бояр И.Н.Хованскийни ҳукуматга содиқ стрелец полкларини чақириб келишга юборди. Полк аскарлари резиденцияни орқа томонидаги хўжалик дарвозалари орқали яширин равишда қароргоҳга киришиб, қўзғолончиларни 7000 дан кўпини кириб ташлашди. Лекин ҳукумат аҳолини тинчлантириш учун чоралар кўриб, мис пулларни ўрнига яна кумуш пулларни муомалага чиқара бошлади.

Қочоқ дехқонларнинг борадиган жойи Россиянинг жануби, Дон атрофлари бўлган. Россиянинг жанубини химоя қилиш билан бирга Дон казаклари Қрим ва Туркияга қарши ҳужумлар уюштириб бой ўлжалар билан қайтардилар. Каспий бўйиларига ҳам ҳужумлар уюштирганлар.

1666 йилда атаман Василий Ус бошчилигидаги 500 кишилик отряд Дондан Воронеж орқали Тула томонга юриш қилди. Казаклар харбий хизмати эвазига маош олишга эришиш ва Россияни Польша билан урушида ҳукуматга ўз хизматларини таклиф этиш учун Москва томонга юришди. Ўйлаб уларга аҳолини бир қисми қўшилиб уларни сони 3000 кишига етган. Ҳукумат мунтазам қўшинлар кўмагида В.Усни Донга қайтаришга эришди. Бу юриш иштирокчиларининг кўплари кейинчалик Степан Разин армиясига қўшилишган.

Степан Тимофеевич Разин бошчилигидаги қўзғолон 1667 йил баҳорида Волга томонга юришдан бошланган. Бу юриш ҳукуматга қарши характерда бўлиб, унда крепостной дехқонлар, казаклар, бурлаклар(дарё буйида кемаларни судровчилар), руслар, украинлар, чувашлар, марийлар, татарлар, мордвалар ва бошқалар иштирок этган. С.Разин халқни боярлар ва дворянлар зулмидан озод қилишга ваъда берган. Қўзғолончиларнинг кўпчилиги адолатли подшога ишонарди. Саратов ва Самара жангсиз қўзғолончиларга таслим бўлди, қўзғолончилар қаршилик кўрсатганларни шафқатсиз жазолаганлар. Симбирск қамали узоққа чузилди.

1670 йил кузида подшо Алексей Михайлович 30 минг кишилик армияни қўзғолонни бостиришга жўнатди. Октябр ойида Симбирск қамали олинди, С.Разиннинг 20 минг кишилик армияси тор-мор этилди. Бой казаклар оғир ярадор С.Разинни хукуматга тутиб беришди. 1671 йил ёзида С.Разин Москвада Кремл майдонида қатл қилинди. Шундан сунг Дон казаклари ҳам подшога содиқликка қасамёд қилдирилди. Казаклар кўпроқ бугдой етиштиришга эътибор қарата бошладилар.

Православ рухонийлар ўртасида тартиб-интизомни ва ахлоқий негизни мустахкамлаш мақсадида черков ислохотлари ўтказиш зарурати туғилди. Бу ишни 1652 йилда Москва патриархи этиб сайланган Никон амалга оширишга уринди. Грек қоидалари ва удумларига асосланган черков хизматини ягона тартибда амалга оширилиши белгиланди. Натижада рус православ черковида ажралиш юз берди. Эски удум тарафдорлари-старообрядники деб аталиб улар ислохотларни тан олишмади. Уларга протопоп Аввакум бошчилик қилди. Бу келишмовчиликлар шунингдек, диний китобларни грек ёки рус алфавитида ёзилиши хусусида ҳам бўлди. Булар ўртасида шунингдек, икки ёки уч бармоқ билан чўқиниш ва чўқинишни қуёш айланаси буйича ёки қуёш айланасига қарши амалга ошириш масаласида ҳам тортишувлар бўлди.

Черковдаги бўлиниш- ўз ахволини ёмонлашишини черков ислохоти билан боғлаган халқ оммасининг норозиликларини шаклларида бири бўлди. Минглаб дехконлар ва посад аҳолиси шимолдаги денгиз бўйларига, Волга дарёси ортига, Урал, Сибир томонларга қочиб кетишиб, ўзларининг, старообрядларнинг қишлоқларини ташкил этишди. Протопоп Аввакум ва унинг яқин сафдошлари Печора дарёси қуйилишидаги Пустозерскга бадарға қилинди ва 14 йил ер қамоқхонасида ушланиб тириклайин ёкиб юборилди. Шундан буён старообрядчилар Никон-Антихристни дунёга келишига норозилик белгиси сифатида ўзларига ўт қўйишган холлари юз берган.

Ўзига ортиқча баҳо берган патриарх Никонни тақдири аянчли тугади. 1658 йилда у Москвани эмас, энди бутун Русни патриарх бўлишни хошлашини билдирди. Александрия ва Антиохия патриархлари, яна бошқа Константинопол ва Қуддусдаги православ патриархларини ҳам ваколатларига эга булган холда катнашган 1666 йилдаги черков йиғилиши Никонни патриарх вазифасидан четлатди. У сургун қилиниб, Алексей Михайловични вафотидан сўнг сургундан қайтиб, 1681 йилда Ярославл яқинида вафот этди. У хаётлиги чоғида Қуддусдаги ибодатхонага ўхшатиб қурилган, Москва яқинидаги Воскресенскда барпо этилган (ҳозирги Искра шаҳаридаги) Ново-Иерусалим монастири (Янги Қуддус ибодатхонасига) дафн қилинган.

XII-XIV асрлардаги рус маданияти тўғрисида сўз борганда аввало шуни таъкидлаш лозимики, 1380 йилдан сўнг маҳаллий бадий мактабларни умуммосква, умумрус маданиятига қўшилиб бориши жараёни кузатилди. Оғзаки халқ ижодиётида кўплаб асарлар яратилди. Йилномаларни 1325 йилдан Москвада ёзиб борилиши кузатилиб, 1408 йилда умумрус йилномалар тўплами бўлган Троицкая летопись тузилди. Бу йилномани бир қисми 1812 йилда ёниб кетган. Жаҳон тарихи бўйича асарлар-хронографлар юзага келди. Биринчи рус хронографи 1442 йилда Пахомий Логофет томонидан тузилган.

Тарихий мавзудаги асарлар - повесть(қисса)лар яратила бошланди. “Калка ёнидаги жанг ҳақида”, “Рязанни Боту томонидан вайрон этилгани ҳақида” каби қиссалар шулар жумласига киради. Тверлик савдогар Афанасий Никитиннинг (1466-1472) “Хождение за три Моря”(Уч денгиз оша саёҳат) асарида – европа адабиётида биринчи марта Хиндистон тўғрисида тўла маълумотлар ёритилган. А.Никитин Хиндистонга португалиялик Васко да Гама томонидан кашф этилишидан 30 йил илгари саёҳат қилган эди.

Архитектурада аввало Москва князлигидаги дастлабки тошдан қурилган бинолар XIV-XV асрларга оид булиб, бизгача улардан Успенский собор (1400) ва Звенигороддаги Саввин –сторожев монастири собори (1405), Троице-Сергиев монастирини Троица собори (1422), Москвадаги Андронников монастири собори (1427) сақланиб қолганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Москва Кремлини биринчи октошли деворлари 1367 йилда Дмитрий Донский давридаёқ қурилган. 1382 йилда Тўхтамиш босқини пайтида деворларга

жиддий зарар етган. Кейинчалик XV аср охири – XVI аср бошларида Италиялик усталар томонидан Москва Кремли ансамбли барпо этилди ва хозиргача сақланиб қолган. Кремл худуди 27,5 гектар бўлиб, қизил ғиштли девор билан химояланган, деворни узунлиги 2,25 км, деворни қалинлиги 3,5-6,5 метр, баландлиги 5-19 метргача. Хозирда мавжуд 20 та минорадан 18 таси XV асрдаёқ қурилган. Кремл Неглинная дарёсини (хозирда коллекторга айлантирилган) Москва дарёсига қуйилиш жойидаги бурунда жойлашган. Қизил майдон томонидан иккала дарёни қўшиб турган хандақ қазилган, Кремл худди оролда жойлашгандек бўлган.

XVI-аср рус маданияти хақида сўз юритилганда аввало, XVI-аср бошларида адабий ва тарихий мавзудаги «Сказание о великих князях Владимирских» асари яратилганини таъкидлаш керак. Черковлар доирасида Москва гуё «учинчи Рим» деган ғоя илгари сурилди. Москва йилномачилари улкан йилнома тўплами, ўзига хос тарихий энциклопедия- Никон йилномасини яратишди, бунда 16 минг рангли расмлар – иллюстрациялар бор эди.

Русда китоб нашр этиш 1564 йилда «Апостол» китобини босиб чиқариш билан бошланди. Дастлабки типографияни ташкил этган Иван Федоров булиб, у ва шогирди Петр Мстиславец 1574 йилда Львовда биринчи рус буквари (алифбоси)-Азбукани чиқаришди.

Архитектурада иншоотларни куришда барокка усулидан фойдаланилиб, қизил ва оқ ранглар қўлланилган, биноларни кўп қаватлилигига эътибор берилган. Рус архитектурасида шатрли ибодатхоналар курилиб, уларнинг ички қисмида устунлари бўлмасдан, бинони бутун оғирлиги пойдеворга тушарди. Унча катта бўлмаган тош ёки ёғоч посад ибодатхоналари курилди. Яна тош Кремллар курилиши олиб борилди.

XVII-асрдаги рус маданияти хақида сўз борганда ушбу асрнинг II-ярмида бир неча давлат мактаблари ташкил этилганини таъкидлаш мумкин. Мактабда марказий маҳкамалар учун хизматчилар тайёрланган. Босма дастгоҳни кашф қилиниши ўқиш ва арифметикага ўргатиш учун оммавий равишда қўлланмалар чиқариш имконини берди. 1687 йилда Москвада биринчи олий ўқув юрти –Славян –Юнон-лотин академиясига асос солинди. Бу академияда М.В.Ломоносов ҳам ўқиган. Адабиёт соҳасида эса илк сатирик қиссалар юзага келди.

Театр Москвада 1667 йилда подшо саройида ташкил этилиб, у 4 йил фаолият кўрсатиб асосан немис актёрлари ва фақат эркаклар рол уйнаган. Хукумат ва черков ҳокимияти кўчма (бродячий) театрларни тақиқлаб, таъкиб этган.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. Москва, АСТ. Астрель «Транзиткнига», 2006.
2. Орлов А.С. и другие. История России. Учебник. Москва, 2001, стр. 3-22.
3. История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А.Чернобаева. Москва, «Вўсшая школа» 2001.
4. Вернадский Г.В. Русская история. М. 1997.
5. Зуев М.Н. История России. М., 1999.
6. История России. С древнейших времен до 1861 года. Под ред. Н.И.Павленко. Москва, 2000.
7. Мунчаев Ш.М., Устинов В.М. История России. Москва 1997.
8. Платонов С.Ф. Учебник русской истории. СПб., 1994.
9. Скрўмников Р.П. История Российская IX-XVII вв. М., 1997
10. Алексеев Д.Г. Под знаменем Москвў. Борьба за единство Руси. Москва 1992.
11. Альшиц Д.Н. Начало самодержавия в России. Государство Ивана Грозного. Москва 1988.
12. Тихомиров М.Н. Российское государство XV-XVII вв. М., 1979.

5-Мавзу: XVIII-асрнинг I-ярмида Россия давлати (2 соат)

Режа:

1. XVII аср охири-XVIII асрнинг I-чорагида Пётр I нинг ислохотлари.
2. Дворянлар империяси XVIII-асрнинг II-чораги ва ўрталарида.
3. Сарой тўнтаришлари.

Таянч тушунчалар:

Абсолютизм; монарх; регент; Буюк элчилик; абордаж; Полтава жанги; Гренгам; Гангут; Ништадт; кондиция; тестамент; бирончилик; шляхет; старообряд; жуз; Гросс-Егерсдорф; Цорндорф; Кунерсдорф;

Пётр I Буюк ислохотларига, 1917 йилгача булган Россия тарихшунослигида икки хил қараш мавжуд бўлиб, биринчи қараш тарафдорларининг фикрича, Пётр I мамлакатни табиий тараққиётини бузиб, иқтисод, сиёсат, маданият, анъаналар, удумларга ўзгаришлар киритиб, «у Россияни Голланияга айлантормокчи» бўлган. Бошқа тадқиқотчилар эса, халқ бўлиб ўтадиган ўзгаришларни кутганди ва у халқ кутган дохий бўлди деб таъкидлашди(йирик тарихчи олим С.М.Соловьев шундай хисоблаган) .

Абсолютизмга ўтилиши масаласи шундан иборатки, бунда давлатдаги олий ҳокимят тўла ва ажралмас тарзда якка ҳоким, яъни монархни қўлига ўтади. Ҳокимят марказлашишнинг энг юқори даражасига етади. Мамлакатдаги давлат ҳокимияти тўла ҳолда монархга бўйсунди. Подшо Алексей Михайловичнинг вафотидан кейин унинг 14 ёшли ўғли Фёдор Алексеевич тахтга чиқади, у 1676-1682 йилларда ҳукмронлик қилиб, унинг даврида маҳаллийчилик бекор қилиниб, мамлакат бошқарувига дворян ва хизматдаги одамлар жалб қилинади. Фёдор даврида 1677-1682 йилларда Туркия билан Россия ўртасида уруш бўлиб ўтиб, 1681 йилда Россия, Қрим ва Туркия ўртасида Қрим хонлигини пойтахти Боғчасаройда тинчлик битими имзоланди. Битимга кўра Сўлсохил Украинани Россия таркибига қўшиб олинганлигини Туркия тан олди. Днепр эса Россия билан Қрим хонлиги ўртасида чегара дарёси бўлиб қолди. Днестр билан Буг ўртасидаги ерлар нейтрал хисобланиб, у ерларга аҳолини жойлаштириш мумкин эмасди. Туркия билан Қрим

запорожье казакларини рус подшосини тобелари деб тан олиб ва 20 йил мобайнида Россиянинг душманларига ёрдам бермаслик мажбуриятини олишди.

1682 йилда подшо Фёдор Алексеевич вафот этгач, уни ўрнига укаси 15 ёшли Иван Алексеевич тахтга чиқиши лозим эди, аммо унинг касаллиги туфайли ўрнига Алексей Михайловичнинг иккинчи хотини Н.К.Наришкинанинг 10 ёшли ўғли Пётр Алексеевични тахтга ўтказмокчи бўлишди. Лекин Иваннинг опаси Софья Алексеевна тахтга даъвогарлик қилиб стрелецлардан ёрдам сўради. Москвада Иванни бўғиб ўлдирилгани туғрисида миш-миш тарқатилиб, стрелецлар кўзғолон кўтаришади. Хар иккала шахзода Иван ва Пётрни тириклиги маълум бўлгач, стрелецлар Иванни биринчи подшо, Пётрни эса иккинчи подшо этиб тахтга ўтказишни, уларга эса Софья Алексеевнани регентлик қилишини талаб қилишди. Хар иккала шахзода учун икки ўринли тахт тайёрланди. Тахтни суянчик қисмида иккита кичик дарча бўлиб, тахтни орқасида турган Софья Алексеевна ва бошқалар шахзодаларга сарой маросимлари пайтида ўзларини қандай тутишларини ва нимани гапиришларини ўргатиб туришган. Бу тахт хозирда Кремлдаги Оружейная палатада сақланиб турибди.

Стрелецларнинг бошлиқлари ахолининг оммавий норозиликлардан фойдаланиб, Стрелецлар приказининг бошлиғи князь И.А.Хованскийни Россия давлати бошлиғи этиб қўймоқчи бўлишди. 1682 йилда Софья стрелецларнинг ниятини пайқаб қолиб, Хованскийни алдов йули билан чақириб, ушлаб, уни ва кўплаб стрелецларни қатл эттирди. Хокимят малика Софьянинг қўлига ўтди. Софьянинг тарафдори булган Фёдор Шакловитий Стрелецлар приказига бошлиқ этиб тайинланди.

Софьянинг хукмронлиги (1682-1689) йилларида мамлакатни амалда унинг фаворити хисобланган Василий Голицин бошқарди. В.Голицин қўмондонлигидаги рус кўшинлари 1687- ва 1689- йилларда икки марта Қрим томонга амалга оширган харбий юришлари муваффақиятсиз якунланди.

Шахзода Пётр Алексеевич болалик ва ўсмирлик йилларида онаси билан Москва яқинидаги Преображенск, Коломенск ва Семеновск қишлоқларида яшаб, харбий сохага қизиқиб, ўз тенгқурларидан «болалар кўшинлари» тузиб ўйнаган. Кейинчалик айнан шулардан Преображенск ва Семеновск мунтазам биринчи гвардиячи полклар ташкил этилди. У фақатгина 204 см бўлган бўйи билан эмас, балки интеллекти ва билимлари билан ҳам замондошларини лол қолдирган.

Пётр 1689-йилда онасининг маслахати билан бояр қизи Евдокия Лопухинага уйланди. Уйлангандан сунг Пётр вояга етган хисобланарди ва тахтга тегишли барча ҳуқуқларга эга эди. Бу эса уни Софья билан тахт учун тўқнашувини муқаррар қилиб қўйди. Москвада стрелецларни ва Пётр тарафдорларини келгусидаги тўқнашуви ҳақида миш-мишлар тарқалди. 1689 йил август ойини кечаларидан бирида Пётр яшаб турган Преображенск қишлоғига унинг тарафдорларидан бири келиб, Москвада стрелецлар полклари тревога билан кўтарилгани ва Пётрни ушламокчи эканликлари туғрисида маълум қилди. Пётр дархол Троице-Сергиев монастирига борди. Унга содиқ бўлган Преображенск ва Семеновск полклари ҳам етиб келишди. Пётрни кўплаб боярлар ва дворянлар, Москва патриархи, хатто бир нечта стрелецлар полклари қўллашди. Софьяни Москвадаги Новодевичий монастирига қамашди. Стрелецларнинг бошлиғи Ф.Шакловитий қатл этилди. В.В.Голицин сургунга жўнатилди. Тахт Пётрни қўлига ўтди, 1696 йилда Иван вафот этгач, Пётр I Буюкнинг якка хокимияти ўрнатилди.

Пётр I олдида турган муҳим вазифалардан бири Қрим билан урушни давом эттириш эди. 1695 йилда рус кўшинлари Донни қуйилишидаги Азов турк қалъасини қамал қилишди. Қуролларни етарли эмаслиги, куникма ва малакани камлиги, қамал техникасини ёмон тайёрлангани ва флотни йўқлиги сабабли Азовни эгаллаб бўлмади. Бу муваффақиятсизликдан кейин Пётр флот қуришга киришди. Флот Воронеж дарёсини Донга қуйилиш жойида қурилди. Бир йил мобайнида иккита йирик кема, 23 та галера ва мингтадан зиёд майда кемалар қурилиб, Дон бўйлаб денгизга туширилди. Курукликдаги армиянинг сони икки бараварга кўпайтирилди. 1696 йилда Азовни денгиздан қамал қилиб рус

қўшинлари шаҳарни эгаллашди. Рус қўшинларини Азов денгизидаги мавқеини мустахкамлаш мақсадида Таганрог қалъаси барпо қилинди.

Азовни олингани билан хали уруш тугамаганлигини тушунган Пётр, кучлар нисбатини яхшироқ билиш, Россияни ахволини ва европа давлатларини Туркияга қарши иттифоқини мустахкамлаш мақсадида, Европага «Буюк элчилик»ни уюштирди. Бундан ташқари Пётр ривожланган европа давлатлари билан савдо, техникавий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишга, уларнинг турмуш тарзи тўғрисида тасаввурга эга бўлишга интилди.

1697 йил баҳорида 250 кишилик элчихона ғарбга жўнади. Унинг таркибида Преображенск полкининг урядниги Пётр Михайлов номи остида Пётрнинг ўзи ҳам бор эди. Шунингдек, уларнинг таркибида харбий иш ва кемасозликни ўрганиши лозим бўлган бир нечта ёш дворянлар ҳам бор эди. Элчилик вакиллари Голландия ва Англияда бўлиб, Венага кайтишган. 1698 йилда Венада туриб, Пётр Москвада стрелецлар қўзғолони бошлангани тўғрисида хабар олиб, дархол Москвага қайтди. У келгунча ҳукумат қўшинлари томонидан стрелецлар қўзғолони бостирилди. Унинг иштирокчиларининг 1000 ортиғи қатл қилинди. Булар билан Софьянинг ҳам алоқадорлиги аниқланиб, уни сочи олиниб, монахиня Сусанна номи остида умрининг охиригача(1704) Новодевичий монастирида ушлаб турилди.

Россиянинг Болтиқ денгизига чиқиши учун Швеция билан 1700-1721 йилларда бўлиб ўтган Шимолий уруш, 1700 йилда бошланди. 1709 йил 27-июнда Пётр I ва Карл XII қўшинлари ўртасида Полтава жанги бўлиб ўтди, 30 минг швед солдатидан 9000 таси ўлдирилди ва 3000 таси асир олинди. Карл XII эса Туркияга қочди.

Шимолий урушда 1714 йил 27-июл куни Болтиқ денгизидаги Гангут бурнидаги жангда Пётр I галера кемаларини парусли кемалардан устунлигини намоёйиш этди ва ғалаба қозонди. 1720 йилда Гренгам ороли яқинидаги жангда рус харбий-денгиз флоти кемалари шведларни кемаларига абордаж қилиб, туртта йирик швед кемаларини аъзолари билан асирга олишди. 1721 йил 30-августда фин шаҳри Ништадтда тузилган Россия ва Швеция ўртасидаги сулҳга кўра, Болтиқ денгизини Виборгдан Ригагача бўлган сохиллари, Карелияни бир қисми, Эстландия(Эстония), Лифландия(Латвия)ни бир қисми Россия таркибига ўтди. Бу эгалланган ерлар учун Россия 1,5 млн рубл тўлади. Финландия Швеция таркибида қолди.

Пётр I ҳукуматининг ташқи сиёсатдаги муҳим тадбирларидан яна бири 1722-1723 йиллардаги Каспий юришлари бўлди. Натижада Каспийнинг ғарбий қирғоғи Боку, Решт, Астрабод билан бирга эгалланди. 1724 йил 30-августдаги Туркия ва Эрон билан тузилган Константинопол тинчлик сулҳига кўра Каспий юришида эгалланган ерлар Россия қўлида қолди.

Пётр I томонидан XVIII- асрнинг биринчи чорагида амалга оширилган ислохотлар ҳақида сўз борганда, аввало, заводлар қурилишини, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга эътибор берилганини, ички ва ташқи савдони ўсиб борганлигини таъкидлаш лозим. Давлат тузумида 1721 йилда Пётр I император деб эълон қилинди.

Армия ва флотда ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. 1722 йилда Пётр I фармонида кўра император тахтини меросга қолдириш мумкин эди. Петр I ислохотлари Россия тарихи учун муҳим ижобий аҳамиятга эга бўлди.

XVIII-асрнинг II-чораги ва ўрталарида Россия дворянлар империясига айланди. Пётр I ўзидан кейинги тахт вориси тўғрисида бирор кўрсатма қолдирмасдан 1725 йил 28-январь куни вафот этди. Императорнинг ўғил фарзанди йўқ эди. Тахтга Пётр I нинг кейинги хотини Екатерина ва илгари қатл қилинган шахзода Алексейнинг ўғли яъни Пётр I нинг невараси даъвогар бўлишди. Сенат ва олий амалдорлар кимни тахтга чиқаришни маслаҳат қилгунларича Преобреженск ва Семёновск полклари очикдан-очик Екатерина тарафига ўтдилар ва шундай қилиб Екатерина I (1725-1727) тахтга чиқди. Унинг даврида ҳукуматга А.Д.Меньшиков бошчилик қилди.

Давлатни яхшироқ бошқариш учун Олий махфий кенгаш тузилиб, бу ташкилот-юқори давлат органи ҳисобланган Сенат ҳокимиятини чекларди. Унинг таркибига А.Д.Меньшиков, Ф.М.Апраксин, Г.И.Головкин, П.А.Толстой, А.И.Остерман, Д.М.Голицин ва

Пётр I нинг катта қизи Аннанинг эри - голштин герцоги Карл Фридрих кирди. Бу ташкилотнинг аъзоларининг кўпчилиги Пётр I нинг яқинларидан иборат эди.

Вафотидан олдин 43 ёшли Екатерина I «тестамент» яъни тахтга ворисликни галма-гап эгаллаш туғрисидаги васиятномани имзолади. Ундан кейинги ворис шахзода Алексейнинг ўғли-Пётр II, ундан сўнг Анна ва унинг ворислари, сўнгра Елизавета ва унинг ворислари навбат билан тахтни эгаллашлари лозим бўлган. Тахтни 12 ёшли Пётр II (1727-1730) эгаллади, уни даврида давлатни Олий махфий кенгаш бошқарди. 15 ёшли Пётр II касалланиб қолиб тўйи куни вафот этди. Олий махфий кенгаш аъзолари тахт вориси масаласида Пётр I нинг акаси Иван V Алексеевичнинг қизи Аннанинг номзодига тўхталишди. Анна Курляндия герцогининг хотини бўлиб, тул қолгач, болтиқбуйидаги Митава(хозирги Елгава) шахрида яшаётган эди. Кенгаш аъзолари махсус шартлар- кондиция ишлаб чиқиб, унга кура Анна турмушга чиқмаслиги, тахт ворисини тайинламаслиги, муҳим давлат ишларини фақат кенгаш билан маслаҳатлашиб хал этиши лозим эди. Анна Иоанновна (1730-1740) Москвага келгач унга 20 дан ортиқ дворян лойихалари такдим этилиб, уларга кўра мамлакатда яқка, мутлоқ ҳокимят ўрнатилишини талаб қилганлар. Анна Москвага келгач икки ҳафта ўтиб, кондицияни кенгаш аъзоларини кўз ўнгида йиртиб юборди ва мутлоқ ҳокимиятини ўрнатилганини маълум қилди. У Олий махфий кенгашни кўп аъзоларидан ўч олди. 1731 йилда кенгаш А.И.Остерман бошчилигидаги уч кишидан иборат министрлар кабинети билан алмаштирилди. Тўрт йил ўтгач уларнинг учта имзолари императрицанинг биргина имзоси билан тенглаштирилди.

Анна Иоанновна 37 ёшида тахтга чиқди. У давлат ишлари билан кам қизиқарди, барча бошқарувни ўзининг фаворити Эрнст Иоганн Биронга топшириб қўйди. Тарихда Анна Иоанновнанинг даври бирончилик деб аталади. Давлатдаги муҳим ўринлар немисларнинг қўлига ўтди. Ташқи ишларни А.И.Остерман, армияни Б.К.Миних, гвардияни Ф.К.Левенвольде, академияни И.Д.Шумахер бошқарганлар. Россия иқтисодиётига ҳам авантюрачилар суқулиб кириб, мамлакат бойлигини таладилар. Бироқ, Анна Иоанновна мамлакатдаги дворянларга айрим имтиёзлар берди, уларга ерлар улашди. Дворянларни ўқитиб-ўргатиш учун 1732 йилда Курукликдаги шляхет кадет корпуси очилди, сўнгра эса бирин-кетин Денгиз, Артиллерия, Пажес корпусларига асос солинди. 1736 йилдан дворянлар учун хизмат муддати 25 йил қилиб белгиланди. Дехқонлар ҳам ўз эгаларига яна махкамроқ боғлаб қўйилди.

Анна Иоанновна ўзидан кейин ворис этиб жияни Анна Леопольдовнанинг 1740 йилда туғилган ўғли Иван IV Антоновични қолдиришини васият қилди. Икки ойлик чақалокка З.И.Биронни регент этиб тайинлади. Бир ой ўтмай Бирон, фельдмаршал Б.К. Минихнинг буйруғига кўра гвардиячилар томонидан камокқа олиниб Пелим(Тобол губернияси)га сургун қилинди. Беш ҳафта ўтгач Ярославлга қайтиб келди.(22-йиллик сургундан қайтгач Бирон Екатерина II дан Курляндиядан мулк олди ва умрининг охиригача, 1772, содиқ хизмат қилди) Регент деб Анна Леопольдовна эълон қилиниб, унда А.И.Остерман муҳим рол ўйнади.

Рус дворянлари ўз умидларини Пётр I нинг қизи – Елизавета билан боғладилар. Рус ташқи сиёсатида йуналишларни ўзгаришидан манфаатдор бўлган француз ва швед дипломатларининг кўмагида, 1741 йилда навбатдаги сарой тўнтариши бўлиб ўтди. Преображенск полкининг гренадер ротасининг ёрдамида Елизавета Петровна (1741-1761) тахтга чиқди. 32 ёшли императрица давлат ишларидан чет элликликларни четлатди. Остерман ва Биронларни сургунга жўнатди. У ўз ҳукмронлиги даврида отаси Пётр Буюк давридаги тартибларни тиклашини билдирди. Сенат, Берг- ва Мануфактур коллегиялар, Бош магистрат қайта тикланди. Елизавета даврида 1755 йил 25-январда Россиядаги биринчи университет Москвада очилди(Хозирги Москва Давлат Университети).

Ижтимоий сиёсатда ҳамон дворянларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари кенгайтирилди, бунга эса дехқонларнинг ҳуқуқларини чеклаш эвазига эришилди. 1746 йилда фақат дворянларга ерлар ва дехқонларга эгалик ҳуқуқи берилди. Дехқонларга помещикнинг рухсатисиз пул муомалалари олиб бориш тақиқланди. Дехқонларни помещикнинг ўзи жазоларди. Дворян ва савдогарларни куллаб-қувватлаш учун банклар очилди. 1754 йилда ички божхона солиқлари

бекор қилинди, бу эса қишлоқ хўжалик ва саноат махсулотлари билан савдо қилиш учун кенг имкониятлар берди.

Елизавета Петровнанинг вафотидан сўнг 33 ёшида тахтга ўтирган жияни Пётр III (1761-1762) фақат олти ой ҳукмронлик қилди. У 14 ёшигача Голштинияда яшаган, асли исми Карл Пётр Ульрих бўлиб, православ мазабига ўтгач Пётр номини олган. У ота томонидан Карл XII нинг невараси жияни ва она томонидан эса Пётр I нинг невараси бўлган. Пётр III вояга етгач, Прусс қироли Фридрих II унга майда немис князларидан бирининг қизи Софья Август Фредрика Ангальт-Цербстскаяга (кейинчалик у Россияда Екатерина Алексеевна деб ном олган) уйланишни тавсия этган. Улар 1747 йилда Павел исмли ўғил фарзанд кўришади.

Пётр III русларни ёмон кўрган, аксинча прусс қироли Фридрих II га сиғинган, пруссча тартиб-интизомни хуштори бўлган. У Россия императори бўлишдан кўра, прусс армияси полковниги бўлишни афзал кўраман деб айтган.

Петр III 1762 йил 18-февралда россия дворянларига эркинликлар бериш ҳақида Манифест чиқариб, унга кўра дворянлар мажбурий давлат ва ҳарбий хизматидан озод қилинди. Черков ерларини давлат фойдасига секуляризацияси эълон қилинди, бу эса давлат хазинасини мустаҳкамларди. Старообрядчиларни таъқиб этилишини тўхтатди ва барча динларни ҳуқуқларини тенглаштиришга уринди, лютеранларга тақлид қилиб, рухонийларни дунёвий кийимда юришларига мажбур этмокчи бўлди. У гвардиячиларни ҳақоратлаб яничарлар деб атаган. Петр III бир томондан, ўтмишдошларининг йўлини давом эттириб, фармонлар чиқарган, бошқа томондан эса, хотинига, оила аъзолари ва яқинларига нисбатан унинг ҳаракатлари ҳурматсизликдан иборат бўлиб, кўполлиги, спиртли ичимликка ўч бўлгани, сиёсатда ўйламасдан қарорлар қабул қилгани, унинг ҳаракат ва қилиқларини ҳаққоний ҳукмдорга хос эмаслиги - буларнинг барчаси рус жамиятида норозилик келтириб чиқарди.

Россия –Польша муносабатлари ҳақида сўз борганда айтиш мумкинки, 1733 йилда Польша қироли Август II вафот этгач, шляхет(дворян)лар гуруҳлари ўртасида ҳокимят учун кураш бошланди. Польша тахтига Франция томонидан қўллаб-қувватланган, француз қиролининг куёви Станислав Лещинский даъвогарлик қилди. Россия эса Австриянинг қувватлаши билан ўлган қиролнинг ўғли Август III ни ҳукмдор бўлишини хошлаётган эди. Тахтга Станислав Лещинский сайланди, бу эса 1733-1735 йиллардаги рус-польша урушини бошланиши учун баҳона бўлди. Урушнинг муҳим воқеаси Б.К.Миних кўшинлари томонидан Гданьск(Данциг)ни эгалланиши бўлди. Лещинский француз кемасида қочиб кетди. Август III эса Польша қироли бўлиб қолди.

Қрим татарлари томонидан Россия чегараларини бузилиши 1735-1739 йилларда бўлиб ўтган рус-турк урушини бошланишига баҳона бўлди. Урушда Австрия Россиянинг иттифокчиси бўлди. 1736 йилда рус армияси Боғчасарой ва Азовни, 1737 йилда Очаковни эгаллади. Бироқ Б.К.Миних асосий жангдан кўшинни четга тортгани туфайли қримликлар ўз армиясини сақлаб қолишди. Фақат 1739 йилдагина усмонийлар Ставучан(Днестр дарёси ёнидаги Хотиндан узоқ бўлмаган жойда, ҳозирги Черновиц области) остонасида яқсон этилди. Рус армияси Дунайдан кечиб ўтишга тайёр эди. Аммо Россиянинг иттифокчиси Австрия бир қатор мағлубиятларга учраб, Туркия билан сепарат сулҳи тузди. Туркия ва Россия 1739 йилда Белград сулҳини тузишди. Азов қалъаси истехкомларисиз ва Буг дарёси ёнидаги унча катта бўлмаган ҳудудлар Россия таркибига кирди. Қора денгизга чиқиладиган ҳудудлар Туркия қўлида қолди.

Швеция Шимолий урушдаги мағлубияти учун ўч олишга интилиб, Россияга уруш эълон қилди. 1741-1743 йиллардаги рус-швед уруши Финландия ҳудудларида олиб борилди ва Абос (Турку шаҳари) сулҳи билан якунланди. Швеция Шимолий уруш натижаларини тан олди. Финландиядаги унча катта бўлмаган ҳудудлар Кюмень дарёсига қадар Россияга ўтди.

Қозоғистонни Россия таркибига қўшилиши масалада шуни айтиш лозимки, XVIII-асрнинг бошларида Қозоғистоннинг шарқий ва марказий районлари ўзаро ички урушлар майдонига айланганди. Қозоқлар учта: Кичик, Ўрта ва Катта жузлар-уруғларга бирлашган эдилар. 1731 йилда Анна Иоанновна Кичик Қозоқ жузини Россия таркибига қабул қилингани

хақидаги хужжатни имзолади. Султон Абулхайр ва унинг оқсоқоллари подшога қасамёд қилишди. Тўққиз йил ўтгач, 1740-1743 йилларда Ўрта жуз ҳам кўнгилли тарзда Россия таркибига кирди. Оренбург (1742) ва Ёйик дарёсидаги бошқа қалъалар барпо қилинди.

Етти йиллик уруш масаласига келсак, 1756-1763 йилларда Англия ва Франция ўртасида мустамлакалар учун уруш келиб чиқди. Урушда давлатларнинг иккита коалицияси қатнашишди. Уларнинг бирини Пруссия, Англия ва Португалия ташкил этди. Уларнинг рақиблари эса Франция, Испания, Австрия, Швеция, Саксония ва Россиядан иборат бўлди. Пруссия Польшани ва Болтиқбўйини бир қисмини босиб олишга интилишини, бу эса регионда руслар таъсирини тугаганлигини англатишини, Россияда яхши тушунишарди.

1757 йилда рус армияси Шарқий Пруссия томонга силжиди. Тез орада Гросс-Егерсдорф қишлоғида рус қўшинлари пруссакларни биринчи маглубиятга учратишди. 1758 йилда Кенигсберг(ҳозирги Калининград) эгалланди.

Енгилмас ҳисобланган прусс қироли Фридрих II Россияга қарши ўзининг асосий кучларини юборди. Цорндорф қишлоғидаги(1758) тўқнашувда ва Кунерсдорф қишлоғи ёнидаги(1759) асосий ҳал қилувчи жангда Фридрих II нинг армияси яқсон қилинди. 1760 йилда рус қўшинлари Берлинга киришди. Берлин шаҳарининг қалити Петербургдаги Қозон соборига умрбод сақлаш учун топширилди. Кейинчалик рус ҳарбий санъатини машҳур қилишган П.А.Румянцев ва А.В.Суворовлар етти йиллик урушда ўзларининг дастлабки ғалабаларига эришишди.

Бироқ, рус аскарларининг ғалабалари ҳаққоний натижаларга олиб келмади. Иттифокчилар ўртасидаги келишмовчиликлар ва айниқса, Петр III нинг подшолик қилиши Россиянинг урушдаги нуқтаи назарини кескин ўзгартирди. 1762 йилда Россия Пруссия билан сулҳ тузди ва барча эгалланган территорияларни унга қайтариб берди. Аммо бу уруш давомида Пруссия кучсизланди, Россиянинг халқаро обрўси эса ошди. Етти йиллик урушнинг асосий якуни - Англиянинг мустамлакалар ва савдода олдинги ўринни эгаллаш учун курашда Франция устидан ғалаба қозониши бўлди. Петр III нинг рус халқига қарши ташқи сиёсати, шунингдек ижтимоий норозилик учқунлари, гвардиячиларни Екатерина II фойдасига янги тўнтаришни амалга оширишга ундади.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. Москва, АСТ. Астрель «Транзиткнига», 2006.
2. Орлов А.С. и другие. История России. Учебник. Москва, 2001, стр. 3-22.
3. История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А.Чернобаева. Москва, «Вўсшая школа» 2001.
4. Вернадский Г.В. Русская история. М. 1997.
5. Зув М.Н. История России. М., 1999.
6. История России. С древнейших времен до 1861 года. Под ред. Н.И.Павленко. Москва, 2000.
7. Мунчаев Ш.М., Устинов В.М. История России. Москва 1997.
8. Платонов С.Ф. Учебник русской истории. СПб., 1994.
9. Анисимов Е.В. Время Петровских реформ. Л., 1989.
10. Буганов В.И. Пётр Великий и его время. Москва, 1989.

6-Мавзу: Россиянинг XVIII асрнинг II-ярмидаги ривожланиши (2 соат)

Режа:

1. Екатерина II Буюкнинг мутлақ ҳокимияти даври.

1. XVIII- асрдаги рус маданияти.

Таянч тушунчалар:

Колонист; цех; мануфактура; ички савдо; ташқи савдо; ассигнация; секуляризация; губернатор; Ясси; Верел; Радищев; Ведомости; Кунсткамера; Растрелли;

1762 йил 28-июнь куни императорни пойтахтда йўқлигидан фойдаланиб, ака-ука Орловлар бошчилигидаги гвардиячи офицерлар ва императорнинг хотини Екатерина сарой тўнтаришини амалга оширдилар. Измайлов ва Семёнов полклари янги ҳукмдорни қўллашди, уни Петербургдаги Козон соборида императрица деб эълон қилишди. Қишки саройда Екатерина II ни тахтга чиққани ҳақидаги Манифест ўқилди. Сенат ва Синод унга қасамёд қилишди. 29-июнь куни Пётр III тахтдан воз кечгани ҳақидаги ҳужжатни имзолади, бир неча кун ўтгач у вафот этди (афтидан, у Алексей Орлов ва сокчилар томонидан ўлдирилган).

Екатерина II Буюк (1762-1796) императорлик тахтига 33 ёшида тахтга ўтирди. XVIII-асрнинг иккинчи яримида Россиянинг территорияси айниқса жанубий ва ғарбий йуналишларда анча кенгайди. Бу асрнинг охирига бориб, Қора денгизнинг шимолий сохиллари, Азов буйилари, Қрим, Ўнгсохил Украина, Днестр ва Буг ўртасидаги ерлар, Белоруссия, Курляндия ва Литва мамлакат таркибига кирди.

XVIII-асрнинг ўрталарида мамлакат аҳолиси 18 миллион киши бўлган, аср охирига бориб эса 36 миллионга етган. Аҳолининг асосий оммаси қишлоқ жойларда яшаган. Дехқонларни 54 фоизи помещикларга, 40 фоизи эса давлатга қарашли, қолган 6 фоизи сарой муассасаларига қарашли бўлган. Аср охирига бориб мамлакат аҳолисининг 10 фоизга яқини шаҳарларда яшаган. 19-асрнинг бошларида Россияда 634 та шаҳарлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги қишлоқ округларининг маъмурий ва ҳокимят марказлари бўлиб қолаверган.

Қишлоқ хўжалиги Россия иқтисодиётининг олдинги соҳаси бўлиб қолаверди. Украинанинг жануби ва Қора денгиз бўйи- Новороссиядаги унумдор, лекин аҳоли кам ерларда помещик давлатдан 1,5 дан 12 минг десятинагача ер олиб ўз дехқонларини жойлаштириши мумкин бўлган. Хусусий крепостнойлардан ташқари, ҳар қандай хоҳлаган киши 60 десятинадан ер олиши мумкин булган. Екатерина II 1762 йилги Манифести билан чет эллик колонистлар ҳам янги ерларни ушлаштиришга жалб этилиши туфайли уларнинг йирик аҳоли марказлари вужудга келди: саратовдаги қора тупроқли жойларда – немислар, Новороссияда-греклар, арманлар келиб урнашдилар. Марказдаги унумдор ерларни ва мамлакатдаги янги очилган ерларини ушлаштирилиши Россиядан галлани чет элга Херсон, Николаев, Одесса каби қора денгиз портлари орқали экспорт қилинишини очиб берди.

Мамлакатнинг қоратупроқли районларида барщина усули ҳафтасига олти кунгача етди. Нокоратупрок худудларда эса помещиклар дехқонларни пул оброгига утказдилар. Бу ерларда дехқонларни ишлаб пул топиш учун кетишлари кенг ёйилган. Аср уртасига нисбатан аср сунггида пул оброгининг ҳажми беш бараварга купайди. Бир қатор помещик хўжаликларида крепостной дехқонларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган мануфактуралар курила бошлади. 1765 йилдаги фармонга қура помещиклар уз крепостнойларини ҳеч бир суд ва суроқсиз Сибирга сургун қилиши мумкин булган. Дехқонларни сотиш қучайди. Уларни ҳатто карта уйинига ҳам ютказиш, ҳеч бир айбисиз ҳам жазолаш мумкин булган. Помещиклар купинча «биринчи кеча ҳукуки»дан фойдаланганлар. 1767 йилдаги фармонга қура, дехқонларни уз помещиклари устидан императрицага шикоят қилишлари тақиқланди.

Саноат тараккиёти масаласида аввало шуни таъкидлаш лозимки, 1785 йилда шаҳарлар тугрисидаги ёрликни бир қисми булган махсус хунармандчилик низоми нашр этилиб, унга қура маълум бир ихтисосдаги беш кишидан кам булмаган хунармандлар цех ташкил этиб, уз оксоқолларини сайлашлари лозим эди.

Шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқларда ҳам хунармандчилик ривожланди. Иванова районидаги мануфактура, граф Шереметовнинг дехқонлари юритган туқимачилик соҳасидан ушиб чиқди; Ока бўйидаги Павлово эса металл буюмлар тайёрлаш; Хохлома райони (ҳозирги Нижегород области) ёғочни қайта ишлаш; Гжель (Подмосковьеда) – керамика буюмлари; Кимрў (Тверь области) – териға ишлов бериш билан шухрат қозонган.

Бой дехқонларнинг қупчилиги крепостнойлар бўлиб, уларнинг айримлари уз қорхоналарини очиб, уз ҳамқишлоқларини ёллаб ишлатганлар. Бирок бундай дехқонлар уз помещигини крепостной бўлиб қолаверган ва унга қуп минг рубл оброк тулаган. Лекин

бундай дехконларнинг жуда озчилиги уз помещикларидан уз шахсий озодлигини сотиб олганлар.

XVIII- асрнинг II-ярмида мамлакатда мануфактура ишлаб чиқаришининг янада усиши руй берди. Аср урталарида 600 дан ортиқ мануфактура мавжуд бўлса, аср сунггига келиб бундай корхоналарнинг сони 2000 дан ортиб кетди. Уз крепостнойларининг меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар купчиликни ташкил қилиб, булардаги крепостной- ишчилар уз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлмагани туфайли корхонада меҳнат унумдорлиги паст бўлган.

Уз помещиклари учун оброкни пул ҳисобида тулаши лозим бўлган крепостнойлар ишлаб пул топиш учун бошқа жойга бориб корхоналарга ёлланма ишчи кучи сифатида жойлашиб, канча куп маҳсулот тайёрласа шунга яраша иш хақи олгани туфайли, улар уз меҳнатлари самарасидан манфаатдор бўлиб сифатли ва куп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарган, ишлаб топган пулидан ҳам уз помещигога пул obroги сифатида тулаган, ҳам уз оиласини таъминлаган. Бу эса капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини вужудга келатганидан нишона эди. 1762 йилда крепостной дехконларни заводларда ишлатиш учун сотиб олишни тақиқлаш ҳақида фармон чиқди. Натижада ёлланма ишчилар бозори юзага келди. XVIII- асрда Россияда 400 мингдан ортиқ ёлланма ишчилар мавжуд бўлган.

Ички ва ташқи савдо ҳақида суз борганда айтиш лозимки, ҳужалик фаолиятининг турли соҳаларидаги ихтисослашиш янада аниқ кузга ташлана бошлади. Коратупрокли Марказ ва Украинанинг бугдойи, Волгабуйини шерст, тери ва балиги, Сибир ва Шимолнинг муйналари куп сонли савдолар ва ярмаркаларда мунтазам алмаштирилган. Улар ҳужалик регионлари ва савдо йуллари туташган Нижнй Новгород, Оренбург, Ирбит, Нежин(Украина), Курск, Архангельск ва бошқаларда жойлашган эди. 1754 йилдан ички божхона солиқларини бекор қилиниши бутунроссия бозорини ривожланишига имкон берди.

Россия узининг Болтиқбуйи ва Кораденгизбуйи портлари орқали фаол ташқи савдони олиб борган. Россия металл, ёғоч, парус учун матолар, териларни экспорт қилган. XVIII- асрнинг охиридан кораденгиз портлари орқали бугдойни ташқарига чиқаришни бошлади. Чет элдан шакар, мовут, металлдан ясалган буюмлар, ипак, буюк маҳсулотлари, кофе, вино, мевалар, чой келтирилган. XVIII- асрнинг II-ярмида мамлакатнинг асосий савдо ҳамкори Англия бўлган.

Молия соҳасида шуни таъкидлаш керакки, ҳокимят аппаратини мустаҳкамлаш, уруш харажатлари, саройни таъминоти ва бошқа давлат эҳтиёжлари катта пул маблағларни талаб этарди. XVIII- асрнинг II-ярмида мамлакат хазинасининг даромадлари 4 мартага ошди. Бироқ харажатлар янада, 5 бараварга купайди. Екатерина бюджет танқислигини анъанавий усуллар билан енгиб утмокчи бўлиб, булардан бири коғоз ассигнацияларни чиқариш бўлди. 1769 йилдан биринчи марта коғоз пуллар пайдо бўлди(аср сунггига бориб коғоз рубл қадрсизланди ва қумуш ҳисобида 68 копеек турган). Шунингдек, айнан Екатерина вақтида Россия биринчи марта ташқи қарзларга мурожаат қилди. Биринчи марта 1769 йилда Голландиядан, келаси, 1770 йилда эса Италиядан қарз олди.

Россиянинг бюджети бошқа яққа ҳокимлик давлатлариникига ҳос бўлган. Даромадлар солиқларни ошириш ҳисобига -жон солиғи, хазина томонидан вино, туз ва бошқа маҳсулотларни сотилиши, бож солиғи, тангаларни зарб этишдан келадиган фойда эвазига купайиб борган. Бюджетнинг харажат қисмида армия ва флот учун харажатлар биринчи уринда турган, бошқариш ва саройни таъминоти учун харажатлар кейинги уринда турган. Фан, маориф ва санъатни ривожлантиришга оз миқдорда маблағлар сарфланган.

Императорликнинг дастлабки йилларида Екатерина II Буюк француз маърифатпарвари М.Ф.Вольтер ва унинг ҳамфикрлари билан мунтазам равишда давлат ишларини муҳокама қилиб ёзишмалар олиб борган. У сиёсатида, Ш.Л. Монтаскьёнинг китобини йул курсатувчи эканини, таъкидлаган.

Россияни янада яхшироқ билиш мақсадида, унда Пётр Буюк сингари мамлакатни айланиб чиқиш истаги тугилди ва Ярославль ва Ростовда ҳамда Болтиқбуйида бўлди, Волга бўйлаб Твердан Симбирскга қадар борди. У қонунчиликка катта эътибор қаратди, тарихчиларнинг

хисоблашларича, императрица узининг хукмронлик йилларида бир ойда 12 тадан конунлар чикарган.

Екатерина II нинг ислохотларини дастлабкиларидан бири Сенатни маълум ваколатларга эга булган олти департаментларга булиниши булди. Сенат ислохоти мамлакатни марказдан туриб бошқаришни яхшилади, лекин конун чикариш ваколатидан махрум булди, бу ваколат купрок императрицани кулига ута бошлади. Монастёр дехконларининг оммавий галаёнлари шароитида Екатерина 1764 йилда черков мулкларини секуляризация(мусодара)сини утказди. 1773 йилда барча динларнинг тенглиги принципи амалга киритилди.

Е.И. Пугачев бошчилигидаги 1773-1775 йиллардаги дещконлар уруши казаклар орасида бошланган. Пугачев томонида турли миллатлар ва динлар вакиллари қатнашган. Уларни крепостнойлик тартибларига қарши курашиш бирлаштирган. Дещконлар уруши Е.И.Пугачёв отряди томонидан Ёйик дарёси буйидаги кичик шаҳарларни босиб олиниши ва Россиянинг жануби-шарқидаги йирик калъа - Оренбургни камал қилинишидан бошланди. Оренбургга ёрдам бериш учун юборилган генерал В.А.Кара кумондонлигидаги кушин тор-мор этилди. Кузголончилар армияси казак кушинлари сингари ташкил этилиб, каттик тартиб ва интизом урнатилган булсада, бироқ илгариги дехконлар урушлари каби стихияли булиб колаверди. Е.И.Пугачёвнинг сафдошлари - бошқирд Салават Юлаев, урал заводлари ишчилари Хлопуша ва Иван Белобородов, казак Иван Чики-Зарубин ҳамда бошқалар бошчилигидаги кузголончиларнинг айрим отрядлари Кунгур, Красноуфимск, Самарани босиб олишди.

Екатерина II дехконлар ҳаракатининг кучайишидан хайкиб, генерал А.И.Бибиков бошчилигидаги ҳукумат кушинларини кузголончиларга қарши жунатди. 1774 йил март ойида Е.И.Пугачёв Оренбург районидаги Татишев калъаси ёнидада мағлубиятга учради. Кузголончилар Урал томонга чекинишди, у ерда дехконлар ва ишчилар хисобига уз армияси сафларини тулдириб, Козон томонга юришди ва 1774 йил июлида Козонни эгаллашди. Бироқ тез орада шаҳарга полковник И.И. Михельсон кумондонлигидаги подшо кушинлари яқинлашди. Янги жангда Е.И. Пугачев яна мағлубиятга учради. 500 кишилик отряд билан у Волганинг унғ киргогига утди. У Волга буйлаб жанубга томон юриди, у дон казакларидан кумак олмокчи булди. Е.И.Пугачёв Царицўнни олишга уриниш чоғида Сальников заводида сунгги мағлуетга учради. Узига содик оз сонли кишилар билан Волга ортига яширинмокчи булди, лекин узига тук казаклар гуруҳи Е.И.Пугачёвни ушлаб, ҳукуматга топширишди. Е.И.Пугачёв ёғоч кафасда Москвага жунатилди. 1775 йил 10-январда Е.И.Пугачёв ва унинг яқин сафдошлари Москвадаги Болотная майдонида қатл этилди. Ҳукумат кузголон қатнашчиларидан шафқатсиз тарзда уч олди, Волга дарёсида ва бошқа дарёларда дорлар қурилган соллар сузиб юрган.

Екатерина II томонидан дворянликни марказ ва жойларда мустаҳкамлаш юзасидан тардбирлар қурилди. Россия конунчилигида биринчи марта давлат бошқаруви маҳаллий органлари ва судларни фаолиятини белгиловчи ҳужжат юзага келди. Маҳаллий органларнинг бу тизими XIX-асрнинг 60-йилларидаги Буюк ислохотларга қадар мавжуд булди. Екатерина II томонидан амалга киритилган мамлакатни маъмурий булиниши эса 1917 йилга қадар сақланиб қолди. 1775 йил 07-ноябрда мамлакатни губернияларга бўлиб бошқарилиши шаклида конун чиқарилди, унга кура мамлакат 50 та губернияларга бўлинган. Шар бир губернияда 300-400 минг эркак аҳоли яшаши лозим бўлган. Губернияларни бевосита императрицага буйсунадиган губернаторлар бошқарган. Пойтахтлар ва бошқа бир нечта губерниялар генерал-губернаторларга буйсунган. Губернатор қошида губерна бошқармаси бўлган. Губерниялар эса уз навбатида шар бирида 20-30 минг эркак аҳоли яшовчи уездларга бўлинган. Суд органлари ижро этувчи органлардан ажратилди. Сенат-олий суд органи хисобланиб, губерналарда жинойт ва граждaн судлари палатаси ташкил этилиб, уларнинг аъзолари давлат томонидан тайинланган.

Шашарлар алоҳида маъмурий бирликка ажратилди. 1785 йил 21-апрель яъни Екатерина II нинг тугилган куни дворянлар ва шашарларга ёрликлар берилган. Унга биноан

дворянларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Шаҳар аҳолиси эса олти разрядларга ажратилган. 60-70 йилларда Екатерина II мамлакат ҳаётидаги маорифга катта эътибор қаратган. Бадий Академиянинг президенти ва Курукликдаги шляхет корпуси директори И.И.Бецкойнинг маориф соҳасида ислохотлар амалга оширишга уриниши ижобий бўлиб, унинг режасига кура Москва ва Петербургда Тарбия уйлари, қизлар смолнўй институти, Москвада Коммерция билим юрти очилиб, Кадет корпуслари қайта ташкил этилди. Аср сунггида мамлакатдаги 550 та ўқув юртида 60-70 минг ўқувчилар бўлган.

Дешқонлар уруши, рус ва француз маърифатпарварларининг ғоялари, Буюк Француз инқилоби ва Шимолий Америкадаги мустақиллик учун урушни АҚШни ташкил топишига олиб келиши (1775-1783) Россияда крепостнойлик тузумига қарши дунёқарашни туғилишига олиб келди. Александр Николаевич Радищев (1749-1802) «Петербургдан Москвага саёҳат» ерни хақиқий эгалари булган дешқонларга беришга чақирган.

Павел I (1796-1801) онасининг вафотидан сўнг 42 ёшида тахтга ўтирди. 1797 йилда Петр I нинг тахтни меросга қолдириш фармонида ўзгариш киритди. Тахт фақат эркакдан эркакга ўтадиган бўлди. 1797 йил уч кунлик баршина шақида манифест қабул қилинди. 1801 йил 12-март куни тахт вориси Александр I иштирокида сарой тўнтариши (Россия тарихидаги охириги) амалга оширилди. Павел I Петербургдаги Михайловск қалъсида ўлдирилди.

Ташқи сиёсатдаги асосий вазифалар жанубий денгизлар - қора ва Азов денгизларига чиқиши эди. XVIII- асрнинг III- чорагидан Польша масаласи ҳам муҳим рол ўйнади. 1768-1774 йилдаги рус-турк уруши масаласига келсак, уруш шарақатлари 1769 йилда бошланиб, Молдавия ва Валахия ҳудудида олиб борилган. 1770 йилда П.А.Румянцев кумондонлигидаги рус армияси Ларга ва Кагил дарёларини Прутга қуйилиш жойида ғалаба қозониб Дунайга чиқди. А.Г.Орлов ва адмираллар Г.А.Спиридонов ва И.С.Грейг бошчилигидаги рус флоти Петербургдан чиқиб, Болтик, Шимолий денгизлар, Атлантика океанида сузиб, Гибралтар бугози орқали ўрта ер денгизига кириб, кичик Осиёдаги Чесмен бухтасида турк эскадрасини тор-мор қилди. Россия ва Туркия уртасида 1774 йилда сулҳ тузилиб, унга кура Россия Қора денгизга чиқди, қора денгизда рус ҳарбий-денгиз кемалари бемалол сузадиган ва Босфор ва Дарданеллдан ўтиш ҳуқуқига эга бўлди. Азов ва Керч, Кубан ва Кабарда Россияга таркибига ўтди. қрим хонлиги Туркиядан мустақил бўлди. Туркия Россияга 4 млн. рубл контрибуция тўлади. Туркия яна Кримга ташдид солди. 1783 йилда Россия Крим ярим оролини қўшиб олди, Севастополга асос солинди, қримнинг илгарги номи Таврида бўлган эди. 1783 йилда Россия Шарқий Грузияни ўз протекторатига айлантирди.

1787-1791 йилларда навбатдаги рус – турк уруши бўлиб ўтди. А.В. Суворов 1789 йилда Римник дарёси бўйидаги турк армияси устидан қозонган ғалабаси учун Римникский унвонини олди. Суворов кушини 1790 йилда Измаил қалъасини штурм билан эгаллади. Кутузов ҳам бу жангда қатнашди. Адмирал Ушаков 1791 йилда турк флотини тор-мор қилди. 1791 йилда Туркия ва Россия уртасида Ясси сулҳи тузилди.

1788-1790 йилда рус –швед уруши бўлиб ўтиб, Верел сулҳига кўра эски чегаралар сақланиб қолди. Пруссия, Австрия ва Россия ўртасида Польша 1772, 1793 ва 1795 йилларда уч марта бўлиниб олинди.

Россия 1799 йилда Неапол ва Римни французлардан озод қилди. Суворов эса Италия юришларида Милан ва Туринни озод қилди, Альп тоғларидан ўтиб (Швейцария юриши) Шимолий Италияни эгаллади.

XVIII- асрдаги рус маданияти мамлакат иқтисодини ўсиши билан ривожланиб борди. Пётр I даврига қадар мактаблар рушонийлар қўлида эди, энди эса дунёвий мактабга айланди. 1701 йилда Москвада математика ва навигация фанлари мактабига асос солинди. 1715 йилда денгиз академиясига асос солинди. Артиллерия, Инженерлик ва Медицина мактабларига асос солинди. 1702 йилдан «Ведомости» газетаси нашр этила бошлади. 1714 йилдаги фармонга кура губернияларда 42 та мактаблар очилиб фаолият кўрсатган, уларда крепостной дешқонларни болалари ўқимаган. Дворянларни армия ва флотда хизматга

тайёрлаш учун Петербургда Шляхет (дворян) корпуси очилди. М.В.Ломоносовни ташаббуси билан 1755 йилда Москва университети очилди. Лекциялар рус тилида ўқилган. Фан соҳасида 1725 йилда Петербургда фанлар академияси очилди. Татишев ва Ломоносовлар - рус тарих фанига асос солишди. 1719 йилда биринчи рус, табиий-тарихий музейи-Кунсткамера очилди. Ломоносов М.В. (1711-1765) томонидан чет элликлар ўрнига рус мутахассислари фанга жалб этилди. Турмуш тарзи ва одатларда ҳам ўзгаришлар бўлди. Пётр I Европадан Буюк элчиликдан қайтгач ўзига хос шошқалоқлик билан боярларни соқолларини кирдириб, узун енглари ва этакларини кестирди. У сочларни калта кесиб соқолларини кирдиришни буюрди. Соқол қўйиш факат рушонийлар ва деҳқонларга рухсат этилди. Европача кийим амалга киритилди. 1649 йилдаги Соборное конунларига кўра тақиқланган тамаки чекишга эндиликда рухсат этилди, чунки тамаки чекиш илгари жиноят ҳисобланарди. Пётр I нинг буйруғи билан немис тилидаги яхши хулқ-атвор ва муомала шаклидаги қўлланма рус тилига таржима қилиниб, Пётр I томонидан қўшимчалар киритилди. Унда ота-онага катта иззат-икром курсатиш, саволларга тез жавоб қайтариш, катталарга хушмуомалада бўлиш талаб этилган. Жамиятда ўзини қандай тутиш шаклида маслаҳат берилган.

1700 йил 1-январдан Россияда янги йил байрам қилина бошлади ва арчалар безатилган. 1700 йил 1-январдан Россия бошқа Европа давлатлари каби янги йил ҳисобига ўтди, йил ҳисоби Иисус Христос туғилишидан ҳисобланади.

Архитектурада, XVIII – асрда қурилиш соҳасида режали асосда, геометрик тўғри, симметрик тарзи характерли бўлиб кўчаларни жойлашишида ягона тартиб ва усуллар ўрнатилди. Биноларни хажми ва баландлигини маълум нисбати белгиланди. Россия империясининг янги пойтахти- Санкт-Петербургни қурилишида бу талаблар амалга оширилди. Илк барокко архитекторлари Ж.Леблон, Д.Трезини бу ишни амалга оширдилар. Трезини Пётр I саройини ёзгисини, Петропавловск қалъаси соборини, ўн икки коллегия биносини яратган. Махсус комиссия тузилиб, катта рус шаҳарларини 400 га яқин қайта қуриш режаси ишлаб чиқилди. XVIII-асрнинг I-ярмида архитектурада барокко усули характерли бўлиб, бунда қурилишлар монументал бўлиб, ҳашаматлилиги, устунларни кўплиги, қуйма ёпиштирилган безаклар ва бўртма суратлари билан ажралиб турган. Барокко усталарини энг моҳири В.В. Растрелли бўлган. Машҳур архитекторнинг отаси Б.К.Растрелли барокко усталарининг энг моҳири бўлган. Хайкалтарошликда Ф.И.Шубин М.В.Ломоносов, А.М.Голицин, Г.А.Потемкин, П.А. Румянцев, император Павел I ларнинг хайкалини яратган.

Рассомчиликда эса Матвеев А.Т. ва И.Н.Никитинлар асосан портрет белгиларидан ташқари уларни ички дунёси, рухий ўзига хос хусусиятини кўрсатишга интилишган. Портрет рассомлигидан ташқари графика, мозаика, пейзаж рассомчилиги ҳам кенг ёйилди. Биринчи профессионал рус театри 1750 йилда савдогар Ф.Г. Волковнинг ташаббуси билан Ярославлда ташкил этилди. Икки йил ўтган бу театр Петербургга кўчиб ўтди. 1756 йилда подшо фармони билан Россия театрига (шозирги А.С.Пушкин номидаги Академик драма театри) айлантирилди. Бир вақтнинг ўзида мамлакатда крепостной деҳқонлар фаолият кўрсатган театрлар ва оркестрлар ташкил этилди. 1738 йилда Петербургда биринчи балет мактаби очилди. Дастлабки рус опера спектаклларида «Анюта» операси бўлган, уни композитор В.А.Пакевич яратган.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. Москва, АСТ. Астрель «Транзиткнига», 2006.
2. Орлов А.С. и другие. История России. Учебник. Москва, 2001, стр. 3-22.
3. История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А.Чернобаева. Москва, «Въсшая школа» 2001.
4. Вернадский Г.В. Русская история. М. 1997.
5. Зув М.Н. История России. М., 1999.

6. История России. С древнейших времен до 1861 года. Под ред. Н.И.Павленко. Москва, 2000.
7. Мунчаев Ш.М., Устинов В.М. История России. Москва 1997.
8. Платонов С.Ф. Учебник русской истории. СПб., 1994.
9. Анисимов Е.В. Время Петровских реформ. Л., 1989.
10. Буганов В.И. Пётр Великий и его время. Москва, 1989.
11. Борзаковский П.К. Императрица Екатерина Вторая Великая. М., 1991.

7-мавзу. XIX асрининг 1-ярмида Россиянинг иқтисодий ва ижтимоий тузуми (2 соат)

Режа:

1. Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт.
2. Мамлакатдаги ички сиёсат.

Таянч нушунчалар:

Генерал-губернаторлик; саноат революцияси; модернизация; технология; ассигнация; коммерция; экспорт; импорт; коммуникация; сарой тўнтариши; синод; консерватив; аракчеевчилик;

XIX асрининг 1-ярмида Россия империясининг территорияси Шарқий Европа, Осиё(Сибирь ва Кавказ), Шимолий Америкада(Аляска) 18 миллион квадрат километрга етди, аҳолиси сони эса икки баравар кўпайиб 70 млнга етди. Бой ресурслари: ўрмонлар, дарёлар, шудгор ерлар, фойдали қазилмалар(руда, кўмир, нефть, қимматбаҳо металллар ва тошлар) саноатни тез ривожланишига имкон берди. Иқлим, хўжалик ва этник жихатдан турлиилк мамлакатнинг турли районларининг ўзига хос ривожланишини белгилади.

Россия империяси худуди губерния ва областларга бўлиниб, улар эса ўз навбатида уездларга ажралган. Россияга янги территорияларни қўшиб олинishi эвазига губернияларнинг сони кўпайди, улар йириклаштирилди, областларга айлантирилди ёки генерал-губернаторликка бирлашдилар. 1809 йилда Финландия, 1815 йилда Польша қўшиб олинди.

Россия крепостнойлик ва абсолютистик(мутлақ ҳокимият) давлати эди. Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий имтиёзлар олишган дворянлар жамиятдаги асосий ижтимоий-сиёсий куч бўлиб қолаверди, подшо ҳукумати эса уларни қўллаб қувватлашда давом этди.

Аҳолининг кўп сонли қисми деҳконлар эди. Улар бир неча катергорияларга бўлинишган: пемошчик ёки хусусий мулкларга қарашли, давлат, удел(император оиласига тегишли ерларда ишловчи)ва иқтисодий(собиқ монастрлар). Шундай қилиб, Россияда озод эркин аҳоли амалда йўқ эди. Савдогарлар ва шаҳар майда буржуазиясига мансуб одамлар аҳолининг бир неча фоизини ташкил этади. Давлатнинг чегара худудларини қўриқлаш вазифасини бажарувчи харбийлаштирилган тоифа, казаклар алоҳида мавкега эга бўлган.

XIX- асрининг 1-ярми иқтисодиётда чуқур ранг-баранглик хакрактарли эди. Товар-пул муносабатларини кенгайтирилиши ва ёлланма меънатни қўлланилиши, саноатни қайта техник куруллантеришини бошланиши каби янгиланишлар натурал-патриархал тартиб, хўжалик юритишни крепостной ҳукуки, техниканинг эски мутаассиб холдаги ҳолати билан бирга қўшилиб кетган эди. Капиталистик ишлаб чиқариш биринчидан: ёлланма ишчи кучи бозорини, иккинчидан капитал, яъни ишлаб чиқаришган қўйилган пул маблағларини, учинчидан, аҳолининг нисбатан юқори харид қобилиятини талаб этарди. Бироқ крепостниклик тизими бу шарт-шароитларни юзага келишга тўсқинлик қилар, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини секинлатарди ва бинобарин, мамлакатни модернизациялашга ҳалал беради. Россия ғарбдан ажралиб турадиган ўзининг йўлидан борди. Англия, Франция ва бошқа мамалкатларда бўлиб ўтган буржуа инқилоблари Россияни четлаб ўтди. XIX асрининг 1-ярми давомида ўзининг анъанавий иқтисодий ва ижтимоий тизимини саклаб қолди. Шунга қарамай, давлатнинг умумиллий объектив эҳтиёжлари ва подшо ҳокимиятининг субъектив манфаатлари, ишлаб чиқариш кучларининг аста-секин

ривожланиб бориши 1861 йилда крепостной шукукини кулашга ва бинобарин, Россиянинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузилишини ўзгаришига олиб келди.

Қишлоқ хўжалиги: XIX-асрининг 1-ярмида Россия аграр мамлат бўлиб қолаверди. Қишлоқ хўжалигида унинг аҳолисининг ўндан тўққиз қисми банд эди. Аграр секторнинг ярмига яқини помещчик хўжалиги, қолган қисми давлат феодализми тизими эгаллаб бунда ер ва деҳқонларга давлатнинг ўзи эгалик қиларди. Натурал хўжалик чириб борди ва қишлоққа товар-пул муносабатлари кириб борди. Помещчик хўжалигида кўпроқ саноат учун маҳсулот етиштирила борди. Бўғдой экспортини ахамияти ошиб борди. XIX асрининг ўрталарида бу кўрсаткич 70 млн пудга етди. Картошка аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотига, дала экинига айланди.

Аммо помещчик имениеларнинг ҳаммасида крепостной деҳқонларнинг мажбурий меънатидан фойдаланиш давом эттирилди. Крепостниклик шароитида хўжаликни самарадорлигини оширишнинг энг кенг ёйилган усули деҳқонларни эксплуатациясини кучайтириш эди. Улар натурал ва пул оброкни тўлашлари, баршинани ишлаб беришлари шарт ва мажбур эди. XIX-асрининг 1-ярмида оброк 2-5 бараварга ўсди. Баршинани деҳқонлар помещчик учун ҳар ҳафтада 3 кундан 5 кунгача ишлаб беришлари зарур эди. Помещчик хўжалиги асталик билан инкирозга учраб борди. XIX-асрининг ўрталарига келиб имениеларнинг 65 фоизи қарздор бўлиб қолди. Помещчикларни давлатдан ва кредит муассасаларидан бўлган қарзи 400 млн рублга етди.

Россия ғарбдан фарқли равишда деҳқонларнинг ердан фойдаланишида жамоа тизимини сақланиб қолгани мустахкамлангани характерли эди. Бунда ерлар деҳқон ховлилари ўртасида бўлиниб, деҳқон хўжаликларини маҳсулдорлигини ўсишига ҳалал бериб, қишлоқда ишлаб чиқариш кучларини ўсишига тўскинлик қиларди. Бу эса аграр масалада уч нарсани: деҳқонларни шахсан озод қилиш, уларни ер билан таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги жамоа интизомини ўзгартиришни талаб этарди.

Саноат: XIX асрининг бошларида ҳам Россиянинг саноат корхоналарида асосан мажбурий ва қисман ёлланма меънатдан фойдаланилган. Хусусий ва давлат мануфактуралари кенг тарқалган Урал ва бошқа районларда, мажбурий меънатга асослангани учун, аста-секин иқтисодиётдаги илғор ўринларни бой бера бошладилар. Бу корхоналар кам фойда келтириб, оз маҳсулот бериб, аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондира олмай қолди. Россия ишлаб чиқаришни ривожланиш суръати ва ҳажми жиҳатдан капиталистик мамлатлардан янада ортиб борди. Масалан, Англиядан чўян қуйиш бўйича 3,5 баравар орқада эди.

XIX-асрининг 30-40 йилларида Россия ғарбий Европага қараганда кечроқ саноатдаги кескин ўзгариш (саноат революцияси) бошланган эди. Уни асосий мазмунли мануфактура ишлаб чиқаришини фабрика ишлаб чиқариши билан алмашишни ташкил қиларди. Бир томондан бу саноатни техник қайта қурулантириш, ҳамма жойда кул меънатини машина билан алмаштириш, ишлаб чиқаришни турли двигателларни ва ўша вақт учун илғор бўлган технологияларни жалб этиш билан боғлиқ эди. Бошқа томондан, у капиталистик жамият учун характерли бўлган янги синфларнинг юзага келиши чуқур ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқлиги кузатилди. Крепостной ҳуқуқ бу жараёнларни секинлатди. Унинг бекор қилиниши(1861) XIX-асрининг 70-йилларида охири 80-йилларнинг бошларида саноатда кескин ўзгаришни тугаллигини тездади.

Россияда ёлланма меънатни қўлланилиши асосида асосий саноат районлари вужудга келди-Шимолий-ғарбий(Петербург-Болтикбўйи), Марказий(Москва), ва Жанубий (харьков). Саноатни Россиянинг айрим қисмларида жамланиши унинг иқтисодининг хусусиятларидан бири эди. Ишлаб чиқаришнинг ташкил этишда унинг янги усуллари енгил саноатга тезроқ киритилди(тўқимачилик, озиқ-овқат ва қўғоз тайёрлаш). Бу соҳаларда ишчиларнинг қўл меънати тез суратларда машина билан алмаштирилди, янги корхоналар ташкил этилиб, эскилари қайта жихозланди(Москва тўқимачилик Прохоров мануфактураси). Бундай ўзгаришлар оғир саноатда бир мунча оғир кечди. Темир ва чўян ишлаб чиқаришда от ёрдамида ҳаракатга келтириш ўрнига пар орқали ишлайдиган двигателлар

қўлланилди.(Петербург чўян қуйиш заводи ва бошқалар). Чет элда ишланган машина асбоб-ускуналар асосан Англия ва Бельгиядан келтирилган. Шунга қарамасдан XIX-асрининг 1-ярмида машинасозлик саноати пайдо бўла бошлади. Биринчи заводлар Петербург, Нижний Новгород(Сармово) ва бошқа шаҳарларда вужудга келди. Аммо бу соҳалар XIX-асрининг охирига қадар етарлича ривожланмади.

Йирик шаҳар марказларидан узоқда ва асосий савдо йўлларида косиб-хунармандчилик ишлаб чиқариши гуллаб ўсди. Фабрикалар билан бир қаторда бу ҳолат енгил саноат (тўқимачилик, терига ишлов бериш, ёғочни қайта ишлаш)ни кўплаб соҳалари учун характерли бўлган. Кўплаб металл буюмлар кустар(хунармандчилик) йўли билан ишлаб чиқарилган.

Бинобарин, XIX-асрининг 1-ярмида Россияда крепостной ва ёлланма мануфактуралар, фабрика ишлаб чиқариш ва кустар(майда махсулот ишлаб чиқариш) саноати мавжуд бўлган.

Саноатдаги кескин ўзгаришлар бошланиши билан янги ижтимоий тоифа, табақа ёлланма ишчиларни – вужудга келиши боғлиқдир. Крепостной мануфактураларда ишловчи одамлар зарур ишлаб чиқариш малака ва кўникмаларига эга бўлишни хошлашмасди, кўпинча механизмларни синдиришар ва ишдан чиқаришарди. Факат ёлланма меънатни ривожланиши билан самарали фабрика ишлаб чиқаришига ўтиш мумкин эди. Мануфактура ва фабрикаларга мулкисиз шаҳарликлар, давлат дешқонлари ва ўз хўжайинларининг рухсати билан пул ишлаб келишга кетган крепостнойлар ёлланишарди. 1860 ишчиларнинг 4/5 қисмини ёлланма ишчилар ташкил этарди. Ишчилар озгина, арзимас иш ҳақи эвазига кунига 13-14 соат ишлашарди.

Россия буржуазиясининг вужудга келиши ўзига хос хусусиятга эга бўлди. Биринчидан, йирик миқёсдаги ишлаб чиқаришни тузиш зарур бўлган жамғарма(капитал)лар жуда секинлик билан ва кўплаб суистеъмол қилишлар орқали тўпланди. Савдогарлар катта бойликларни вино сотиш орқали ва бошқа йирик давлат ишларида бойидилар. Коммерция ва молия операциялари кўпинча ноқонуний ҳаракатлар-хазинани талон-тарож қилиш, порахўрлик, аҳолидан пул маблағларини таъмагирлик йўли билан ундириш орқали амалга оширилган. Иккинчидан, узоқ муддат давомида “ёш” россия буржуазияси бир пайтнинг ўзида ҳам савдо, ҳам ишлаб чиқариш билан шугулланган. Учинчидан, кўплаб тадбиркорларнинг келиб чиқиши бойиб кетган крепостной дешқонлардан бўлган.

Аста-секинлик билан Россия буржуазиясининг сулоалари таркиб топди-Сапожниковлар, Морозовлар, Гучковлар, Бибииковлар, Кондрашевлар ва бошқалар. Савдо орқали топилган пуллар саноатга сарф қилинди. Масалан, савдо доираларидан келиб чиққан И.М. Кондрашев йирик ипак фабрикалари куриб уларнинг махсулотлари бутун Европада машхур бўлди. Бу пайтда Россия буржуазияси иқтисодий заиф бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол рол ўйнамаган, ҳукумат улар ҳақида кам қайғурган.

Молия: XIX асрининг бошларида рус ҳукумати Наполеонга қарши урушларни молиялаш ва дворян ер эгалигини қўллаш учун йирик миқдорда ассигнация(эмиссия)лар яъни қоғоз пулларни чиқарди, булар биринчи марта XVIII-асрнинг ўрталарида муомалага киритилган эди. Асрнинг 1-чорагида ассигнациялар эмиссияси (чиқариш) 4 барабар ўсди. Натижада улар кескин кадрсизланди. Павел 1 ва Александр 1 ларнинг инфляцияни бартараф этиш учун уринишлари натижа бермади. Шунинг учун 1839-1844 йилларда молия министри граф Е.Ф.Канкриннинг ташаббуси билан молиявий ислохот ўтказилди. Пул муомаласининг асосига кумуш рубль қўйилди. 1843 йилдан ассигнациялар аста-секин аҳолидан мажбурий курси 3,5 рубль ассигнация 1 кумуш рублга тенг миқдорда кредит билетларига алмаштирила бошланди. Кредит билетлар кумушга эркин равишда алмаштирилган. Реформа бир мунча вақт Россиянинг молиявий тизимини мустахкамлади. Аммо 1853-1856 йиллардаги Қрим уруши янги молиявий қийинчиликлар келтириб чиқарди. Давлатнинг ички ва ташқи қарзи бир неча баробарга кўпайди.

Савдо: XIX-асрининг 1-ярмида бутунроссия бозорини вужудга келиши давом этди. Саноатни ривожланиши, шаҳарларнинг ўсиши ва регионларни хўжалик ихтисослашуви

савдони рағбатлантирди. Дворянлар, савдогарлар ва шаҳарликларниг бир қисми асосий истеъмолчилар бўлган.

Савдо операцияларининг кенгайиши ва махсулотлар ассортиментининг кўпайиши ҳисобига ички бозорда сезиларли ўзгаришлар юз берди. қишлоқ хўжалиги махсулотлари билан бир қаторда, бозорда саноат махсулотларини кенг тарқалиши алоҳида аҳамият касб этди. Бу пайтда хануз бутунроссия ва маҳаллий ярмаркалари савдо марказлари ролини ўйнаган. Улар Россия бўйича 6000 дан ортиқ бўлиб мавсумий, кўтарасига улгуржи(оптовий) ва майда улгуржи(мелкооптовой) тизимдан иборат бўлган. Волга бўйидаги Нижегород, Сибирдаги Ирбит ва Ярославл губерниясидаги Ростов ярмаркалари кенг машхур бўлган.

Россиянинг йирик шаҳарларида магазин(чакана) савдоси шиддат билан ривожланди. XIX асрининг 1-яримда йирик ташқи савдо сезиларли муваффақиятларга эришди. Унинг баланси умуман ўзгармасдан актив ҳолатда қолди яъни четга махсулот чиқариш махсулот келтиришдан устунлик қилди. Аммо экспортнинг тузилиши ўзгарди, ундан қора металллар ғойиб бўлди, унинг ўрнига қишлоқ хўжалик махсулотлари устун кела бошлади. Бўғдой, ёғоч, қаймоқ, тери, зиғир толаси ва бошқа махсулотлар четга чиқарилган.

Импорт асосан дворянларинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Расм-русум (мода) бўлган кийимлар, мустамлакалардан чой, кофе махсулотлари ва мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатини ривожлантириш учун зарур нарсалар келтирилган.

Транспорт: Товар-пул муносабатларининг ривожланиши ички ва ташқи савдонинг кенгайиши, савдо марказлари(ярмаркалар)нинг кўпайиши-буларнинг барчаси транспорт тизимининг қайта ташкил этилишини ва яхшиланишини талаб қиларди. 1808-1811 йилларда Марин ва Тихвин каналлари тизими барпо этилиб, улар Болтиқ денгизини Москва ва Волга савдо йўли билан боғлаган. Россия дарёларида дастлабки кема(пароход)лар пайдо бўлди. Йўлларнинг ҳолати мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий-стратегик эҳтиёжларига жавоб бермасди. Ривожланган куруқлик йўллариининг йўқлигидан ғарбий Европа билан ташқи савдо асосан Болтиқ ва қора денгизлари портлари орқали олиб борилган. Европа билан савдода асосан чет эл кемаларидан фойдаланилган. 1837 йилда биринчи тажриба темир йўл тармоғи Москва ва Петербург ўртасида очилди. 1861 йилда темир йўлларнинг узунлиги 1,6 минг километрга етган булсада, бироқ булар савдо ва мудофаа эҳтиёжлари учун кам эди.

XIX асрининг 1-ярмида мамлакатнинг ички сиёсати. Ҳукуматнинг диққат марказида учта муҳим муаммолар турган: маъмурий бошқарувни такомиллаштириш, ижтимоий- ғоявий аграр-дешқон масаласи, маориф ва таълим тизимини яхшилаш. 1-масалани ҳал этишда ҳукумат маъмурий аппаратни марказлаштириш, маълумотли касбини чуқур билган амалдорлардан иборат кадрларни тайёрлаш, уларни императорга шахсан содиқ ва олаётган маошига моддий боғлиқлигини таъминлаш; Дешқонлар масаласини ҳал этишда асосан қишлоқдаги кескинликни бартараф этиш, дешқонларни чиқишларини олдини олиш бўлган. Бунинг учун мамлакатни иқтисодий ривожланишини тўхтатиб турган, илғор жамоатчиликни норозилигини келтириб чиқарган ва Россияни ғарбий Европа олдида шарманда қилаётган крепостнойликнинг ўта хунук кўринишларини йўқ қилиш зарур эди. Ҳукуматнинг таълимни ривожлантиришдан мақсади - самодержавиени ва дворянларни имтиёзли ҳолатини мустаҳкамланишига олиб келиши ҳамда мамлакатни мудофаа қобилиятини таъминланиши ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш имконини берарди.

Давлат бошқаруви тизими: Император Александр 1 (1801-1825). 1801 йил 11дан 12-мартга ўтар кечаси Россияда охири сарой тўнтариши амалга оширилди. Петербургнинг олий аслзодаларидан бўлган фитначилар император Павел 1 ни ўлдиришди. Россиянинг тахтига унинг катта ўғли Александр чикди. Унинг бувиси Екатерина 11 неварасини ёшлигиданок отасидан алоҳида таълим ва тарбия берган. Россиянинг кўзга кўрнган ёзувчи ва олимлари унинг ўқитувчилари бўлган. Александр 1 тахтга ўтиргач отаси даврида тақиб қилинган одамларга амнистия(авф) эълон қилди, шунингдек чет элга эркин чиқиб келишга ҳамда чет элдан китоблар келтиришга руҳсат берилди. Англия билан савдодаги чекланишлар бекор қилинди. Бу тадбирлар Александрга либераллик шухратини келтирди.

Петр 1 даврида жорий этилган коллегиялар 1802 йилда министрликлар билан алмаштирилди. Натижада марказий ижроия ҳокимият сезиларли кучайди. Бу ислохот давлат бошқарув органлари функцияларини аниқ белгилаш жараёнини якунлади. У тармоқлар бошқаруви тизимини мустахкамланишига, коллегияликни ягона бошқарув билан алмашинувига, министрларни император олдида тўғридан-тўғри жавобгарлигига олиб келди. Россияда подшонинг марҳаматига ва унга хизмати эъзига оладиган маошига тўла боғлиқ бўлган расмий амалдор(бюрократ)лар гуруҳи ёки катлами юзага кела бошлади. 8 та биринчи министрликлар ташкил топди. Харбий-қуруқлик кучлари, харбий-денгиз кучлари, ташқи ишлар, адлия, ички ишлар, молия коммерция, ва халқ маорифи. Министрлар билан баъзи масалаларни биргаликда муҳокама қилиш учун Министрлар кенгаши таъсис этиди. 1802 йилда Сенат ислох қилиниб, давлат бошқарув тизимида олий маъмурий, суд ва назорат органи бўлиб қолди. Православ черковини бошқаруви ҳамон давлатга бўйсунарди. Диний ишларни муқаддас синод бошқариб унинг аъзолари император томонидан тайинланарди. Синодни обер-прокурор бошқариб, у подшога яқин бўлган харбий ёки граждан шахслар орасидан тайинланган. Александр 1 даврида обер-прокурор лавозимини 1803-1824 йилларда князь А.Н.Голуцин бажарган, у 1816 йилдан шунингдек халқ маорифи министри ҳам бўлган.

Давлат бошқаруви тизимида ислохот ўтказишнинг фаол тарафдори статс-секретарь М.М.Сперанский(1772-1839) бўлган. У камбағал қишлоқ рухонийсининг ўғли бўлиб, ўз ақли ва ишчанлиги билан давлатнинг олдинги шахсларидан бирига айланди. У ишлаб чиққан давлат бошқаруви ислохотлари лойиҳаси амалга ошган тақдирда Россияда конституцион жараёнлар бошланиши мумкин эди. қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратилган бу тармоқлар Давлат Думаси вакиллари чакори ва сайланадиган суд инстанцияларини киритиш орқали амалга оширилиши; император билан марказий ва маҳаллий бошқарувни боғлаб туришлик учун эса Давлат кенгашини тузишни таклиф этган.

Сперанскийнинг бу либерал лойиҳасига консерватив кайфиятдаги дворянлар қарши чиқишди. Уларнинг ғоявий раҳнамоси атоқли ёзувчи ва тарихчи Н.М.Карамзин бўлди. Граф А.А.Аракчеев Сперанскийга қарама-қарши реакцион сиёсат юритди. У бюрократик тизимни ривожлантириш йўли билан императорнинг мутлақ ҳокимиятини мустахкамлашга интилди. Либераллар ва консерваторлар ўртасидаги кураш консерваторларнинг ғалабаси билан якун топди. Сперанский ишдан четлатилиб, сургунга жўнатилди.

Аракчеевчилик. Александр 1 ни ҳукмронлигини сўнгги ўн йиллигида ички сиёсатда консерватив тенденциялар сезилди. Уни амалга оширувчини номидан аракчеевчилик деб аталди. Бу сиёсат абсолютизмни ва крепостной ҳуқуқни мустахкамлашга қаратилган эди. Аракчеевчиликнинг ёрқин кўринишларидан харбий қишлоқлар-армияни комплекташ (тўлғазиш) ва боқиб олиш шакли бўлди.

Харбий қишлоқларни тузишдан мақсад-армияни ўзини-ўзи таъминлашга ва ўзи ишлаб етиштиришга эришиш, тинчлик шароитида улкан армияни боқиб таъминлаш оғирлигидан мамлакат бюджети учун енгиллик яратиш бўлган. Бу харбий қишлоқларни тузиш 1808-1809 йилларда бошланиб, 1815-1816 йилларда оммавий тартибда ташкил этилди. Петербург, Новгород, Могилёв ва Харьков губернияларнинг давлат деҳқонлари харбий қишлоқлар туркуми(рязради)га ўтказилди. Оилалари билан жойлаштирилиб, ўғиллари 7 ёшдан кантончилар ҳисобига ўтказилиб, 18 ёшдан ҳақиқий харбий хизматни бошлаган, улар одатдаги қишлоқ хўжалик ишларини бажариб ўзларига озиқ-овқат топишлари ва бир вақтнинг ўзида харбий хизматни бажаришлари лозим эди. Деҳқонни оиласини бутун ҳаёти режага солинган эди. Озгина хизмат тартибини бузганлик учун тан жазоси берилган. Улар учун савдо, касб-хунар, ташқари дунё билан муносабат таъқиқланди.

Қишлоқларда маҳаллий бошлиқлар зўравонлик қилишарди. А.А.Аракчеев харбий қишлоқлар устидан бош қўмондон этиб тайинланди. 1825 йилга келиб аскарларнинг 1/3 қисми харбий қишлоқларга ўтказилди. Аммо ҳукуматнинг армияни ўзини-ўзи қоплаши ҳақидаги нияти амалга ошмади, харбий қишлоқларни ташкил этишга улкан маблағ сарфланди. Кейинчалик ҳукумат бу амалиётдан воз кечди. Александр 1 1825 йилда Таганрогда вафот этди. Унинг фарзандлари йўқ эди. Тахт ворислигига император Павелнинг

иккинчи ўғли Константин номзоди турарди, лекин у Польша подшолиги ноиби бўлиб Варшавада яшарди, у тахт даъвогарлигидан воз кечганди. Павелнинг учинчи ўғли Николай Петербургда яшарди, декабр ойида у император бўлди. Император Николай 1(1825-1855) Россиянинг ички ва ташқи ахволини мустахкамлашга интилди. Император канцелярияси сиёсий, ижтимоий ва диний ишларни бошқарадиган бир нечта бўлинмаларга ажралган. Канцеляриянинг 3-чи бўлинмаси ва 1827 йилда унга бирлаштирилган жандармлар корпуси алохида ҳолатни эгаллаган. Россиянинг территориал маъмурий-бўлинишига жандарм округлари қўшилди. Бу эса мамлакат ичидаги сиёсий кузатувни самарадорлигини оширарди. 3-бўлинма Россияда ҳамда ундан ташқарида ўзининг агентлари тармоғига эга бўлган. Николай 1 даврида амалдорларнинг сони 70 минг кишига етган. У сургундан қайтган М.М. Сперанскийга Россия қонунларини тартибга солишни топширди. 1649 йилда Соборное уложениедан кейинги барча қонунларни жамлаб, 1830 йилда 45 томдан иборат Россия империяси қонунларининг тўла тўплами нашр қилинди. Мамлакатдаги ҳуқуқий ҳолатга мос келадиган амалдаги қонунлари эса 1832 йилдаги 15 жилдлик “қонунлар тўплами”да эълон қилинди. Буларнинг барчаси бошқарувни бюрократлаштиришни кучайтиришга қаратилган эди.

Дешқонлар масаласи: XIX асрининг 1-ярмида Россия аграр мамлакат бўлиб қолаверди. Аҳолининг асосий оммасини дешқонлар ташкил қилиб уларнинг кўпчилиги помещикларга қарашли бўлиб, крепостной қарамликда эдилар. Дешқонлар масаласини ҳал этишда Россия ғарбий Европадаги бошқа давлатлардан анча ортда эди. Дешқонларнинг помещикларга шахсий қарамлиги, уларнинг ўз меънатидан манфаатдор эмаслиги, қишлоқ хўжалигини борган сари самарасиз қилиб қўйди. Эркин ишчи кучини йўқлиги саноатни ривожланишига тўсқинлик қиларди. XVIII асрнинг 2-ярмидаёқ мавжуд ҳолатни ўзгартириш зарурати очик-ойдин равшан бўлиб қолди.

Аммо помещикларнинг кўпчилиги ўз имтиёзларнинг камайтирилиши ҳақида эшитишни ҳам хошлашмасди. Самодержавиенинг таянчи ва ҳукмрон табақаси бўлган дворянлар крепостнойликни ўзгармас ҳолатда ушлаб турилишини химоя қилишарди. Шунинг учун ҳукумат XIX-асрининг бошларида ҳеч бўлмаганда жамият томонидан қораланган ўта хунук шаклларни ёпишга ҳаракат қилди. Газеталарда крепостнойларни сотилиши ҳақида эълон босиш таъқиқланди. Дворянлар бу фармонни устамонлик билан айланиб ўтиб крепостнойларни “арендага” бериш ҳақида эълон беришарди. 1803 йилда эркин дехқонлар тўғрисидаги фармон эълон қилинди, унга кўра помещиклар дехқонларни тўлов эвазига ер билан бирга озодликка чиқаришлари мумкин эди. Бироқ бу чора крепостной тизимига умуман таъсир этмади, чунки XIX-асрининг 1-чорагида хусусий дешқонларнинг 0,5 фоизигина озод қилинди. Бир пайтнинг ўзида давлат дешқонларини хусусий кўлларга бериш ҳам бирмунча қискарди. М.М.Сперанский, А.А.Аракчеев, П.Д.Кисилёв ва бошқа кўплаб давлат арбоблари Александр 1 нинг топшириғига кўра дешқонларни озод қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишди, бироқ булар амалга ошмасдан қолаверди.

Николай 1 даврида ҳам дешқонлар масаласи янада кескинлашди. Илгор жамоат арбоблари бу масалани дарҳол ҳал этилишини талаб қилишди, дешқоналар ҳам норозилик билдиришди. Жандармларнинг шефи А.Х.Бекендорф буни тушуниб, “крепостной ҳолат давлат остидаги порохли ертўла” деб таъкидлаган. Аммо ҳукумат дешқонлар масаласини ҳал этишда ошқораликдан хайикар эди.

Эски тартибларни сақлаб қолиш сиёсатин умумий йўналиши дехқонларнинг озод қилинишига тўсқинлик қиларди.

XIX-асрининг 1- ва 2-чоракларида ҳукумат крепостной ҳуқуқини енгиллаштиришга қаратилган чоралар кўрди. 1841 йилда дешқонларни яқка холда ва ерсиз сотиш ҳақида қонун қабул қилинди. 1843 йилда ерсиз дворянларни дешқонларни сотиб олишдан маҳрум этишди. Шундай қилиб, дешқон оилаларини ажратилиб юборилишига барҳам берилди, чунки уларнинг аъзолари уй қуллари каби фойдаланилар эди. 1843 йилги фармонга биноан помещиклар дешқонларни озодликка қўйиб юборишлари, лекин ерни хусусий қилиб эмас, балки фойдаланиш учун беришлари мумкин эди. Бу ер учун дешқонлар илгаригидек

мажбуриятларини бажаришлари яъни баршина ишлаб бериши ёки оброк тўлашлари шарт эди. Хукумат шунингдек помещчик ва децқонларнинг ўзаро муносабатларига ҳам аралаштишга уринди, бироқ бу қисман чоралар қишлоқдаги крепосник муносабатларини мохиятини ўзгартирмади.

1837-1841 йилларда граф П.Д. Кисилёв раҳбарлигида кенг тадбирлар тизими ўтказилиб, давлат децқонларини бошқаришда ислохот ўтказилди. Улар қишлоқ аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил қилиб, солиқ тўлашарди ва молия министрлиги ихтиёрида эдилар. Бу ислохотнинг мақсади солиқларни йиғишни осонлаштириш учун бу туркумдаги децқонларни фаровонлиги кўтариш ва помещчикларга децқонларга муносабатда ўрнатилган кўрсатиш эди. Давлат децқонларининг бошқаруви махсус тузилган давлат мулкларни министрлигига берилди. Бу ташкилот ўзларига қарашли децқонларнинг ҳўжалик ва турмуш заруриятларини қаноатлантириш тўғрисида қайғурган, ерларни чегаралашни ўтказган ва кам ерлиларни ерларини кенгайтирган, уруғлик захира(фонд)сини тузиб, ҳосилсизлик ҳолатига озиқ-овқат магазин(склад,омбор)лари ташкил этган, солиқларнинг адолатли солинишини кузатган, қишлоқларда бошланғич мактаблар ва касалхоналар очган. Ислохот давлат децқонларининг шуқуқий ҳолатини ҳам яхшилади. Россияда биринчи маротаба сайлаб қўйиладиган, маҳаллий децқонларни ўз-ўзини бошқаруви волостлар(эркак жинсидаги 6000 минг аҳоли) ва қишлоқ (1500 децқон жон бошига)лар даражасига киритилди. Майда келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун қишлоқ ва волость судлари сайланган.

XIX-асрнинг ўрталарига келиб ҳукумат доираларида децқонлар масаласини ҳал этиш учун баъзи тажрибалар тулланиб қолди.

Маориф соҳасидаги ҳукумат сиёсатида XIX-аср бошларидаги либерал йўналиш 1802 йилда ҳалқ маорифи министрлигини ташкил этилиши, қатор янги ўқув юртлари (университетлар, институтлар ва лицейлар)ни очилишида 1804 йилдаги университетларни ўз-ўзини бошқариш шаклидаги уставни нашр этилишида кўринди. Аммо бу йўл аста-секин консерватив ва ҳатто реакцион йўл билан алмашиб борди. 1817 йилда Маориф министрлиги Диний ишлар ва ҳалқ маорифи деб ўзгартрилди. Бу ташкилот дарсликларни босиб чиқарилиши ва барча даражадаги ўқитиш тизимини кузатиб бориши шарт эди. қозон, Петербург ва бошқа университетларни фаолиятини ўрганиш уларни “тозалашга” айланди. Ёнг яхши профессорларни эркин фикрлашда айблаб, ишдан ҳайдашди ва судга беришди. Александр I давридаги маориф соҳасидаги реакцион сиёсат, аракчеевчиликнинг кўринишларидан бири бўлди. Шундай йўл Николай I даврида ҳам давом эттирилди. 1835 йилдаги Устав амалда университетларни мухториятини йўқ қилди. Ўқиш учун тўлов ҳақи оширилди ва студентларни қабул қилиш қисқартирилди. Олий ўқув юртларида қазарма интизоми жорий қилинди. Тартибни бузган студентни канцерга ўтказиш, ўқишдан ҳайдаш ва ҳатто солдатликка бериш мумкин эди. Бундай сиёсат фан ва маорифни ривожини тўхтатибгина қолмасдан, балки бутун Россия маданиятига ҳам салбий таъсир этди.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. Москва, АСТ. Астрель «Транзиткнига», 2006.
2. Орлов А.С. и другие. История России. Учебник. Москва, 2001, стр. 3-22.
3. История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А.Чернобаева. Москва, «Вўсшая школа» 2001.
4. Вернадский Г.В. Русская история. М. 1997.
5. Зув М.Н. История России. М., 1999.
6. История России. С древнейших времен до 1861 года. Под ред. Н.И.Павленко. Москва, 2000.
7. Мунчаев Ш.М., Устинов В.М. История России. Москва 1997.
8. Платонов С.Ф. Учебник русской истории. СПб., 1994.
9. Фёдоров В.А. История России. 1861-1917. М., 2000.

8-МАВЗУ: XIX асрнинг 1-ярмидаги ташқи сиёсат ва маданий тараққиёт

Режа:

1. Россиянинг ташқи сиёсати
2. Мамлакатдаги ғоявий кураш ва жамоатчилик ҳаракати
3. XIX асрнинг 1-ярмида рус маданияти

Таянч нушунчалар:

геополитика; дипломатия; разведка; Аустерлиц; Фридлянд; Тильзит; Порта; капитуляция; арьергард; Бородино; Березина; Лейпциг жанги; Вена конгресси; Ватерлоо; Соноп; Севастополь; Париж конгресси; декабрист; «Телескоп»;

XIX асрнинг 1-ярмида Россия ўзининг ташқи сиёсатидаги вазифаларини самарли ҳал қилиш учун анчагина имкониятларга эга эди. Бу эса мамлакатнинг миллий, геополитик, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб ўз чегараларини химоя қилиш ва ҳудудларини кенгайтиришни ўз ичига оларди. Бу эса Россия империясини ўз чегараларида таркиб топишини ва шу билан бирга кўплаб қўшни халқларни унинг таркибига қўнгилли тарзда киришини ёки зўравонлик қилиб қушиб олинишини аниқларди.

Россиянинг дипломатик хизмати аниқ йўлга қўйилган, разведкаси эса тармоқланган эди. Армия 500 минг кишидан иборат бўлиб, яхши экиповка қилинган ва ўргатилган эди. Россиянинг ғарбий Европадан 50-йилларнинг бошларига қадар ҳарбий-техник жиҳатдан орқадалиги сезиларли бўлмаган. Бу эса Россияга халқаро майдонда муҳим ҳал қилувчи ролни ўйнаш имконини берган.

Россиянинг ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, XVIII-асрдаёқ у улкан Еврооосиё империсми сифатида шакллани бошлаганидаёқ белгиланган эди.

Арабда Россия Европа ишларида фаол иштирок этган. XIX асрнинг биринчи 15 йиллигида ғарбий йўналишни амалга оширилиши Наполеонни агрессиясига қарши кураш билан боғлиқ бўлди. 1815 йилдан кейин Россиянинг европадаги ташқи сиёсатининг асосий вазифаси эски монархия тизимини қўллаб қувватлаш ва революцион ҳаракат билан кураш бўлди. Александр I ва Николай I ўта консерватив кучларни кўзда тутишган ва кўпинча Австрия ва Пруссия билан иттифоқларга таянишган. 1849 йилда Николай Австрия императорига Венгриядаги революцияни бостиришга ёрдам берди ва Дунай князликларидаги революцион чиқишларни бостирди.

Жанубда Усмон империяси ва Эрон билан нията оддий бўлмаган ўзаро муносабатлар юзага келди. Туркия XVIII-аср охирида қора денгиз қишлоқларини руслар томонидан босиб олиниши ва биринчи навбатда Кримни Россияга қўшиб олиниши билан келиша олмасди. қора денгизга чиқиш Россия учун алоҳида иқтисодий, мадффа ва стратегик аҳамиятга эга эди. Босфор ва Дарданел қаби қора денгиз бўғозларида қулай тартибни таъминлаш муҳим муаммолардан эди. Булар орқали эркин ўтадиган рус савдо кемаларининг фаолияти давлатнинг улкан жанубий районларининг иқтисодий ривожланиши ва гуллаб-яшнашига имкон берарди. Қора денгизда чет эл ҳарбий кемаларининг сузишига йўл қўймаслик россия дипломатиясининг вазифаларидан бири бўлган. Россиянинг туркларни ички ишлари аралашувидаги муҳим восита бу Кючук-Кайнаржи ва Ясси шартномаларига кўра Усмон империяси тобелигидаги христианларга русларнинг ҳомийлиги ҳуқуқини қўлга киритиши эди. Бу ҳуқуқдан Росси фаол фойдаланди, бунинг устига Болқон халқлари унда ўзларининг ягона химоячиси ва ҳомийсини кўришарди.

Кавказда эса Россиянинг манфаатлари Туркия ва Эроннинг бу ҳудудларга даъво қилиши билан тўқнашди. Бу жойда подшо ҳукумати ўз мулкларни кенгайтиришга, Кавказортидаги чегараларни маҳкамлаб, мустаҳкамлашга интилди. Россиянинг Шимолий

Кавказ халқлари билан муносабатлари алоҳида рол ўйнаб, уларни ўз таъсири остига тўла бўйсиндиришга интилди. Бу эса, Кавказ ортидаги янги эгалланган ҳудудлар билан эркин ва хавфсиз алоқани таъминлаш ва бутун Кавказ регионини Россия империяси таркибига маҳкам қўшиб олинисини таъминлаш учун зарур эди.

Бу анъанавий йўналишларга XIX асрнинг 1-ярмида ўша пайтда периферия характерида эга бўлган Узоқ Шарқ ва Америка йўналишлари қўшилди. Россия Хитой, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари билан муносабатларини ривожлантирди. XIX-асрнинг ўрталарида Россия ҳукумати Ўрта Осиёга суқулиб кириш учун амалий қадамлар қўя бошлади.

XIX-асрнинг бошларидаги ташқи сиёсатда аввало Наполеонга қарши курашни таъкидлаб ўтиш лозим: Александр 1 1804 йилдан унга қарши туриб, 1805 йилда Россия, Англия ва Австриядан иборат 3-коалиция вужудга келди, бошланган уруш иттифоқчилар учун мувофақиятсиз бўлди. 1805 йилнинг ноябрида уларнинг қўшинлари Аустерлиц остонасида мағлубиятга учради, Австрия урушдан чиқди коалиция борбод бўлди.

Россия яқка ўзи курашни давом эттириб, Францияга қарши янги иттифоқ тузишга урунди. 1806 йилда 4-коалисия Россия, Пруссия ва Англия ва Швеция ташкил топди. Француз армияси бир неча ҳафта давомида Пруссияни капитуляция бўлишга мажбур қилди. Россия яна ўзи яқка қолди. 1807 йил ибнида Шарқий Пруссия ҳудудидаги Фридлянд остонасида (Россиянинг ҳозирги Калининград области) рус қўшинлари мағлубиятга учради, Неман дарёси ортига чекинди, француз қўшини Россия чегараларига чиқди.

Бу Александр 1ни Наполеон билан тинчлик битими тузишга мажбур этди. 1807 йил ёзида Тильзитда Россия ва Франция аввал тинчлик вўнгра иттифоқчилик битимини имзолашди. Пруссиядан тортиб олинган поляк ерларида тузилган Варшава герсоглиги Наполеон протекторати остига ўтди. Бу ҳудуд кейинчалик 1812 йилда Россияга ҳужум қилиш учун плацдарм бўлиб қолди. Тильзит сулҳи Россияни Буюк Британияни континентал блокада қилинишига қўшилишига ва у билан сиёсий муносабатларни узишга олиб келди. Англия билан савдо алоқаларини узилиши Россияни иқтисодига сезиларли зарар етказиб, молиясига путур етказди, Тильзит сулҳи Россия учун Европада вақтинчалик нафасини ростлаш имконини берди.

1806-1812 йиллардаги рус турк урушлари Россияни Яқин шарқда ўз мавқеларини кучайтириш, Туркиянинг қора денгиз қирғоқларини, айниқса Кримни қайтариб олишига қараилгн реваншистик режаларини барбод этиш ва султонга қарши кўзғолон кўтарган сербларни қўллаб-қувватлашга интилишдан келиб чиққан эди. 1811 йил мартда М.И.Кутузов Дунай армиясини қўмондони этиб тайинлангач ҳарбий-ҳаракатлар фаоллашди, Дунай бўларида турк армиясига қақшатқич зарбалар берилди. Бу эса Порто(турк ҳукумати)ни 1812 йил майида Бухарест тинчлик сулҳини тузишга мажбур этди. Россияга Бессабария ва қора денгизнинг Кавказ қирғоғи Сухуми шаҳри билан қўшиб олинди, Молдова ва Валахия(дунай князликлари)га Усмон империяси доирасида қолган бўлсаларда, уларга мухторият берилди.

1804-1813йиллардаги рус-эрон урушлари бошланишидан илгари 1801 йилда Грузия кўнгилли равишда Россия империяси таркибига кирди. Кавказортидаги бошқа христиан халқлар ҳам Россия билан қўшилишга интилишди. Эрон бу урушда мағлубиятга учради. Шимолий Озарбайжон ҳудуди мусулмон динидаги аҳолиси билан Россияга қўшиб олинди. Уруш 1813 йилда Гулистон тинчлик шартномаси тузилиши билан якунланиб, Россиянинг Кавказортидаги катта ҳудудни, Доғистон ва Каспий денгизининг ғарбий қирғоқларига эгаллигини, Каспий денгизида флотга эгалик ҳуқуқини Эрон тан олди. Бу билан Кавказорти Россияга қўшиб олинисинин биринчи босқичи(этапи) якунланди.

Россия Европани шимолида Петербургни ва Ботник қўлтиғини хавфсизлигини таъминлашга интилди. 1808-1809 йилларда рус-швед уруши натижасида Финландия босиб оилнди, бу анча даражада Россияни шимолий-ғарбий чегараларини мустаҳкамлади. Финландия буюк Князлиги тузилиб уни Россия императори бошқарди. Финландия Россия таркибига мухторият давлат сифатида кириб, ўзини ички қонунлари бўйича бошқариб ўз

хазинаси ва сейми(партаменти)га эга эди. Финландия Россия таркибидан 1917 йил Декабрида чиққан.

1812 йилдаги Россиянинг Наполеон Франциясига қарши Ватан урушининг сабаблари ва характерига тўхталсак Наполеон агрессор яифтида бостириб келди. Кучлар нисбатида Наполеон армияси 678 минг кишига етган. Яхши қуролланган ва ўргатилган бу қўшинга А.Даву, Л.Бартье, М.Ней, И.Мюрат каби маршал ва генераллар бошчилик қилган. Наполеон Бонапарт армиясининг заиф томони уни турли мамлакатлардан ташкил топгани эди. Немис ва испан, поляк ва португал, австриялик ва итальян аскарларига француз императорининг босқинчилик режалари ёд бўлган. Россиянинг 1810 йилдан урушга фаол тайёргарлиги ўз натижасини берди. У замонавий қуролли кучларни туза олди, французларникидан устун келадиган кудратли артилерия туза олди. қўшинга М.И.Кутузов, М.Б.Барклай де Толли, П.И.Багратион, А.П.Ермолов, Н.Н.Раевский каби талантили харбий қўмондонлар бошчилик қилди. Рус армиясини устунлиги аҳолининг барча табақаларини ватанпарварлик хиссига берилганлиги, кўп сонли одам ресурси, озиқ-овқат ва ем-хашакни захиралар билан белгиланган.

Бироқ урушнинг бошланғич даврида француз армияси сон жihatдан руслардан устун эди. Россия худудига кирган қўшиннинг биринчи эшолонида 450 минг киши бор бўлса, ғарбий чегарада 210 минг кишилик рус армияси учта армияга бўлинган эди. М.Б.Барклай де Толли қўмондонлигигадаги 1-армия Петербург йўналишини тўсган, П.И.Багратион бошчилигидаги 2-армия Россияни марказини химоя қилди, генерал А.П.Тормосовнинг 3-армияси жанубий йўналишда жойлашди.

Томонларнинг режаларига биноан Наполеон Россиянинг катта қисмини Москвага қадар босиб олиб Александр билан янги битим тузиб Россияни бўйсундирмоқчи эди, у рус кучларини қўшилишига йўл бермасдан тор-мор этмоқчи эди.

1812 йилиг ватан уруши икки даврга бўлинган, 1- 12-июндан октябрнинг ўрталаригача рус армиясининг арьергард жанглари билан душманни Россия территорияси ичкарасига алдаб олиб кириш ва уни стратегик ғоясини борбод этиш бўлган. 2-давр октябрнинг ўрталаридан 25-декабргача-рус армиясининг рақибни Россия худудидан тўла қувиб чиқариш учун қарши ҳужумга ўтиши хисобланади.

Уруш 1812 йилнинг 12 июнь куни француз армиясининг Неман дарёсидан кечиб ўтишидан бошланади. Рус армиялари хал қилувчи жангдан узоқлашиб, қатик арьергард жанглари билан душманни холсизлантириб чекиниб бориб 22 июнда 1-ва 2-армиялар Смоленск остонасидла қўшилишди. 8-августда Александр 1 Кутузов М.Ини рус армиясини бош қўмондони этиб тайинлади, у чекиниш тактикасини ўзгартирмади, у хал қилувчи жанг учун майдон топиш шақида буйруқ берди, бу майдон Москвадан 124 км наридаги Бородино қишлоғи ёнидан топилди.

Кутузов мудрофаа тактикасини танлаб, шунга мос тарзда қўшинларини жойлаштирди, сўл қанотни П.М.Багратион армияси, марказда артилерия ва генерал Н.Н.Раевский қўшини ва ўнг қанотда М.Б.Барклай де Толли армияси жойлашди.

Наполеон ҳужум тактикасини қўллаб, рус армиясининг қанотлардаги мудрофаасини ёриб ўтиб ўоаб олиб тор-мор этмоқчи эди. Жанг 26 август куни эрталаб бошланди. Жанг 12 соат давом этди, иккала томон ҳам улкан талафотлар кўрди.

Бу жангдан кейин рус қўшини Москвага чекинди, рус қўмондонлигининг 1-сентябрдаги харбий кенгашида, Фили қишлоғида М.И.Кутузов генералларнинг мулоҳазасига қарама-қарши бўлган Москвани ташлаб чиқиш шақида қарор қабул қилди, 1812 йил 2-сентябрда француз армияси Москвага кирди, аҳоли шаҳарни ташлаб чиқди. Кутузов чекиниб Тарутин марш-манёврини амалга ошириб, Рязань йўли билан чекиниб, кескин жанубга-Калуга йўлига чекинди. Наполеоннинг тинчлик сулҳи шақидаги таклифи Кутузов ва Александр томонидан қабул қилинмади. 12-октябрда Малоярославец шаҳрида рус ва француз қўшинлари жангида французларни Калуга томон юриши тўхтатида ва французлар Смоленск йўли билан чекинишди. Партизан ҳаракати ва рус қўшинларининг ҳужум ҳаракатлари франсуз армиясини чекинишини тартибсиз қочишга айлантирди. Ноябрь

бошидаги Красной шахри ёнидаги жангда 50 минг кишилик чекинаётган француз армиясини ярми асир олинди ёки жангда халок бўлди.

Наполеон қамалга тушишдан хавфсираб 14-17 ноябрь кунлари ўз қўшинини Березина дарёсидан кечиб ўтказишда шошилди. Кечувдаги жанг Наполеон армиясини тор-мор этилиши билан яқунланди. Наполеон армиясини ташлаб, Парижга яширин равишда кетди. Кутузов армия бўйича 21-декабрдаги ва подшони 258-декабрдаги манифестни ватан урушини тамомланганини билдирди. Ватан уруши Россияга 1 млрд рубль иқтисодий зарар келтирди ва харбий ҳаракатларда 300 млнга яқин киши халок бўлди.

1813-1814 йиллардаги рус армиясининг чет эл юришларида Европа сиёсатини давоми бўлиб, 1813 йил январида рус қўшини Польша ва Пруссия ҳудудига кирди, булар Россия билан иттифок тузишди, уларга Австрия, Англия ва Швеция қўшилди. 1813 йил октябрда Лейпциг остонасида тарихга халқлар жанги деб номланган жанг бўлиб ўтди, чунки бунда ҳар икки томондан европадаги барча мамлакатлар қўшинлари иштирок этди. Наполеон мағлубиятга учради. Бу барча герман давлатларини озод бўлишига олиб келди. 1814 йил мартда Париж эгалланди. Наполеон Ўрта ер денгизидаги Эльба оролига сургун қилинди. Франция тахтини Людовик XVIII бурбон эгаллади.

Вена конгресси: 1814 йил сентябридан 1815 йил июнига қадар ғолиб давлатлар Европани урушдан кейинги тузилишини масаласини хал қилишди, асосан территориал муаммолар бўйича зиддиятлар келиб чиқди.

Наполеон Эльба оролидан қочиб Францияда 100 кунлик ҳокимият ўрнатилди. Конгресс ишини тўхтатди.

Европа давлатлари 1815 йил июнида Ватерлоо остонасида Наполеонга батамом зарба беришди. Наполеон асир олиниб, африканинг ғарбий қирғоғидаги Авлиё Елена оролига сургун қилинди.

Вена конгрессининг қарори Франция,Италия,Испания ва бошқа мамлакатларга илгариги сулолаларни қайтиб келишига олиб келди. Поляк ерларининг катта қисмидан Россия таркибига кирган Польша подшолиги тузилди.

1815 йил мартда Россия,Англия,Австрия ва Пруссия тўртинчи иттифокни тузиш ҳақида битим имзолашди. Бу Вена конгрессининг қарорларининг амалга оширувчи, Франциядан катта миқдорда контрибуция тўлашни талаб қилувчи ташкилот эди.

1815 йил сентябрда Россия,Австрия ва Пруссия ўртасида Муқаддас иттифокни тузиш ҳақида Акт тузилди. Христиан монахлари бир-бирларига ёрдам беришга келишишди. Муқаддас Иттифокнинг Аахендаги(1818) ва Троппау(1820) даги конгресларида янги сиёсий принцип иттифок аъзоларининг бошқа давлатлардаги революцион ҳаракатларни бостириш мақсадида уларнинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқи берилди(интервенция принципи).

Россиянинг шарқий масаладаги сиёсати. 1824 йилда греклар турклар зулмига қарши кўзғолон кўтарилди, порта ҳукумати кўзғолонни аёвсиз бостиришга киришди. Бундан ташқари султон рус-турк келишувига зид равишда Дунай князликлари (Молдава ва Валахия)га қўшин киритди. Россия, Англия ва Франциянинг Грецияга автономия бериш талабини султон рад этди. 1827 йил октябрида рус-инглиз эскадраси Новарин бухтасида турк флоти йўқ қилинди. Рус-турк муносабатлари кескинлашди. 1828 йил апрелида Россия Усмонлилар империясига уруш эълн қилди. 1828-1829 йиллардаги рус-турк урушида Кавказортида ва Болқонда раслар туркларга зарба берди. Туркия пойтахти яқинидаги Адрианопол шахри олиниб, 1829 йил сентябрида Адрианопол тинчлик сулҳи имзоланди, Кора денгизнинг Кавказдаги қирғоқларни катта қисми, арман областларини бир қисми, Туркиядан Россияга ўтди. Грецияга кенг автономия берилди, 1830 йилда мустақил грек давлати тузилди.

1826-1828 йиллардаги рус-эрон урушлари масаласида шуни таъкидлаш мумкинки, Эрон XIX асрнинг 20-йилларида 1813 йилги Гулстон сулҳи бўйича қўлдан бой берилган ерларни қайтариб олиш мақсадида Англиянинг кўмағида Россия билан урушга фаол тайёргарлик кўрди ва Кавказортида ўз таъсирини тикламоқчи бўлди. 1826 йилда Эрон армияси қорабоғга бостириб кирди. Эрон бош қўмондони Тифлис йўналишини танлиб бир

зарба билан Кавказортидаги рус ерларига бархам бермоқчи бўлди. Бироқ рус кўшинлари арман ва грузин кўнгилли отрядлари кўмагида 1827 йилда Эривань(Ереван) қалъасини, сўнгра жанубий Озарбайжон ва Тавризни эгаллади. Эроннинг мағлубияти маълум бўлиб қолгач 1828 йил февралда Туркманчай тинчлик сулҳи тузилиб, унга кўра Эривань ва Нахичевань Россия таркибига кирди. 1828 йилда Арман области ташкил топди, бу эса арман халқининг бирлаша бошлашига асос бўлди.

XIX асрнинг 20-йилларида рус-турк ва рус-эрон урушлари оқибатида Кавказнинг Россияга қўшиб олинишини иккинчи даври яқунланди. Грузия, Шарқий Арманистон, Шимолий Озарбайжон Россия империясининг бир қисми бўлиб қолди. Шимолий Кавказнинг Россияга қўшиб олиниши бу режадаги сиёсатнинг учинчи ва энг қийин даври бўлди. Бу ҳудудда Туркия ва Англиянинг таъсирини олдини олиш мақсадида Шимолий ва Шимолий-ғарбий Кавказда русларнинг сиёсати фаоллашди. қўйилган мақсадга молик халқлар билан тинчлик музокарали олиб бориш ва душманлик кайфиятидаги тоғлиқ жамоаларга қарши фаол харбий ҳаракатлар олиб бориш орқали эришилди. Доғистон ва Чеченистонда муридизм диний-сиёсий оқими тарқалиб улар русларга қарши ғазовот урушларини олиб боришган. Бу жойда юзага келган диний асосдаги имомат давлати 1829-1830 йилларида Россия билан Россия билан уруш ҳаракатлари олиб бориб бу уруш Кавказ уруши деб ном олди. 1834 йилда Шомил имом давлат бошлиғи бўлди. Шомил кучли армия тузиб, ўз қўлида маъмурий харбий ва диний ҳокимиятни тўплади. Шомил бошчилигидаги русларга қарши кураш 30-йил давом этди. 1859 йил августда Шомилни охириги таянч пункти Гуниб овули руслар томонидан эгалланди.

1853-1856 йилларида Крим урушида Россия, Усмон империяси, Англия, Франция ва Сардиния иштирок этиб, бу харбий тўқнашувда уларнинг ҳар бири ўз мақсадига эга эди. Россия учун қора денгиз бўғозларидан ўтиш тартиби биринчи даражали аҳамиятга эга эди. 1833 йилги Турклар билан Ункар-Искелеси сулҳига кўра қора денгиз чет давлатлар харбий кемалари учун беркилиб, Россия бу бўғозлардан ўз харбий кемаларини эркин олиб ўтадиган бўлди.

XIX асрнинг 40-йилларида вазият ўзгарди. Европа давлатлари билан бир қатор келишувлар асосида бўғозлар биринчи марта халқаро назоратга олинди ва барча харбий флотлар учун ёпиб қўйилди. Натижада рус флоти қора денгизда қамалиб қолди. Россия ўзининг харбий қудратига таяниб бўғозлар муаммосини янгидан хал этмоқчи, Яқин Шарқ ва ва Болқонда ўз мавқеини кучайтирмоқчи бўлди.

Усмон империяси XVIII аср охири ва XIX асрнинг 1-ярмидаги рус-турк урушларида қўлдан кетган ҳудудларни айтариб олишни хоҳларди.

Англия ва Франция эса Россияни буюк давлат сифатида яқсон қилиб, Яқин Шарқ ва Болқон ярим оролида унинг таъсиридан маҳрум қилмоқчи эди.

Яқин Шарқдаги Умевропа тўқнашуви 1850 йилда бошланиб, бунга Фаластиндаги православ ва католик рухонийлари ўртасида Қуддус(Иеруссалим) ва Вифлеемдаги муқаддас жойларга ким эгалик қилиш масаласидаги келишмовчилик сабаб бўлди. Православ черковини Россия, Католик черковини –Франция қўллади. Оқибатда рухонийларнинг тортишуви иккита Европа давлатининг рақобатига айланди. Таркибида Фаластин бўлган Усмон империяси Франция тарафида турди. Ушбу келишмовчилик рус-турк кейинчалик умевропа урушига айланди.

Николай 1 армиясининг қудратига ва Англия, Австрия каби Европа давлатларининг кўмагига ишонди, аммо у адашти. Россия армияси 1 млн кишидан ортиқ эди. Аммо уруш давомида маълум бўлдики, у аввало техника жихатидан такомиллашмаган эди. Унинг силлиқ стволли милтиқлари ғарбий европа армияларининг қирқма (нарезний) милтиқларидан заиф (бўш) эди. Артилерия ҳам эскирган эди. Россия флоти али ҳам кўпчилиги парусли эди, Европа харбий-денгиз кучларида парда ҳаракатладиган двигателар устунлик қиларди. Коммуникациялар йўлга қўйилмаганди. Бу эса харбий ҳаракатлар театри(майдони)ни етарли миқдордаги ўқ-дори ва озиқ-овқат, қўшимча аскарлар билан таъминлаш имконини бермади.

Рус армияси ўзи каби ҳолатдаги турк армияси билан уруш ҳаракатлари олиб бориш мумкин эди. Лекин европани бирлашган кучларига қарши тура олиш имкониятига эга эмасди.

Уруш ҳаракатларини боришига тўхталсак 1853 йила Туркияга тайиз ўтказиш учун рус қўшинлари Модова ва Валахияга киритилди. Бунга жавобан турк султони 1853 йил октябрда Россияга уруш эълон қилди. Уни Англия ва Франция қувватлади. Австрия “ҳарбий нейтралитет” позициясини (нуқтаи назарини) эгаллади. Россия сиёсий жихатдан тўла яққаланиб қолди. Крим уруши икки даврга бўлинади. Биринчи, рус-турк кампанияси 1853 йил ноябридан 1854 йил апрелига қадар муваффақиятли олиб борилди. Иккинчи 1854 йил апрелидан 1856 йил февралига қадар Россия Европа давлатларининг коалициясига қарши кураш олиб боришига тўғри келди.

Биринчи босқични асосий воқеаси 1853 йил ноябрида Синоп бухтасидаги жангда адмирал П.С. Нахимов турк флотини ва қирғоқ батареяларини тор-мор қилди. Бу эса Англия ва Францияни фаоллаштирди, улар Россияга уруш эълон қилишди. Англо-француз эскадарси Болтиқ денгизда Кронштадт ва Свеаборгга ҳужум қилди. Англия кемалари Оқ денгизда Соловецк монастирни тўпга тутди, камчаткада ҳарбий кучни намоиш этишди.

Бирлашган англо-француз қўмондонлигининг бош мақсади Кримни ва Россияни ҳарбий денгиз базаси Севастопольни босиб олиш эди. 1854 йил 2 сентябрда иттифоқчилар Евпаторий районида экспедицион корпусни тушура бошладилар. 1854 йил сентябрида Альма дарёси бўйида рус қўшини жангда мағлубиятга учради ва Боғчасаройга чекинишди. Севастополь гарнизони мудофага тайёргарлик кўрди. 1854 йил октябрида иттифоқчилар Севастополни қамал қилишди қалъа гарнизони мислсиз қаҳрамонлик кўрсатди. Адмираллар В.А.Корнилов, П.С. Нахимов, ва В.И.Истомин, ҳарбий муҳандис Э.Н.Тотлебен, артилерия генерал-лейтенанти С.А.Хруев, кўплаб солдат ва матрослар: И. Шевченко, Ф. Самолатов, П. Кошка ва бошқалар мардлик кўрсатишди.

Рус армиясини асосий қисмини чалғитувчи операциялари: Инкерман ёнидаги жанг (1854 йил ноябр), Евпаторияга ҳужум (1855 йил февраль), қора дарё ёнидаги жанглар (1855 август) Севастополликларга ёрда бермади. 1855 йил августда Севастополни охириги штурми бошланди, Малахов кўрғони қўлдан берилгандан сўнг мудофаани давом эттириш қийишди. Севастополнинг катта қисми иттифоқчилар томонидан эгилди, бироқ у жойда вайроналардан бошқа ҳеч нарса топа олмагач, улар ўз позицияларига қайтишди.

Кавказдаги ҳарбий ҳаракатлар театрида Россия учун Муваффақиятли бўлди. Туркия Кавказортига бостириб кирди, лекин йирик мағлубиятга учради, шундан кейин рус қўшинлари унинг ҳудудига ҳаракатлана бошлади. 1855 йил ноябрида турк қалъаси Карс эгалланди. Иттифоқчиларнинг кучларини Кримда ўта ҳолсизланиши ва Кавказдаги русларнинг муваффақиятлари ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишига олиб келди. Томонларнинг музокаралари бошланди.

Париж сулҳи: 1856 йил мартада имзоланди. Россия сезиларли территориял йўқотишларга учрамади, ундан фақат Бессабариянинг жанубий қисми тортиб олинди. Бироқ у Дунай князликлари ва Сербия устидан ҳомийлик укуқини йўқотди. Россия учун энг оғири ва таҳқирлиси қора денгизни “нейтраллаш” ҳақидаги шарт бўлди. Россияга қора денгизда ҳарбий денгиз кучлари, ҳарбий арсеналлар ва қалъаларга эга бўлиши таъқиқланди. Бу жанубий чегараларни ҳавфсизлигига сезиларли зарба берди. Россиянинг Болқон ва Яқин Шарқдаги роли йўққа чиқарилди.

Крим урушидаги мағлубият халқаро кучларнинг жойлашишига ва россиядаги ички вазиятга сезиларли таъсир кўрсатди. Уруш бир томондан уни заифлигини кўрсатди, бошқа томондан рус халқининг мардлиги ва буқилмас руҳини кўрсатди, намоиш этди. Мағлубият Николайнинг ҳукмронлигига қайғули хотима келтирди, Россия жамоатчилигини уйғотди ва ҳукуматни давлатни ислохоти билан шуғулланишига мажбур этди.

2-масала:

XIX асрнинг 1-ярмида бутун дунёдаги каби Россияда ҳам ғоявий ва ижтимоий-сиёсий кураш кескинлашди. Бироқ бир мамлакатларда у буржуа революцияларининг ва миллий-

озодлик ҳаракатларининг ғалабаси билан яқунланган бўлса, Россияда эса ҳукмрон табақа мавжуд иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузумни таназзулини олдини олиб қолди.

Россиядаги ижтимоий фикр ғарбий Европадаги билан яқиндан алоқада, боғлиқ бўлиб, ва шу билан бирга ундан фарқланарди. ғарбий Европада юзага келган капиталистик тузумни тарихий муқаррарлиги ва илғорлиги иқтисодий ва ахлоқий-этикавий нуқтаи назардан исботланган назариялар юзага келди, уни ривожлантириш йўллари изланилди, уни барбод бўлишига олиб боровчи назариялар ишлаб чиқилди. Россияда эса бутунлай бошқа вазият юзага келди. Унда хануз подшо мутлақ ҳокимияти ва крепоснойлик сақланган эди. Уларни тақдири барча ижтимоий-сиёсий зиддиятларни мазмун моҳиятини ташкил этарди. Консерваторлар мавжуд тартибларни сақлаб қолиниши ва мустаҳкамланиши учун чиқишарди, либераллар бу тартибларни аста-секин ислох этилишини таклиф қилишар эди. (Мамлакатнинг ривожланишини эволюцион йўли), радикаллар ижтимоий-сиёсий тизимни тубдан ўзгартиришни қаттиқ талаб қилишди (революцион йўл). Буларнинг барчаси мамлакатни қаровонлигини ва гуллаб яшнаши шақида ташвишланиб, жон куйдираётганларига ишончлари комил бўлиб, уларнинг ҳаммаси ўз дастурлари ва маслақларини қахрланиб ҳимоя қилишарди.

/арбий Европани айнқса илғор мамлакатларида ижтимоий ҳаракатнинг ривожланиши учун анча қулай шароитлар мавжуд эди: партаментлар, сиёсий ташкилотлар ва партиялар, маҳаллий матбуотда ўз ғояларини очикдан-очик баён этиш имконияти бор эди. Россияда сайлаб қўйиладиган вакиллик органлари ва матбуот эркинлиги йўқ эди. Шар қандай партиявийлик таъқиқланган эди. Шунинг учун XIX асрнинг 1-ярмида Россияда хали аниқ-равшан ғоявий ва ташкилий расмийлашган ижтимоий-сиёсий йўналишлар таркиб топмаган эди. Турли сиёсий концепция (қараш) ларнинг тарафдорлари кўпинча бир ташкилот ёки оқим доирасида ҳаракат қилишиб, тортишувларда мамлакатнинг келажагига ўз қарашларини билдиришган.

Радикал йўналиш вакиллари ўта фаол бўлиб чиқишди. Улар биринчи бўлиб Россияни тубдан ўзгартириш дастури билан чиқишди. Ислохотни амалга оширмоқчи бўлиб улар кўзғолон кўтаришди, аммо мағлубиятга учрашди. Подошонинг мутлақ ҳокимияти ва крепостнойликнинг негиз, асосларига дахл қилмаган вакиллик идораси, муассасасини тузишни таклиф қилган М.М.Сперанский билан бўлиб ўтгани каби, консерватизм яна ғалаба қозонди. Ҳукумат ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишга киришиши учун Россия Крим урушидаги мағлубиятидн ларзани бошидан кечириши лозим эди.

Жамоатчилик ҳаракатининг ўсишининг сабларидан бири бутун жамият томонидан россиянинг анча илғор ғарбий Европа мамлакатларидан ортда қолаётганини тушунганини ўсганлигад эди. Фақатгина илғор фикрловчи дворянларнинг бир қисми ва тоифалар юзага кеоаётган зиёлиларгина эмас, олий маъмурият вакиллари, хатто императорлар Александр I ва Николай I лар ҳам катта ўзгаришлар зарурлигини тушунишарди.

Жамотчилик ҳаракатини келтириб чиқарган сабаблардан яна бири халқ ғалаёнлари эди. Мещнаткашларнинг норозиликлари шақида аҳолининг турли табақаларининг чиқишлари гувоҳлик беради.

Жамоатчилик ҳаракатининг қатнашчилари асосан дворянлар бўлган.

XIX асрнинг 1-ярмидаги шалқаро воқеалар Россияда бўлиб ўтган ички жараёнлар дворян революционерлари ҳаракатининг юзага келишига олиб келди. Боў сабаби дворянларнинг энг яшши вакиллари томонидан крепостниклик ва мутлақ ҳокимиятнинг сақланиб қолиши мамлакатнинг келгуси тақдири учун ҳалокатли эканлигини тушуниб етганликлари бўлди. Мавжуд тузум Россиянинг ривожланган Европа мамлакатларидан ортда қолишини чуқурлаштириб, унинг иқтисодиётини модернизациялашга тўсқинлик қилиб, ижтимоий ларзага соладиган ҳолатларни муқарарлигини келтириб чиқарди. 1812 йилги ватан уруши ва 1813-1815 йилларда рув армиясининг Европада бўлиши шам қудратли ундовчи омил бўлди. Келгуси декабристлар ўзларини “12-йилнинг болалари” деб аташган. Улар Россияни асоратга солинишидан қутқарган ва Европани Наполеондан озод қилган халқ яхшироқ қисматга муносиблигини тушунишди. Европадаги муҳит билан танишув

дворянларнинг илғор қисмини рус дешқонларининг қарамлик (крепостной) шолатини ўзгартириш зарурлигига ишонтирди.

Улар ўзларининг асосий ғояларини феодализм ва абсолютизмни сақланиб қолинишини истикболсизлигини ҳар томонлама исботлашган француз маърифатпарварларининг асарларидан олишган. Дворян революционерларининг ғояларини таркиб топишига мамлакат ичида XVIII аср охири ва XIX аср бошларида кўплаб давлат ва жамоат арбобларининг крепостной ҳуқуқни қоралаб чиқишлари ҳам таъсир этган. 1825 йилги кўзғолон бўлиб ўтган пайтда Россияда амалда ўз мафаатлари ва демократик ўзгаришлар учун кураша оладиган буржуазия йўқ эди. Халқ оммаси хали ҳам подшога ишонарди. Шу сабабли революцион ғоялар, мамлакатни тубдан ўзгартириш зарурлигини, фақат ўз манфаатларига қарши чиққан дворянларнинг илғор қисмида юзага келди. Революционерлар доираси чекланган бўлиб, улар асосан дворянлар авлоди вакиллари ва имтиёзли офицерлар корпуси вакилларида иборат бўлган. Улар подшо ҳокимиятининг мутлақ бошқаруви ва крепосникликка қарши курашиб тараққиётнинг буржуа йўлини тарафдори бўлишган. Шунинг учун бу ҳаракат объектив буржуа характериға эға бўлган. Биринси сиёсий ташкилотлардан илгарирок яширин, махфий жамиятлар ташкил топиб, улар асосан либерал-маърифатпарварлик характеридаги ғояларни олға суришган, 1811-1812 йилларда Н.Н.Муравьев томонидан тузилган 7 кишидан иборат “чока”тўғараги ҳаракат қилиб, улар Сахалин оролида республикаға асо солишни орзу қилишган. 1812 йилдаги Ватан уруши якунлангач Махфий ташкилотлар, офицерлар уюшмаласи, ёшларнинг тўғарақлари тарзида мавжуд бўлган. 1844 йилда Петербургда Н.Н.Муравьев томонидан “Муқаддас артель” тузилди. А.Ф.Орлов томонидан шунингдек “Рус рицарлари ордени”ға асо солинган. Бу ташкилотлар амалда фаол ҳаракатлар қилмаган бўлсада, лекин катта аҳамиятға эға бўлдилар, чунки шуларда ҳаракатнинг келгуси раҳбарларининг ғоялари ва қарашлари шаклланган.

1816 йил феввалида Европада рус армиясининг катта қисми қайтиб келға Петербургда бўлғуси декабристларнинг яшрин жамияти “қутқариш иттифоқи” юзага келди. 1817 йил феввалидан бу ташкилот “Ватаннинг содиқ ва шақиқий ўғлонлари жамияти” деб номланди. Унга П.К.Пестель, А.Н.Муравьев, С.П.Трубецкойлар асо солди. Уларға К.Ф.Рқлеев, И.Д.Якушин, М.С.Лунин, С.И. Муравьев-Апостол ва бошқалар қўшилишди.

“Қутқариш иттифоқи” –революсион дастури ва уставига “Статут”ға эға бўлган биринчи рус сиёсий ташкилотидир. Унда Россия жаиятини қайта қуришнинг иккита асосий ғоялари – крепостной ҳуқуқининг тугатиш ва самодержавие(подшонинг мутлақ ҳокимити)ни йўқ қилиш масалалари қйилган. Хужжатларда абсолют монархия ҳокимитининг ҳуқуқини чекловчи конституция киритилиши зарурлиги ҳақида айтилади. Кўпчилик конституцион монархияни келгусидаги сиёсий тузумнинг энг юксак мақсади деб ҳисоблашган.

1818 йилнинг январида “Союз благоденствия” 200 кишидан иборат йирик ташкилот ташкил этилди. Асосан дворянлардан иборат бўлган, кўпчилигини харбийлар ташкил этган. Ташкилотни умумий раҳбар органи Коренная управа ва Кенғаши(Совет-Дума) яъни ижроия ҳокимияти сайланди.

Петербург, Москва, Тульчик, Кишинёв, Тамбов, Нидний Новгородда махаллий ташкилотлари юзага келди.

Иттифоқнинг Дастури ва устави “яшил китоб” (муқовасининг рангига кўра) деб номланди. 1821 йилнинг бошларида ғоявий ва тактик келишмовчиликлар туфайли “Союз благоденствия”ни ўзини-ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундай йўлга кадам қўйган жамият раҳбарияти шу йўл билан тшкилотға аъзо бўлиб кириб қолган сотқин ва шпионлардн қутулмоқчи бўлдилар.

1821 йилда Украинада П.И.Пестель раҳбарлигида Жанубий жамият тузилди. 1822 йилда Петербургда Н.М.Муравьев. Рилеев, Трубецкол, Лунин бошчилигида шимолий жамият тузилди.

Конституциявий лойихалар шақида сўз юритсак, Н.М.Муравьевнинг “Конституцияси”да конституциявий монархия шақида гап бориб, бу сиёсий тизимда ижроия

хокимият императорга, қонун чиқарувчи хокимият эса парламент (народное вече)га тегишли бўлиб, фуқароларни сайлов ҳуқуқи анча мулкӣ ценз билан чекланган. Шундай қилиб мамлакатнинг сиёсий ҳаётидан анчагина аҳолининг камбағал қисми четлаштирилган.

П.И.Пестель сўзсиз республика давлат тузумини қўллаган. “Конституция” декабристларнинг мўътадил қисмининг қарашили, Пестелнинг “Русская правда”си эса радикалларнинг қарашили акс эттирган. Пестелнинг ғояларига кўра Россияда президент бошқаруви шаклидаги парламент республикаси таъсис этилиши лозим эди.

Россия учун муҳим бўлган аграр-деҳқонлар масаласини ҳал этишда Пестель ва Муравьев бир овоздан крепостной ҳуқуқини тўла бекор қилинишини ва деҳқонларни шахсан озод этилишини зарурлигини таъкидладилар. Аммо деҳқонларнинг ер билан таъминланиши масаласи турлича ҳал этилиши назарда тутилган. Муравьев ҳар бир деҳқон оиласига 2 десятина хайдаладиган ер беришни, пестель эса давлат монастр ва помещикларидан конфискация қилинган ерлардан ташкил этилган жамоат фондидан оиласини боқиб таъминлаш учун етарли ер берилишини тарафдори бўлган.

Император Александр 1 вафот этгач Константин тахтдан воз кечгач, унинг укаси Николани сенат аъзолари томонидан қасамёд қилишини 1825 йил 14-декабрь кунига тайинлади. Шимолий жамият раҳбарлари шу вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишди. кўзғолон режасини ишлаб чиқиди. Исёнчилар ўзларининг “Рус халқига манифест”-янги дастурий ҳужжатини сенат қабул қилишларига мажбур этмоқчи, императорга қасамёд ўрнига конституциявий бошқарувга ўтишни эълон қилдирмоқчи бўлдилар. Манифестга декабристларнинг асосий талаблари: илгари бошқарувни яъни самодержавиени йўқ қилиш, крепостной ҳуқуқини бекор қилиш ва демократик эркинликларни киритилишни баён қилинганди.

1825 йилнинг 14 декабр куни тонг сахарда Шимолий жамиятнинг фаол аъзолари Петербургдаги ҳарбий қўшин орасида ташвиқотни бошлайдилар, лекин бу иш секинлик билан борди. Кундуз соат 13 лар чамасида Николай 1 қасамёд қилиши лозим бўлган Сенат майдонига 3000 тача аскарлар декабристлар бошчилигида йиғилишди, аммо бу пайтгача сенат император Николай 1 га содиклик тугрисида қасамёд қабул қилиб, сенаторлар уйларига тарқалишган эди. кўзғолонга раҳбар этиб тайинланган С.П.Трубецкой майдонга келмади, кўзғолончилар раҳбарсиз қолиб майдонда кутиб тураверишди. Николай 1 шу орада ўзига содиқ қисмларни майдонга йиғиб, улардан фойдаланди. Артиллерия картечи кўзғолончиларнинг қаторини ёйиб юборди, улар Нева музи устида тартибсиз равишда қочишди. Петербургдаги кўзғолон тор-мор қилинди. Жамият аъзоларини қамоққа олишлар бошланди.

Жанубдаги кўзғолон масаласига келсак Жанубий жамиятнинг баъзи раҳбарларининг қамоққа олинишига қарамасдан, Петербургдаги кўзғолонни мағлубияти ҳақидаги хабар эркинликда қолганларни ўз ўртоқларини қўллашга ундади. 1825 йил 29 декабрда С.И.Муравьев-Апостол ва М.П.Бестужев-Рюмин Чернигов полки аскарлари ёрдамида кўзғолон кўтаришди. 1826 йил 3-январда бу полк ҳукумат қўшинлари томонидан ўраб олинди ва замбараклар картечидан ўққа тутилган.

Кўзғолончилар устидан тергов яширин ва ёпиқ тарзда олиб борилиб, 545 кишидан 289таси айбдор деб топилди. Николай 1 кўзғолончиларни қаттиққўллик билн жазолади, 5 киши яъни Пестель, Рилеев, Муравьев-Апостол, Бестужев-Рюмин ва Каховскийлар осиб ўлдирилди. Бошқалари эса айблилик даражасига кўра қаторга ишларига жўнатилади, Сибирга кўчириб юборилди, аскарликка ўтказилди ва Кавказга, ҳаракатдаги армияга юборилди. Жазоланган декабристлардан ҳеч бири Николай ҳаётлигида уйига қайтиб келмаган. Солдатларнинг бир қисми ҳамда матросларнинг иштирок этганлари шпицрутенлар билан қалтакланиб, Сибир ва Кавказга жўнатишган. Узоқ йиллар давомида Россияда кўзғолон шақида эсга олиш таъқиқланди. Ҳарбий тўнтариш ва исёнга таяниш, ташвиқотчилик фаолиятининг заифлиги, ҳаракат иштирокчиларининг келишиб олмаганлиги, кўзғолон пайтидаги кутиб туриш тактикаси-буларнинг бари декабристларнинг мағлубиятининг асоси сабаблари бўлди.

Декабристлар кўзғолони Россия тарихидаги муҳим воқеа бўлди. Улар биринчи революцион дастурни ишлаб чиқишди ва мамлакатни келгусидаги тузилиши режасини ишлаб чиқишди. Биринчи марта Россиянинг амалий ҳаракати содир этилди.

Россиядаги консерватизм подшо ҳокимияти ва крепостной ҳуқуқни мустаҳкамлигини исботловчи назарияга таянган.

Либерал йўналишда П.Я.Чаадаев “Фасадий хатлар”ида, 1836 йилда “Телескоп” журналида нашр этилган биринчи хатида, подшо мутлақ ҳокимиятини, крепостникликни ва барча расмий идеологияни танқид қилган. Россияни кутқаришни, унинг ривожланишини Европа тажрибасидан фойдаланишда кўрди. Ҳукумат бу хатни муаллифи ва нашриётчисидан қаттиқ ўч олди. П.Я.Чаадаевни тентак деб эълон қилишди ва полиция назоратига беришди. “Телескоп” журналини ёпишди. Унинг редактори Н.И.Надеждин Москвадан чиқариб юборилди ва уни нашриётчилик билан шугулланиши ҳамда педагогик фаолият юритиши ҳам таъқиқланди.

Радикал йўналиш ҳақида сўз борганда Москва университети крепостниклик ва подшо ҳокимиятига қарши ғояларни вужудга келиши марказига айланганлиги (ака-ука Критскихлар ва Сунгунов Н.П.ларнинг тўғарақлари)ни таъкидлаш мумкин. Тўғарақлар аъзолари ички сиёсатни муҳофаза қилиб, мамлакатда ислохот қилиш режаларини тузишган. Ҳукумат бу тўғарақларни аъзоларини ҳам жазолаган.

Студент А.Полежанов озодлик ҳақидаги “Сашка” поэмаси учун университетдан ҳайдалиб, солдатликка берилган. В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.П.Огарев, М.В.Буташевич-Петрашевскийларнинг фаолияти билан радикал йўналишдаги янги кўтарилиш боғлиқдир.

Жамоа социализми назарияси А.И.Герценнинг фаолияти билан боғлиқдир. Ижтимоий ривожланиш идеалини А.И.Герцен социализмда кўрди, бунда хусусий мулк ва эксплуатация бўлмади.

3-масала: Жамиятни илм, билим даражаси мамлакатни маданий ҳолатини кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Ашқолининг асосий қисмини ташкил этган дешқонлар маълумотсиз ёки кам маълумотли бўлгани учун Александр 1 ҳукуматининг ҳаракати давлат таълими тизимини ташкил этишга йўналтирилган. Улар: бир йиллик приход матаблари, уч синфли уезд билим юртлари; етти синфли гимназиялардан иборат бўлган. Александр 1 даврида таълим тоифасиз, табақасиз бўлган. Николай 1 даврида таълим-тарбия тоифавий характерга эга бўлди: дешқонлар учун приходской мактаблари; савдогарлар, хунармандлар ва бошқа шаҳар аҳолиси фарзандлари учун уезд билим юртлари; дворян ва амалдорларнинг фарзандлари учун гимназиялар ташкил этилди. Дворянлар учун бундан ташқари ўрта махсус ўқув юртлари-кадетлар корпуси ва бошқалар очилган. Фақат гимназия маълумоти ёки махсус дворян ўқув юртларини тамомлаш университетларга кириш шуқуқини берган.

Машҳур Царскосельский Лицейи 1811 йилдан намунали ўқув юрти бўлиб қолди. Ундаги ўқитиш дастури батамом университетларникига мос келарди. Бу лицейда адабиётчилардан А.С.Пушкин, В.К.Кюхелбекер, И.И.Пушкин, А.А.Дельвич; дипломатлардан А.М.Горчаков ва Н.К.Гирс; халқ маорифи вазири Д.А.Толстой; жамоат арбоби Н.Я.Данилевский ва бошқалар таълим олишган. Уйда таълим бериш тизими ҳам кенг ёйилган бўлиб, бунда асосий эътибор чет тилларни, оғзаки нутққа, мусиқа, рассомчилик, жамиятда ўзини тутиш, қоидаларига асосий эътибор қаратилган.

XIX асрнинг 1-ярмида Россияда аёллар таълими тизими бўлмаган. Фақат дворянларнинг қизлари учун Смольнийдаги олийжаноб қизлар институти намунасида бир нечта ёпиқ институтлар (ўрта ўқув юртлари) очилган. Дастур 7—8 йиллик таълимга мўлжалланган. Офицерлар ва солдат ҳамда матросларнинг қизлари учун алоҳида бир нечта мактаблар очилган. Бироқ аёлларнинг асосий оммаси хатто бошланғич таълим олиш имкониятидан ҳам маҳрум эди. Аммо бундай оғир шароитларда ҳам олий маълумот ривожланишда давом этди. Дерпт (ҳозирги Тарту)да, Петербургда педагогика институтлари негизида қозон, Харьковда янги университетлар очилди. Малакали кадрларни тайёрлаш учун махсус олий ўқув юртлари ташкил этилди: Тиббий-хирургия академияси, Технология,

курилиш ва чегарачилар институтлари, олий ҳуқуқшунослик билим юрти, шарқий тиллар Лазарев институти ва бошқалар шулар жумласига киради. Москва университети профессорларнинг очик маърузалари айниқса ватан ва жаҳон тарихи муаммолари бўйича, коммерция ва табиий фанлар юзасидан барчага тушунарли, содда бўлгани туфайли ҳам машхур, донғи чиққан бўлган. Айниқса профессор Т.Н.Грановскийнинг умумий тарих бўйича маърузалари машхур бўлган.

Фан соҳасидаги бир қанча кашфиётлар амалга оширилди. МГУ профессори биолог К.Ф.Рулье эса Ч.Дарвинга қадар ҳайвонот дунёсини ривожланишини эволюцион назариясини яратди. 1839 йилда Пулково астрономия обсерваторияси биносини қурилиши тугалланди. Бу жой ўша пайт учун замонавий бўлган аппаратура билан жиҳозланган. Обсерваторияга астроном В.Я.Струве раҳнамолик қилган.

Аниқ фанлар соҳасида электротехника, механика, биология ва тиббиёт фанлари бўйича муҳим кашфиётлар амалга оширилди. Академик В.В.Петров бир қатор физик асбоблар яратди ва амалда электр қувватидан фойдаланишга асос солди. П.А.Шиллинг биринчи марта ёзадиган электромагнит телеграфни яратди. Ота ва ўғил Е.А. ва М.Е. Черепановлар Уралда сув буғи ёрдамида ҳаракатланувчи двигателни ва буғда ҳаракатланувчи биринчи темир йўл паровозини қуришди.

Химик Н.Н.Зинин анилинни синтези технологиясини ишлаб чиқди, бу органик моддадан тўқимачилик саноатида бўёқни маҳкамлаш учун фойдаланилган. Харбий врач Н.И.Пирогов дунёда биринчи бўлиб эфир наркози остида операция қила бошлади, харбий-дала хирургиясида антисептик воситалардан кенг фойдаланди ва уларни қўллади.

География фани соҳасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. И.Ф.Крузенштерн ва Ю.Ф.Лисянский кўмондонлигида 1803-1806 йилларда биринчи бор дунёни айланиб чиққан рус экспедицияси амалга оширилди. Экспедиция Кронштдтдан Камчатка ва Аляскагача сузиб борди. Тинч океани ороллари, Хитойнинг қирғоқлари, Сахалин ороли ва Камчатка ярим ороли ўрганилди. Ф.Ф.Беллинсгаузен ва М.П.Лазарев бошчилигидаги 1819-1821 йиллардаги экспедиция 1820 йил 16 январда Антарктидани кашф этди. О.И.Невельский Амур дарёсини куйилиш жойини кашф этиб, Сахалин ва материк ўртасидаги бўғозни ўрганиб Сахалин илгари ҳисоблангандек ярим орол эмас, балки орол эканлиги исботлади. Бу экспедициялардан сўнг дунё харитасидаги кўплаб географик объектлар русча номлар билан атала бошланди.

Тарих фани соҳасида 1818 йида Н.М.Карамзиннинг “Россия давлати тарихи”ни биринчи 8 жилди нашр этилди. 40-йилларнинг охирида рус тарихи фани корифеи С.М.Соловьев ўз тадқиқотларини бошлади. Унинг илмий фаолияти асосан XIX асрнинг 50-70 йилларида бўлиб ўтиб, 29 жилдли “қадимги вақтлардан буён Россия тарихи”ни яратди.

Адабиёт соҳасида шоир Г.Р.Державин, А.С.Пушкин ва М.Ю.Лермонтовларнинг фаолиятини таъкидлаб ўтиш лозим

Театр соҳасида ҳам рус аслзодаларига тегишли крепостной театрлар кенг тарқалган давлат театрлари эса кам эди. Ф. Шиллер ва В. Шекспир асарларидан ташқари маҳаллий муаллифларнинг асарлари асосида спектакллар қўйилган. Д.И.Фонвизин ва И.А.Криловларнинг сатирик комедиялари катта мувафакқият қозонган. Н.В.Гоголнинг “Ревизор” пьесасини сахналаштирилиши Россия маданий ҳаётида йирик воқеа бўлди

Россия балет соҳасидаги ўз мувафакқиятлари учун балетмейстр, педагог ва драматург Ш.Дидло олдида қарздордир, у рус классик балетининг асосини яратди, бунда у миллий мотивлар ва европа рақс санъати анъналаридан фойдаланган. Унинг раҳбарлигида Петербург сахнасида А.С.Новицкая, А.И.Истомина. А.А.Лихутина ва бошқалар ёрқин порлашган.

Мусиқа соҳасида рус композиторлари немис, итальян ва француз мактабларидан кўчиришмасдан балки миллий рус мусикасини яратишган. М.И.Глинка ва А.С.Даргомижскийлар романслар, этюдлар хор ва кuartетлар учун асарлар ёзишди. Рассомлик ва ҳайкалтарошлик соҳаларида кўплаб асарлар юзага келди.

Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида йирик ансамбллар қурилди. Петербургда А.Д.Захаровни лойиҳаси бўйича Адмиралтейство биноси қад қўтарди. А.Н.Воронихин томонидан қозон собори қурилиши амалга оширилгач Нева проспекти бошқача кўринишга эга бўлди. А.А.Монферранни лойиҳаси бўйича Исанкиев собори - ўша пайтда Россиядаги энг баланд бино барпо этилди. К.И.Росси Петербург ансамбларини Сенат, Синод, Александр театри ва Михайлов саройи бинолари билан вужудга келишини таъминлади. 1812 йилда ёнгинда қуйган Москва ҳам секин-аста тиклана борди. О.И.Бове Кичик ва Катта театрлар биноларини қуриб битказиб, Театр майдони ансамблини расмийлаштирди. К.А.Тон катта Кремл саройи ва Оружейная палата биносини қуриб, Кремл худудини ўзгартириб юборди. Унинг лойиҳаси бўйича 1839 йилда Христ Спаситель черкови қурилиши бошланиб, қурилиш фақат 1883 йилда тамомланган.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. Москва, АСТ. Астрель «Транзиткнига», 2006.
2. Орлов А.С. и другие. История России. Учебник. Москва, 2001, стр. 3-22.
3. История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А.Чернобаева. Москва, «Вўсшая школа» 2001.
4. Вернадский Г.В. Русская история. М. 1997.
5. Зуев М.Н. История России. М., 1999.
6. История России. С древнейших времен до 1861 года. Под ред. Н.И.Павленко. Москва, 2000.
7. Мунчаев Ш.М., Устинов В.М. История России. Москва 1997.
8. Платонов С.Ф. Учебник русской истории. СПб., 1994.
9. Фёдоров В.А. История России. 1861-1917. М., 2000.
10. Всемирная история. в 10-ти томах.
11. Историческая энциклопедия. в 16-ти томах.

9-мавзу: Россиянинг XIX асрнинг II-ярмидаги иқтисодий- ижтимоий ривожланиши.

Режа:

1. Россиянинг ички ва ташқи сиёсати.
2. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш.
3. Мамлакатдаги ғоявий кураш ва жамоатчилик шаракати.

Таянч тушунчалар:

Прокурор; адвокат; суд маслахатчиси; «янги устав»; народоволец; канцлер; Аляска; учлапр иттифоки;

XIX асрнинг ўрталарига келиб Россияни илғор капиталистик давлатлардан иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларида ортда қолаётгани яққол кўринди. Асрнинг ўрталаридаги халқаро воқеалар унинг ташқи сиёсат соҳасида ҳам анча кучсизланганлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳукуматнинг ички сиёсатдаги, XIX-асрнинг II-давридаги бош мақсади Россиянинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тизимда ўша вақт талабига мос келадиган ишларни амалга ошириш эди. Шу билан бирга, бир пайтнинг ўзида подшоҳ ҳокимиятини ва дворянларнинг ҳукмронлик мавқеини сақлаб қолишлик ҳам мушмил вазифа эди.

Ички сиёсатга кўпгина омиллар таъсир кўрсатган: иқтисодий ривожланишдаги олға силжишлар (капиталистик тартибни мустахкамланиши), ижтимоий тизимдаги ўзгаришлар (янги синфлар ва ижтимоий қатламларнинг юзага келиши), жамоатчилик ҳаракатининг кескин ўсиши ва кишиларни ўз аҳолини яхшилаш учун курашини бошланиши кабилар.

XIX асрнинг II ярмида Россия ички сиёсатида учта босқич ажралиб туради. *Биринчиси* – 50-йилларнинг II ярми – 60-йилларнинг бошлари – деҳқончиликдаги ислоҳотни тайёрлаш ва амалга ошириш, *Иккинчиси* – 60-70-йиллар – либерал ислоҳотларни ўтказиш, *Учинчиси* – 80-90-йиллар иқтисодий модернизация, давлатчиликни ва ижтимоий барқарорликни анъанавий консерватив – маъмурий усуллар билан мустаҳкамлашдан иборатдир.

Крепостной шуқуқни бекор қилиниши масаласига келсак, XIX асрнинг ўрталарида аграр деҳқончилик масаласида Россиянинг ўтқир ижтимоий-сиёсий муаммоси бўлиб қолди. Европа давлатлари орасида крепостной шуқуқ фақат Россияда сақланиб қолиб, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишига тўсқинлик қилади.

Кўплаб давлат ва жамоат арбоблари крепостной шуқуқ Россияни шарманда қилаётганини ва уни қолоқ давлатлар қаторида қолаётганини тушунишарди.

Император Александр II (1855-1881), Николай I-нинг катта ўғли бўлиб, у 1855 йил 19-февралда Россия тахтига чиқди. Отасига қараганда у давлатни бошқаришга яхши тайёрланган эди. Ёшлигида у ажойиб тарбия ва таълим олган, шоир В.А. Жуковский уни мураббийи бўлган. 1856-йилда Москва дворянлари вакиллари олдида сўзлаган нуткида император биринчи марта деҳқонларни озод қилиш зарурлигини таъкидлади. Унинг бу фикрини император оила аъзолари, бир қатор давлат ва жамоат арбоблари қўллашди.

Императорнинг топшириғи билан деҳқонларни озод қилиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. 1860 йил октябрда Бош комитет лойиҳаларни кўриб чиқишни бошлади, бу деҳқонларга бериладиган ерларни шажмини қисқартирди, мажбуриятларни эса кўпайтирди. 1861-йил 17-февралда ислоҳотлар лойиҳасини давлат кенгаши тасдиқлади, 19-февралда уни Александр II имзолади. Крепостной шуқуқ бекор қилингани манифест орқали эълон қилинди. Бунда учта асосий масала: деҳқонларнинг шахсан озодлиги, уларга ерни бўлиб бериш ва озодлигини сотиб олиш битими кўрилган ёки назарда тутилган.

Манифест деҳқонларга шаъсий озодлик ва умумграждан шуқуқларни берди. Бундан буён деҳқон кўчма ва кучмас мулкка эгаллик қилиши, битимлар тузиши, юридик шахс сифатида иштирок этиши мумкин эди. Деҳқон помешчикни шаъсий шомийлигидан озод қилинди, унинг рушсатисиз никоҳ тузиши мумкин эди. Хизматга ва ўқув юртига кириши,

яшаш жойини ўзгартириши савдогарлар ва майда буржуазия тоифасига ўтиши мумкин эди. Щукумат озод этилган дешқонларни мащаллий ўзини бошқарув идораларини ташкил эта бошлади.

Шу билан бирга дешқоннинг шащсий озодлиги чекланган. Биринчи навбатда бу дехкон жамоасини сақланишига тегишлидир. Ерга жамоа бўлиб эгалик қилиш, ер майдонларини қайтадан таксимлаш, солиқларни тўлашда ва давлат мажбуриятларини бажаришдаги умумий кафиллик кабилар қишлоқда баржуазиянинг эволюциясини орқага тортарди. Дешқонлар жон солиғи тўлайдиган, рекрут яъни аскарлик мажбуриятини ўтайдиган, тан жазосига тортиладиган ягона тоифа бўлиб қолди. «Низом» дешқонларни ер билан таъминланишини тартибга солган. Ер майдонларининг хажми тупроқнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган. Россиянинг щудуди шартли тарзда учта минтақага: қора тупроқли, ноқора тупроқ ва чўл зоналарига бўлинди. Уларнинг хар бири бўйича дешқонларга бериладиган ер майдонларининг энг катта ва энг оз шажми белгиланди. Ер масаласини щал этишда дешқонларнинг ерларини анча қисми қискартирилди. Мамлакат бўйича дешқонлар ишлощотгача ишлов бериб келинганига нисбатан 20 фоиз кам ер майдони олишган.

Щудгор қилиб щайдаланадиган ерларни чегаралашда помешчиклар ўзларининг ерларини дешқонларнинг ерларини орасига суқилиб жойлаштиришга интилишган. Шу йўл билан дешқон помешчикнинг ерини ижарага олишга мажбур қилинган, бунинг учун дешқон помешчикга ижара қийматини ёки пул билан ёки далада ишлаб бериш орқали тўлаган.

Дешқонлар ерни помешчикдан олгач, унинг қийматини пул билан тўлаб узишлари лозим эди. Дешқонларга берилган ер майдонларини нархи аслида 544 млн рублни ташкил этсада аслида щукумат томонидан ишлаб чиқилган хисоб-китоб формуласи бўйича ернинг нархи 867 млн рублга етди. Бинобарин сотиб олиш битими дворянлар манфаатини кўзлаб амалга оширилган.

Дешқонларда ерни сотиб олиш учун зарур пул бўлмагани учун, помешчиклар улардан сотиб олинаётган ер учун пулни бир пайтда олишлари учун давлат ер майдонларини қийматини 80 фоизи микдорида дешқонларга қарз берди. қолган 20 фоизини дешқонлар помешчикка узлари тулашлари лозим эди. Дехконлар давлатдан олган қарзларини 49 йил давомида тулашлари лозим эди. 1906 йилда дешқонлар бу сотиб олиш тўловини бекор қилинишига эришганларида давлатга 2 млрд рубл, яна 1861 йилдаги бозор нархига қараганда 4 марта кўп микдорида қийматни тўлаб қўйган эдилар. қолган 20 фоиз учун тўлаш муддати щам 20 йилга чўзилиб кетди, тўла сотиб олгунига қадар оброк тўлаб туриши ёки баъзи мажбуриятларни бажараши зарур бўлган, фақат 1881 йилда бу щолатни бекор қилиш щақида қонун чиқарилди. 1861 йилги ишлощот 30 млндан ортик крепостной дешқонларга озодлик келтирди, буржуа муносабатларни вужудга келиши мамлакатни иктисодий модернизациялаш учун йўл очиб берди.

XIX-асрнинг 60-90-йилларининг I-ярмидаги ички сиёсатига назар солиб, махаллий бошқарувдаги қайта қуришларни таъкидлаш мумкин. 1864 йилда губерния ва уездларда земство ишлощоти ва 1870-йилги шащардаги ишлощотларда махаллий думалари тузилди. Улар мащаллий миқйёсдаги масалаларни: алоқа йўлларини таъмирлаш, земство ҳамда шащар мактаблари ва касалхоналарининг фаолияти, савдо ва саноатни ғамщўрлиги бўлиб, булар марказий ва махаллий хокимятларнинг навзорати остида бўлган, буларда барча тоифаларни вакиллари бўлган.

Суд сохасидаги ишлощатларни 1864 йилдаги «Янги суд уставлари»да кўриш мумкин. Буларда судни барча тоифаларга мансублигини, судни маъмуриятдан мустақиллигини, судьяларни алмаштирилмаслиги, суд жараёнини ошкоралиги ва мунозаралигини, унда прокурор (қораловчи) ва адвокат (химоячи) ни иштирок этиши таъминланди. Айбланувчининг гунощқорлиги масаласи суд маслащатчилари (суд присяжнўх) томонидан щал этилган. Турли суд инстанцияларининг ваколатлари қатъий чегараланган. Майда фуқаролик ишларни яраштирув (мировая) судида, жинойт ва мураккаб ишлар эса – округ судида кўриб чиқилган. Ўта мущим давлат ва сиёсий жинойтлар суд палатасида кўриб чиқилган. Сенат олий суд инстанцияси бўлиб қолди. Тузилган тизим дунёдаги суд

тажрибасининг энг илғор анъаналарини ўзида акс эттирган. Бироқ, ислохотни ўтказиб, ҳукумат суд ишларини олиб борилишига аралашиб учун кўплаб туйнук (рашна)лар қолдирган. Баъзи қонун қоидалар фақат эълон қилинганича қолди. Масалан, деҳқонларнинг ишини уларнинг тоифавий суди кўриб чиқарди. Сиёсий ишларни суд жараёнини кўриб чиқиш учун сенатнинг алоҳида суди тузилди, бу ишлар ёпиқ характерда бўлиб, бу эса ошқоралик тартибига зид эди.

Шарбий ислохотлар ўтказишга олиб келган сабаблардан бири, крим уршидаги мағлубият шуни кўрсатдики, рекрут чақирувига асосланган Россиянинг доимий армияси анча замонавий Европа армияларига қарши тура олмасди. Эндиликда ўқиб ўргатилган захирадаги шахсий таркибига, замонавий қурол ва яшши тайёргарликка эга офицер кадрларга эга армияни тузиш зарур эди. 1874 йилги барча тоифаларга мансуб 20 ёшга тўлган эркакларни шарбий мажбурияти тўғрисидаги қонун ислохотни асосий калити бўлди.

Куруқликдаги қўшинларни шақиқий хизмат муддати 6 йилгача, флотда эса 7 йилгача белгиланди. Шақиқий хизмат муддати маълумот цензига боғлиқ шолда анча даражада қисқартирилган. Олий маълумотга эга бўлган шаҳслар бор-йўғи ярим йил ёки 6 ой хизмат қилган. 60-йилларда армияни қайта қуроллантириш бошланди: силлиқ стволли (гладкоствольнўй) милтиқ, кесувчи (нарезной) стволли милтиқ билан алмаштирилди, пўлатдан ясалган артиллерия қуроллар тизими амалга киритилди. Отлар парки яхшиланди. Бўғда шарақатланувчи шарбий флотни тез суръатларда ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Офицер кадрларни тайёрлаш учун харбий гимназиялар, махсус юнкерлик билим юртлари ҳамда Генерал (Бош) штабнинг, артиллерия ва инженерлик академиялари ташкил этилди. Қуролли кучларни бошқариш тизими яхшиланди.

Буларнинг барчаси, армиянинг сонини тинчлик маҳалда қисқартириш ва шу билан бирга унинг жанговорлигини ошириш имконини берган. Бошқарув, суд ва армиядаги ислохотлар мантикан таълим тизимини ўзгартирилишини такозо этарди. 1864-йилда бошланғич ва урта маълумотни тартибга солувчи «Гимназиялар устави» ва «Халк билим юртлари ҳақидаги низом» нашр этилди. Асосийси шунда эдики, барча тоифалар учун мумкин булган таълим амалга киритилди. Давлатга қарашли мактаблар билан бир қаторда земство, черков-приход, яқшанба ва хусусий мактаблар вужудга келди. Классик ҳамда реал гимназиялар очилиб, уларга таълим учун ҳақ тулай оладиган барча тоифаларнинг болалар қабул қилинган.

1863-йилги янги Устав университетларга автономиясини қайтариб берди, чунки 1835-йилда Никалай I университетларни мухториятини йук қилган эди. Янги Устав буйича университетларни маъмурий-молиявий ва илмий педагогик масалаларни мустакил ҳал этилиши қайта тикланди.

1865-йилда матбуот ҳақидаги «Вактинчалик қоидалар» амалга киритилди. Бу қонун бир қатор босма нашрлар учун дастлабки цензурани бекор қилди: жамиятнинг бадавлат ва маълумотли қисми учун мулжалланган китоблар, шунингдек маърузий даврий нашрлар учун тааллуқли бўлиб, аммо янги қоидалар провинцияларнинг матбуоти ва халк учун оммавий адабиётларга ёйилган эди.

Амалга оширилган тўб ўзгаришлар прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Булар мамлакатни тараккиётини эволюцион йўлига асос сола бошлади.

XIX-асрнинг 60-70-йилларида ислохотларни мантикий давоми сифатида 1881-йилнинг январидан ички ишлар вазири, граф М. Т. Лорис – Меликов томонидан ишлаб чиқилган муътадил конституциявий таклифларни қабул қилиниши бўлиши мумкин эди. Аммо 1881-йил 1-март куни **Народоволецлар** томонидан император Александр II нинг улдирилиши ҳукумат курсининг умумий йўналишини ўзгартириб юборди.

Император Александр III (1881-1894) отаси қаби давлат ишларига эрта аралашди. Узини утқир харбий еиши сифатида курсатди. У тарихга «Тинчликпарвар» подшо сифатида қирди, чунки у халқаро муаммоларни харбий воситалар орқали ҳал этишнинг ашаддий

ракиби эди. Александр III М.Т. Лорис – Меликовни таклифни инкор этди, ички сиёсатда реакцион анъаналарни кучайиши даври бошланди.

Махаллий бошқарув тизимида узғаришлар амалга оширилиб, 1889-йилдан кишлоқ деҳкон маъмурияти дворянлардан тайинланган земство бошлиқларига буйсунадиган бўлди, земтсволар дворянларнинг мавкеини оширди. 1892-йилдаги «Шахарлар низоми» шаҳар думаларида дворян ва йирик буржуазияни ролини мустаҳкамлади.

Таълим ва матбуот соҳасида ҳам ҳукумат бир канча узғаришларни амалга оширди. Урта мактабни давлатга ва Синод бошчилигидаги черковга буйсундирмокчи бўлди. 1887-йилдаги конунга кура гимназияларга **малай**, кир ювувчилар, майда дукондорларни болалари қабул қилинмайдиган бўлди.

1884-йилги университетларнинг янги **устаби** буйича уларнинг автономлиги бекор қилинди. Бир вақтнинг узида студентлар устидан полиция назорати кучайтирилди ва уқиш учун тулов қупайтирилди. Аёлларнинг олий таълими йук қилинди.

1892-йилдаги «Матбуот тугрисидаги вақтинчалик қоидалар» 60-йиллардаги цензура соҳасида йул қуйилган либерал сиёсатни тугатди. Хар қандай нашрни ёпиш ҳуқуқини факат ички ишлар вазирлиги эмас, балки Синодни обер-прокурори ҳам қулга қиритди.

Ҳукумат «Московские ведомости» қаби «унг» нашрларни қуллаб қувватлади. Цензура Александр III даврида, Николай I даврига қарагандан ҳам қаттиқ бўлган.

ХІХ-асрнинг II-яримидаги Россиянинг ташқи сиёсати. Қрим урушини яқунланиши Европадаги вазиятни тубдан узғаришига олиб қелди. Қрим тизими деб номланган англо-австро-француз блоқи Россияни сиёсий жихатдан яққалаб қуйишни саклаб қолишга ва Париж конгресси қарорлари билан таъминланган уни харбий-стратегик заифлигини саклаб қолишга мулжалланган эди. Россия буюқ давлат сифатидаги узини мавкеини йукотмаганди. Бирок мағлубият туфайли у хал қилувчи овоз ҳуқуқини халқаро муносабатларда йукотди ва Қора денгизни нейтраллаш ҳақидаги модда туфайли Болқон халқларини самарали қуллаб-қувватлаш имқонидан махрум бўлди. Шунга кура рус дипломатиясининг асосий вазифаси шу моддани бекор қилиш учун қурашиш ва Россиянинг халқаро обрусини кучайтиришдан иборат бўлди.

Ташқи сиёсатнинг асосий йуналишлари тугрисида суз борганда шуни таъқидлаш муқкинки, Россия ғарбий йуналишида уз ташқи сиёсатидаги яққаланиб қолишини йук қилишга интилди. Марқазий Европа давлатлари билан муносабатлар анъанавий сулолавий алоқалар, уларнинг сиёсий ва гоъвий неғизларининг умумийлиги билан белгиланарди. Подшо ҳуқумати европадаги тенгсизликни саклаб туриш учун янги сиёсий иттифокларни тузишга ва узини халқаро обрусини тиклашга тайёр эди.

Урта Осиё йуналиши қатта аҳамиятга эга бўлди. Рус ҳуқумати Урта Осиёни қушиб олиш, қелгусида уни узлаштириш ва мустамлақага айлантириш дастурини илғари сурди ва амалга оширди.

ХІХ-асрнинг 70-йилларида Болқонда миллий-озодлик ҳаракатларини кучайиши билан Шарқий масала яна олдинга чиқди. Болқон ярим ороли халқлари Усмонийлар зулмидан озод бўлиши ва мустамлак миллий давлатларини тузиш учун қурашни авж олдирдилар. Бу жараёнда Россия дипломатик, сиёсий ва харбий усуллар билан қатнашди.

ХІХ-асрнинг иккинчи яримида Россиянинг ташқи сиёсатидаги узук шарқ йуналиши секин-аста узининг периферия ҳарактерини узгартириб борди. Қрим уриши пайтида Камчаткадаги англо-француз диверсияси (қупорувчилиги) Хитойни қучсизланиши ва уни англо-герман-француз қапталига қарам, тобе мамлакатга айлантирилиш, Япониянинг денгиз ва қуруқликдаги қучларини тез усиши, Узук Шарқда Россиянинг иқтисодий ва харбий-стратегик мавкеини кучайтириш зарурлигини қурсатди.

Хитой билан тузилган Айгун (1858) ва Пекин (1860) шартномаларига кура Амур дарёсининг чап қирғоғидаги ҳудудлар ва барча Уссурий улқаси Россияга бириктирилди. Рус қолонистлари (қучиб қориб урнашганлар) бу серҳосил ерларни тез суръатларда узлаштира бошладилар. У жойларда тез орада Благовещенск, Хабаровск, Владивосток ва бошқа шаҳарлар барпо этилди.

Япония билан савдо ва дипломатик муносабатлар ривожлана бошлади. 1855-йилда Россия ва Япония уртасида доимий тинчлик ва дустлик ҳақидаги Симод битими имзоланди. Бу битим Россияни Курил ороллари шимолий қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлади. Россияга тегишли Сахалин ороли биргаликда фойдаланиладиган мулк деб эълон қилинди. 1875-йилдаги Петербургда имзоланган рус-япон шартномаси Сахалин оролини факат Россия мулки эканлигини тан олди. Япония компенсация сифатида Курил ороллари олди. Сахарин ва Курил ҳудудлари XIX-аср охирида рус-япон муносабатларида кескинлик манбаи бўлиб қолаверди.

XIX-асрнинг биринчи ярмидадаги аънанани давом эттириб, Россия АҚШга нисбатан дустона сиёсатини олиб борди. Англиядан фаркли тарзда у Шимол тарафида туриб унинг қулдорлик Жанубига қарши қурашди. Шундан кейин у АҚШни халқаро ишларда доимо қўллади. 1867-йилда Россия амалда Шимолий Америка Қўшма Штатларига америка Материгини шимолий-ғарбий қисмини-Аляска ярим оролини буш жойларини 7.2 млн. долларга сотиб юборди. Замондошлар, бу ерларни шунча қўл туриши ҳақида уйламаганлар. Бироқ кейинчалик аниқланишича, Аляска бой фойдали қазилмаларнинг (олтин, нефт) хазинаси бўлиб чиқди. Умуман олганда эса АҚШ Россия билан халқаро ишларда халқ қилинган қўл уйнаётган эди.

XIX-асрнинг 60-70-йилларида Россия халқаро муносабатлар тизимида Париж тинчлик шартномасини чекловчи шартларини бекор қилиш учун қурашди. Қора денгизда ҳарбий флотни ва ҳарбий базаларни йўқлиги жанубдан ҳужум учун Россияни заиф қилиб, амалда эса бу унга халқаро муносабатларни халқ этишда фаол уринни егаллашига қўл бермасди.

Бу қурашга қўриқ дипломат, кенг сиёсий онг-билим даражасига эга бўлган ташқи ишлар вазири, князь А.М. Горчаков бошчилиқ қилди. Дастлаб, Россия узининг герман давлатларига таянган аънавий қўрсини узгартириб, Францияга яқинлашишга интилдди. 1859-йилда тузилган рус-француз иттифоқи, бироқ қўтилган натижага олиб келмади. Шу қўфайли унинг Пруссия ва Австрия билан янгидан яқинлашиши бошланиб, Россия Пруссиянинг барча герман ерларини қўзи бошчилигида бирлаштирилишига бўлган интилишини қўллаб-қувватлади. 1870-1871-йиллардаги франсуз-прус қўрушида эса бўлмаслиқ мажбуриятига қўзини боғлиқ деб ҳисобламаслигини маълум қилди. Пруссия нейтралитети учун миннатдорчилик тариқасида Россияни қўллади. Англия ва Австрия рус ҳуқуқатининг бир томонлама қарорини қоралашди, тор-мор этилган Франция эса норозилик билдириш имқониятига эга бўлмади.

Буюқ давлатларнинг 1871-йилдаги Лондон қўференцияси Қора денгизни нейтраллашни бекор қилди. Россия ҳарбий денгиз флотни, ҳарбий-денгиз базалари ва мустаҳкамланган Қора денгиз соҳилига эга бўлиш ҳуқуқини қўзига қайтариб олди. Бу ҳолат давлатнинг жанубий чегараларида мудофаа қизигини қайта тиклаш имқонини берди. Бундан ташқари буюқлар орқали ташқи савдо кенгайтирилди. Мамлакатнинг Қора денгиз бўйи қўрони – Новороссийск улқаси тез сўрьатларда ривожланди. Россия яна Болқон ярим ороли халқларига уларнинг озодлиқ қаракатига ёрдам қўрсата олди.

XIX-асрнинг 70-йилларида Европада халқаро вазиятда сезиларли узқаришлар ёз берди, Франция эса прусс-франк қўрушидан сунг қўчсизланганди. Европанинг марқазиди иқтисодий ва ҳарбий жихатдан қўчли янги давлат – Германия империяси юзага келди. Франция Агрессив ташқи сиёсат қўритиб, Европада уз таъсирини қўайтириш, мустамлақа муқларини вужудга келтиришга ва кенгайтиришга интилдди. Германия бир томонда, Франция ва Буюқ Британия бошқа томонда, улар уртасида зиддиятлар қўмплекси юзага келди. Австрия-Венгрия ҳам Болқонда уз ташқи сиёсатини фаоллаштирди.

Россия бундай шароитда марқазий европа давлатлари билан яқинлашишга интилдди. Германия Францияни батамом яққалаб қўйиш мақсадида Россия билан иттифок тузмокчи бўлди. 1872-йилда Берлинда Россия, Германия ва Австро – Венгрия давлатларини императорлари ва ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлди. Унда келгуси иттифокнинг шартларива қўнцепларни тугрисида келишиб олинди. 1873-йилда Россия, Германия ва Австро – Венгрия уртасида уч томонлама битим - уч императорлар иттифоқи тузилди. Учала

манарх узларининг урталаридаги келишмовчиликларни сиёсий маслахатлар утказиш йули билан бартараф этишга, Иттифокка аъзо томонларнинг бирига бошка давлат томонидан хужум хавфи юзага келганда бунга карши биргаликда ҳаракатлар ҳақида келишиб олинди.

Германия бу дипломатик муваффақиятдан фойдаланиб Францияни такроран тор-мор этмокчи булди. Герман канцлери княз Отто Бисмарк Франция билан муносабатларни кескинлаштирмокчи булди.

1875-йилда германия билан Франция уртасида янги карама-каршилиқ юзага келди. Россия Германия билан иттифокчилигига карамасдан Францияни химоя килиб чикди, уни Буюк Британия куллади. Германия ортга чекинди, франция тор-мор этилишдан куткариб колинди, бироқ рус-герман муносабатларида ишончсизлиқ ушиб борди. Гарчи кейинчалиқ уч император бир неча марта иттифок тарафдорлигини тасдиқлашди, рус дипломатияси борган сари бошка ҳамкорлар топиш зарурлигини тушуна бошлади.

Рус – француз яқинлашуви имконияти аста – секинлик билан курина бошлади.

Россиянинг жанубий – шаркида кенг Урта Осиё ҳудудлари жойлашган булиб, жойда Бухоро амрлиги, Кукон ва Хива хонликларидан иборат давлатлар бор эди. Буларнинг орасида анча ривожлангани Бухоро амрлиги булиб, бир неча йирик шаҳарларида савдо ва хунармандчилик эди. Бухоро ва Самарканд эса Урта Осиёнинг муҳим савдо марказлари булган. XIX-асрнинг II-ярмида Буюк Британиянинг ҳудудларга киришига интилиши ва уларни узининг мустамлакасига айлантиришга ҳаракат килиши туфайли вазият тубдан узгарди. Россия бевосита узининг жанубий чегараларига яқин жойда «Англия шери»ни пайдо булишига йул куя олмасди. Англия билан рақобатчилик Урта Шарқда рус ташки сиёсатини фасллашишини асосий сабаби булди.

XIX-асрнинг 50-йилларининг охирида Росси Урта Осиёга кириб бориш учун амалий кадамлар куя бошлади. Жиддий масала билан учта сафарлар ташкил этилди: Шарқшуносолим Н.В. Игнатов раҳбарлигидаги илмий сафар, элчи Н.П. Игнатьев бошчилигидаги дипломатик сафар ва Ч.Ч. Валихонов бошчилигидаги савдо сафари уюштирилди. Уларнинг вазифасига Урта Шарқ давлатларидаги сиёсий ва иқтисодий ҳолатни урганиш улар билан янада яқин алоқаларни урнатиш булган.

1863-йилда Алоҳида камитетни йигилишида фаол ҳарбий ҳараатларни бошлаш тугрисида қарор қабул килинди. Биринчи тукнашув Кукон хонлиги билан булиб утди. 1864-йилда М.Г. Черняев кумондонлигида кушин Тошкентга биринчи юришни амалга оширдилар, бироқ у муваффақиятсиз чикди. Аммо, ички зиддиятлар туфайли ва Бухоро амирлиги билан курашда ҳолсизланган Кукон хонлиги огир аҳволда эди. Шу вазиятдан фойдаланиб, М.Г. Черняев 1865-йил июнда амалда кон тукмасдан Тошкентни эгаллади. 1866-йилда бу шаҳар Россияга кушиб олинди, 1867-йилда эса босиб олинган ҳудудларни Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Шу билан бирга Кукон хонлигини бир қисми уз мустақиллигини саклаб қолди. Бироқ, Урта Осиёни ичига кириб бориш учун ҳарбий ҳаракатдан қулай **жой – плацдарон** барпо килинди.

1867-1868-йилларда Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман кумондонлигидаги рус кушинлари Бухоро амири билан шиддатли жанг олиб бордилар. Буюк Британия томонидан гиж-гижланган амир русларга карши «Муқаддас уруш» (газовот) эълон қилди. Муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар оқибатида рус армияси бир қатор ғалабаларга Бухоро амирлиги устидан эришди. Россия билан Бухоро уртасида тинчлик сулҳи имзоланди. Амирлик уз мустақиллигини саклаб қолсада, лекин унга вассал тобе булиб қолди. Амир ҳокимияти 1920-йилда Бухоро халқ савет республикаси ташкил топгунча қадар сакланиб қолди.

1873-йилдаги Хива юришидан кейин Хива хонлиги Россия фойдасига Амударёнинг унғ қирғогидаги ерлардан вос кечди ва сиёсий җихатдан ички автономияни саклаган ҳолда уни вассалига айланди. (1920-йилда Кизил Армия қисмлари томонидан Хива эгаллангач, хон ҳокимияти ағдарилди, Хоразм халқ савет республикаси эълон килинди).

Шу йилларда Кукон хонлигини ичига кириб бориш давом эттирилиб, унинг худуди 1876-йилда Туркистон генерал-губернаторлигини бир қисми тарикасига Россияга кушиб олинди.

Бир пайтнинг узида туркман кабилалари ва бошқа баъзи халқлардан иборат ерлар ҳам кушиб олинди.

1885-йилда Авғонистон билан чегарадош булган худуддаги Марвни кунгилли равишда Россияни таркибига кушилиши билан Урта Осиёни эгаллаб олиш жараёни якунланди.

Урта Осиёни кушиб олинисини турлича изохлаш мумкин. Бир томондан, бу ерлар асосан босиб олинган. Бошқа томондан эса, бу ерларда ярим мустамлака тартиб урнатилиб, подшо маъмурияти томонидан бошқарилган. Урта Осиё халқлари Россия таркибида тез суръатларда ривожланиш имкониятини янага эга булдилар. Кулчиликка барҳам берилди, аҳолини хонавайрон қилган узаро феодализм урушларга, **патриархал** ҳаётнинг қолоқ шаклларига баҳрам берилди. Рус ҳукумати улкани иқтисодий ва маъданий ривожланиши тугрисида қайғурди. Биринчи саноат қорхоналари барпо этилди, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш такомиллаштирилди, айниқса пахтачиликда АКШ дан янги пахта навлари келтирилиб маҳаллий шароитга мослаштирилиб экилди. Мақтаблар, маъруз билим юртимлари, дорихона ва касалхоналар очилди. Подшо маъмурияти улкадаги узида хос хусусиятларни ҳисобга олиб, бошқа динларга тоқатли булган, маҳаллий урф-одатларни ҳурмат қилган. Урта Осиё аста – секин Россиянинг ички савдосига қўшилиб, қишлоқ хўжалик ҳам ашъси манбасига ва рус туқимачилиги, металл ва бошқа маҳсулотларни бозорига айланди. Рус ҳукумати бу улкани алоҳида ажратиб қўймади, балки уни давлатнинг бошқа худудларига қўшилиб қетшига интилди.

Урта Осиё халқлари Россия таркибида бўлиб, улларини миллий, маъданий ва диний хусусиятларини йўқотмаганлар. Ақсинча, кушиб олинган пайтидан ва ҳозирги замон Урта Осиёдаги миллатларнинг вужудга қилиши бошланди (Ақлида узбек миллати XV-асрдаёқ вужудга қилган).

Шарқий танглик ва 1877-1878-йиллардаги рус-турк уруши масаласини ёритишда авваломбор, шуни таъқидлаш лозимки, Париж тинчлик сулҳининг асосий, Қора денгизни нейтраллаш тугрисидаги моддаси бекор қилинганидан кейин Россияга яна Болқон ярим оролининг халқларнинг Усмонийлар зулмига қарши қурашда фаол ёрдам қўрсатиш имкониятини берди.

XIX асрнинг 70-йилларида шарқий тангликнинг биринчи босқичи бўлиб ўтиб, 1875 йилда Босния ва Герцеговина кейинроқ Болгария, Сербия, Черногория ва Македонияда турклар зулмига қарши қўзғолон қўтарилди. 1876 йил ёзида Сербия ва Черногория султонга қарши уруш эълон қилди. Турклар Болгарияни ўзида 30 мингга яқин одамни қиличдан ўтказди. Европа давлатлари ва биринчи навбатда Россиянинг ёрдамсиз бу халқларнинг қураши мағлубиятга учраши аниқ эди.

Болқон масаласида ғарбий Европани пасивлигини назарга олиб рус ҳукумати 1876 йилда султондан Слвоян халқларини қирғин қилишни тўхтатишни ва Сербия билан сулҳ тузишни талаб қилди, бироқ турк армияси ўз ҳаракатларини давом эттирди. 1877 йил апрелда Россия Усмон империясига уруш эълон қилди. Шарқий тангликнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу пайтда рус қўшини шам тўла замонавий талаблар бўйича қуруллантилмаганди. Шунинг учун рус қўмондонлиги тез суръатларда жанг уруш ҳаракатларини яқунламоқчи бўлди. Жанглар Болқон ва Кавказортида олиб қорилди. 1877 йил Майида рус қўшини Руминияга кириб, Дунайдан қечиб ўтиб, бунга унга болгор қўнгиллилари ва мунтазам қўшин қимслари қўмақлашди. Рус қўшинларига М.Д. Скобелев, М.М.Дрогомиров, И.В.Гурко каби талантли генераллар қўмондонлик қилишди. Асосий жанглар Болгария шудудидаги Плевна, Шипка, Тирнова учун олиб қорилди. 1878 йилда рус қўшинлари Андриополни эгаллашда, Канистантинополга яқинлашди. Кавказортида қора денгиз бўйидаги Абхазия тўла эгалланди. Туркияни мағлубияти аниқ бўлиб қолди. 1878 йил февралда Сан-стефано тинчлик сулҳи тузилди. Сербия, Руминия ва Черногория илгари

автономияга эга бўлган бўлса, энди мустақилликка эришди. Болгария, Босния ва Герцоговина эса автоном князликларга айланишди. Россия Жанубий Бессарбияни қайтариб олди. Кавказда Батум, Карс, Ардаган ва Баязид каби янги таянч пунктларни қўйилга киритиб, бу қалъалар Кавказортида Туркияга тайзик ўтказиш учун мушм стратегик ашамиятга эга эди.

Шарқий тангликни учинчи босқичи 70-йилларда бўлиб ўтиб, бунда ғарб давлатлари Сан-стефано битимининг шартларини тан олишдан бош тортишда ва янги халқаро конгрессни чақиритиш талаб қилишди.

1878 йил Июнда Берлинда каонгресс очилди, унда Россия, Туркия, Англия, Франция, Германия ва Австро-Венгрия иштирок этди. Россия батамом яккаланиб қолди. Еуроа давлатлари ягона фонд бўлиб қатнашиб ўз шощишларини рус дипломатиясига тайзик қилишди. Уларнинг асосий мақсади Болқонда руслар таъсирини тугатиш ва Россиянинг шарбий ғалабаларини натижаларини камситишга уринишди. Бунда улар Болқон шалқларини манфаатларини кам эътиборга олишарди.

Июлда Берлин конгрессида имзоланган битим Сан-стефано сулци шартларини янча даражада ўзгартирди. Болгария икки қимсга бўлинди. Унинг шимолий қисмигина ўз ҳукумати ва миллий армиясига эга бўлган автоном давлат бўлди. Жанубий қисми эса Туркиянинг зулми остида қолди. Сербия, Черногория ва Руминиянинг мустақиллиги таъкидлансада, бироқ уларнинг шудуди сезиларли қисқартирилди. Австрия-Венгрия эса Босния ва Герцоговинани аккупация қилди. Англия эса Туркияни қўллагани учун Кипр оралини олди. Усманийлар империясининг парчаланиши бошланди.

XIX асрнинг сўнгидаги Россиянинг ташки сиёсат масаласига келсак, Берлин конгресси еуропадаги кучларни янгидан жойлаштирди. Англо-австрия блокини ғалабасига Германиянинг тутган урни кумак берди. Бу австро – герман яқинлашувини мустахкамланишига имкон берди. Шу билан бирга Россиянинг, Германия ва уч император иттифоқини кузлаб иш қуриши асосиз эканлиги маълум булди. Россия Германияга нисбатан ишончли булганянги иттифокчини излашга мажбур булди.

XIX-асрнинг охириги чорагида, Россия, Англия, Франция, Германия ва Австро-Венгрия каби буюк давлатлар ўртасидаги ихтилофлар чуқурлашиб боргани сари, еуропадаги кескинлик мунтазам кучая борди. Уларнинг қарама-қаршилиги дунёдаги вазиятни белгилаб бериб, бошқа давлатларнинг манфаатларига ҳам дахлдор эди.

Можаролар куплаб регионларни: Яқин ва Урта Шарқ, Болқон ярим ороли, Шимолий Африка, Узок Шарқ, Жанубий-Шарқий Осиёни қамраб олганди. Шунинг учун бошқа давлатлар сингари Россия учун ҳам бу ихтилофларда уз вазифаларини хал этиш учун иттифокчиларни излаш муҳим муаммога айланди. XIX-аср охири – XX-аср бошлари, икки душман блокларни ташкил топшини бошлаб берди.

Учлар иттифоқи. блокларнинг дастлабкиси 70-йиллар охирида юзага кела бошлади. 1879 йилда Германия ва Австрия яширинча, махфий равишда Россия ва Францияга қарши иттифок тузишди. Бунга Италия қўшилгандан кейин, 1882-йилда Марказий Европа давлатларининг Учлар иттифоқи юзага келди. Ушбу иттифок Болқон, Яқин ва ўрта Шарқда агрессив сиёсат олиб борди. Австро-Венгрия эса Сербияни босиб олишга тайёргарлик кўрди. Германия эса Туркия ва Ироқда ўз таъсирини ошириб, Африка ва Узок шарқда ўз мустамлакачилик сиёсатини фаоллаштирди.

Канцлер О.Бисмаркнинг «Немисларга шам қуёш остида ўз ўрни керак» деган жонли ибораси герман дипломатиясининг шиорига айланди.

Уч императорлар шартномасини икки марта (1881 ва 1884) узайтирилиши ва 1882 йилда «қайта қафолатлаш битими»ни имзоланганлигига қарамасдан, рус герман муносабатларида ишончсизлик кучая борди. Иккала томон шам бир-бирига протекционистик (томожная) божхона нархларини ва ноқулай савдо шароитларини тиқиштиришган. Германия шу пайтдан бошлаб Россия ва Францияга қарши урушга тайёргарлик қура бошлади. Герман бош штаби XIX-асрнинг 80-йилларидаёқ бир-бирига ухшаш харбий-стратегик режаларини ишлаб чиқишга киришган эди.

Рус – Француз иттифоқи юзага келиши масаласига келсак, шуни таъкидлаш мумкинки, Россия ўзининг ташки сиёсати йуналишида Марказий – Европа давлатларига яқинлашишидан иборат анъанасидан воз кечишига ва янги иттифоқчилар излашга мажбур бўлди. У фаол равишда Франция билан яқинлаша бошлади. Уни бундай йўл тутишига Германияни Якин Шарқдаги русларга қарши сиёсати, герман милитаризмини ўсиши ва 1891-йилда Учлар иттифоқини қайта тикланишига туртки бўлди. Франция Европада Германиянинг кучайишидан унинг мустамлакачилик даволарининг ўсишидан хайиқарди. Шунинг учун у Россия билан яқинлашишидан манфаатдор эди.

1891-йил июльда Франция эскадроси Кронштатга келди. Бир пайтнинг ўзида харбий кемаларнинг ташрифи билан бир қаторда дипломатлар ва харбийларнинг иттифоқ тузиш хақидаги рус-француз музокаралари бўлиб ўтди. 1891-1891-йилларда мабодо томонларнинг бирига Германия ёки Австрия Венгриянинг хужуми хавфи солса биргаликда ҳаракат қилиш хақида биринчи ҳужжатлар-сиёсий битим ва харбий конвенсия имзоланди. 1893-йилда конвенцияни ратификация қилиниши муҳофаа ҳаракатини ва Германияга қарши қаратилга рус – француз иттифоқини батамом расмийлаштирилишини англатган. Икки қарама-қарши турган иттифоқларни (Учлар ва рус-француз) юзага келиши билан шалқаро муносабатлар тарихида янги босқич бошланиб, бу Европада зиддиятларнинг чуқурлашуви ва буюк давлатларнинг таъсир доираси учун келгусида дунёни бўлиб олиш буйича кескин кураши билан боғлиқ эди.

2-масала.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг тузилиши давом этди (асосан ўрта Осиёнинг қўшиб олиниши шисобига). 1897 йилга келиб аҳолининг сони 128 млн кишини ташкил этсада, шу билан бирга шаҳарликларнинг сони ҳам ўсиб борди. Асрнинг охирида улар аҳолининг 13 фоизини ташкил этган.

Иқтисодий ва ижтимоий тузилшнинг ўзига хос шусусиятларига назар солсак. Россиянинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши деҳқонлар ишловатининг шарт-шароитлари ва амалга оширилишини бориши билан белгиланарди. 1861 йилдан капитализм ҳукмрон ишлаб чиқариши сифатида таркиб топа бошлади. Россия капитализмнинг ривожланиши умумий қонуниятларидан ташқари яна ўзига хос шусусиятлари ҳам мавжуд эди. Бу эса иқтисодиёт ва ижтимоий-сиёсий соҳада анъанавий тузилишлар: ерга помешчик ер эгаллигининг сақланиб қолиши; жамиятнинг табақаларга бўлиниши ва уларнинг ҳуқуқий қатъиянлиги; деҳқон жамоаси; помешчикларнинг манфаатларини шимоя қилувчи ва шарбий-полиция аппарати таянувчи Мутлоқ подшо шукуматининг мавжудлиги билан изоҳланар эди.

Россия жамияти, айниқса деҳқонлар ва помешиклар, капиталистик муносабатларга бўш тайёрланган эди. Кўпчилик аҳолининг соддалиги билан подшога ишониши ва патриархал-жамоа менталитети мамлакат иқтисодиётидаги туб ўзгаришларни фаол идрок этилишига шалал беради.

Иқтисодиёт учун кўпукладлик характерли эди: йирик капиталистик хўжалиги билан патриархал деҳқон хўжалиги ҳамда ярим феодал помешик хўжалигини ёнма-ёнлиги мавжуд эди. Иқтисодиётнинг асосий соҳаларида кескин диспропорциялар (тенгсизлик) юзага келди: саноатнинг муддатли ўсиши қишлоқ хўжалигидаги турғунликнинг аста-секин бартараф этилиши билан ёнма-ён борди. Капитални дастлабки жамғариш жараёни чўзилиб кетди. Бу эса Россия иқтисодиётга чет эл инвестицияларини кенг кириб келиши учун йўлни очиб берди.

XIX иккинчи ярмида капитализмни тез суръатларда тараққий этишига қарамасдан Россияни модернизацияси анча узоқ муддатга чузилди ва уша вақтдаги илгор капиталистик мамлакатларга нисбатан қувиб етувчи характерини сақлаб қолди.

қишлоқ хўжалиги масаласига келсак, Россия иқтисодиётида аграр сектор ҳукмрон мавқени эгаллаган. Айнан шу соҳада капиталистик муносабатларнинг эволюцияси ута секин суръатларда борди.

280 млн. десятина ернинг 102 млн. ни хусусий мулк кулида эди. Ернинг катта (77%) ва сифати жихатдан энг яхши қисми помешчикларга тегишли булган. Шунинг учун аграр секторни буржуазия эволюциясини асосий курсаткичи помешик хужалигининг ахволи булган. Рефермадан кейинги даврда уни уч хили юзага келди: фойдаланиладиган, капиталистик ва аралаш хиллари булган.

Фойдаланиладиган тизим помешикнинг ерига дехқоннинг уз инвентари (яъни иш куроллари) билан ишлов беришидан иборат булган. Бу эса кам ерли ва маблагсиз дехқонларни помешикдан ижара (аренда) га олинган ер учун асоратга тушишини англатарди. Бу эксплуатациянинг ярим крепастниклик шакли булиб, унга ута паст меҳнат унимдорлиги характерли эди. Фойдаланишга бериш тизими айниқса Марказнинг қора ерли худудларида ва илгари боршина устунлик қилган Волга бўйида кенг тарқалган эди.

Капиталистик тизим, помешикни узини инвентари (мешнат куроллари) билан уни ерларига ишлов берадиган дешқон-ботракларнинг эркин ёлланма мешнатини қулланишини назарда тутарди. Айнан шу хужаликларда қишлоқ хужалиги техникаси кенг равишда жорий қилинган, ишлаб чиқариш тузилиши такомиллаштирилди ва унинг мащсулдорлиги янада тез суръатларда ушиб борди. Хўжаликнинг бу тури Болтиқ буйи, Украина ва ғарбий Белорусия учсун характерли эди.

Эркин ёлланма меҳнат ва фойдаланиш қўлланиладиган аралаш тизим, сўл кирғоқ Укараинаси, Шарқий Белорусия ва баъзи /арбий рус губернияларида тарқалган эди.

XIX асрнинг 70-йиллари охирига келиб хўжалик юритишнинг капиталистик тизими аста секин фойдаланишга ер бериш тизимини сиқиб сиқара бошлади.

Ўз хўжалагини янги изга ўтказа олмаган помешиклар аста-секин хонавайролн бўлганлар ва ўз ер-мулкларини соғанлар. Мамлакатда ерни қайта тақисмлаш жараёни борди, чунки уни бир қисмини буржуазия сотиб олган.

Дешқон хўжалиги помешик хўжалигига нисбатан янада секинлик билан капиалистик муносабатларга мослашиб борди, бу биринчи навбатда кам ерга эга бўлганлари учун келиб чиққан. Дешқон жамоалари қўлида 139 млн. десятина ер бўлиб. 60-йилларида шар бир эркак жинсига жон бошига 5 десятина, XIX аср оширига келиб 2,5 десятинага қисқарган эди. Бундан ташқари , дешқонлар солиқлар ва юқори сотиб олиш тўловлари билан эзилган бўлиб, бу эса хўжаликни ривожлантириш учун зарур бўлган пул маблағларни етишмаслигига олиб келди. Вақти-вақтида жамоа ичида ерларни қайта тақсимлаш, дешқонларнинг ёппасига хат-саводсизлиги щам дешқон хўжалиги ривожига тўскинлик қиларди.

10-мавзу: XX-асрнинг бошларида иқтисодий-сиёсий ахвол(2 соат)

Режа:

1. Россиянинг иқтисодий ривожланиши.
2. Ички сиёсий вазият ва жамоатчилик щаракати.

Таянч тушунчалар:

Ислохотдан кейинги даврдаги иқтисодий ривожланиш натижасида (**XIX асрнинг 90-йиллардаги саноатдаги юксалиш**) Россия капитализми тизими шаклланди. Бу ҳолат тадбиркорликни ва сармоя, маблағларини ўсишида, ишлаб чиқаришни такомиллаштирилишида, уни техник жихатдан қайта жихозланишда, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ёлланма ишчи кучини сонини кўпайишида акс этди. Бошқа капиталистик мамлакатлар билан бир вақтда Россияда индустриялаштириш билан бир пайтда тўғри келган иккинчи техник революция(ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, электр токини ва замонавий фаннинг бошқа ютуқларидан кенг фойдаланиш) келиб чиқди. Россия колоқ аграр мамлакатдан XX-аср бошларида аграр-индустриал давлатга айланди.

Саноати масулоти хажми жихатидан у йирик давлатлар бешлигига (Англия, Франция, АҚШ ва Германия) кирди ва жашон хўжалик тизимига янада чуқурроқ кириб борди.

XIX – XX асрлар арафасида капитализм янги, монополистик босқичига кирди. қудратли ишлаб чиқариш ва молиявий бирлашмалари (саноат монополиялари ва молиявий иттифоклар) ташкил топди. Аста-секин саноат ва молия капиталини бирлаштириш бўлиб ўтиб, саноат-молия гуруҳлари юзага келди. Улар иқтисодиётда ҳукмрон мавқени эгаллаб ишлаб чиқариш ва саноат хажмини тартибга солишган, нархларни белгилашган, дунёни таъсир доирасига бўлганлар. Уларнинг манфаатларига борган сари капиталистик давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати бўйсунган. Монополистик капитализм тизими ўзгариб ва янги тарихий жараёнларга мослашиб, бутун XX-аср давомида сақланиб қолган.

Монополистик капитализмни юзага келиш жараёни Россия учун ҳам характерли бўлган. У Россиянинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёига дахлдор бўлган. Умумий қонуниятларнинг намоён бўлиши билан бир қаторда, Россияда монополистик капитализмнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бўлган. Бу эса бир қатор омиллар билан белгиланади. Биринчидан, тарихий омил-Россия Европадаги кўпгина мамлакатлардан кейинроқ капитализмга ўтди. Иккинчидан иқтисодий-географик омил, турлича табиий шароитлари бўлган бепаён ҳудуд ва уни бир текисда ўзлаштирилмаганлиги. Учинчидан, ижтимоий сиёсий омил-подшо яққа ҳокимлигини, помещик ер эгаллигини табақавий тенгсизликни, кенг халқ оммасини сиёсий ҳуқуқсизлигини, миллий зулмни сақланиб қолганлиги. Империядаги кўп сонли халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ащволини турлича даражадалиги ҳам Россия монополистик капитализмини ўзига хослигини белгиллаган.

Иқтисодиётнинг хусусиятида асосийси замонавий капиталистик саноат ва банк-молия тизими Россия иқтисодида, ўзида ярим крепосниклик мулкчилик шакллари ва хўжалик методларини сақлаб қолган қолоқ аграр сектори билан бирга қўшиб олиб борилган. қишлоқни капиталистик эволюцияси саноат тараққиётини тез суръатларда ўсишига етиб юлгурмади. Бу эса хўжаликни сохалари бўйича капитализмни нотекис ривожланишига олиб келди. 5 та район: Шимолий-ғарбий, Марказий-Саноат, Урал, Жанубий ва Кавказорти (Боку)да йирик корхоналарнинг марказлашиши сақланиб қолди. Россияда – давлат монополистик капитализми тизими шаклланди.

Саноат: Россия учун бошқа капиталистик мамлакатлар сингари иқтисодий ривожланишни нотекислиги характерли эди. XIX асрнинг 90-йилларидаги саноат кўтарилиидан сўнг XX-асрнинг бошларида жаҳон кризиси (танглиги) юз берди. 1900-1903 йилладаги кризис (танглик) маҳсулотларнинг асосий турларига нархларни туиб кетгани, ишлаб чиқаришни кескин қисқаришида, оммавий ишсизликда акс этди.

Шундай шароитларда монополлашиш жараёни кучайди, кертеллар юзага келишида давом эди.

Бу бирлашмаларнинг қатнашчилари ишлаб чиқаришни хажми, маҳсулотни сотиш ва ишчи кучини ёллаш шартлари тўғрисида келишилган, аммо шу билан бирга илаб чиқариш коммерция фаолиятида мустақиллигини сақлаб қолиган. 1901 йилда Путилов, Брянск ва бошқа паровоз қуриш заводлари “Продпаровоз”га бирладилар. Монополияларнинг шакллари – синдикатлар юзага келди. Бу бирлашмалар буюртмаларни олишни, ҳам ашёни харид қилишни тартибга солишган. Маҳсулотларни келиилган нархларда марказлашган ҳолда сотилиши амалга ошириган. Илаб чиқариш соҳасида синдикатга кирган корхоналар ўз мустақиллигини сақлаб қолишган. 1902 йилда металлургия саноатида “Продметал” ва “Трудопродажа” синдикатлари вужудга келди. 1904 йилда Европа мамлакаларида саноат ўсиши бошланди, Россияда эса фарқли ўлароқ 1904-1908 йилларда ҳам ўси суръати пасайиши давом этди. Бунга 1904-1905 йиллардаги рус-япон урушига улкан харажатлар сарфланганлиги ва 1905-1907 йиллардаги революция ишлаб чиқаришни саноатда қисқаришига ва қишлоқ хўжалигини хонавайрон бўлишига олиб келгани сабаб бўлди..

1909-1913 йилларда Россияда янги саноат ўсиши бўлиб ўтди. Халқаро вазият кескинлашиб ҳукумат буюртмалари (ҳарбий эҳтиёжлар учун) кўпайди, бу эса саноатни

кўтарилишига имкон берди. Бу йилларда монополлашиш жараёни чуқурлашди. “Проволка”, “Электропровод” сингари янги синдикатлар ташкил топди. Юқори турдаги монополиялар – трестлар ва концернлар ташкил топди. Булар хом ашёни казиб олиш, тайёр махсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солган.

Саноатни тез суръатларда ривожланишига қарамай аграр сектор мамлакат иқтисодида олдинги ўринни эгаллаб қолверди. қишлоқ хўжалигидаги капиталистик муносабатлар саноатдагига кўра анча секин юзага келди. Бунга помешчик ер егалиги ва дешқонларни кам ерлилиги, агроётехник қолоқлик ва қишлоқдаги жамоа муносабатларини сақланиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Шу қаторда саноат марказларини ва ахар аҳолисини ўсиши, транспорт тармоғини ривожланиши, Россияни жаҳон хўжалик тизимига жалб қилиниши, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда қишлоқ хўжалиги махсулотларига эҳтиёжини ортишига имкон берди.

XX аср бошларида Россияда ер егалигини ва ердан фойдаланишни турли шакллари мавжуд эди. Хусусий ер эгалигида шамон поиешчик латифундиялари хажми катта эди, уларда Россиянинг сотиладиган боғдойини ярми етиштирилди. Бу ер мулкларда амалга оширилган қайта қуришлар, ёлланма меҳнатни қўлланиши, агротехник даражани ошиши хўжаликда махсулдорликни кўпайтишига олиб келди.

Мамлакадаги ер фондининг ярми дешқонларга тегишли бўлган, Россиянинг Европа қисмидаги дешқонлар ер майдони етишмаслигидан муаммоларга дуч келардилар. Айрим дешқон хўжаликлари интенсив йўл бўйича ривожланган. Бу кўпдалали алмашлаб экиш тизимини қўланишида, биринчи қишлоқ хўжалик машиналаридан(жнейка) фойдаланишда ва аграр ислохотдан кейин кредит, сотиб олиш ва соти коперацияларини такил этилишида кўринди. Шу билан бирга рус қишлоғи асосан қолоқлигича қолаверди. Агротехник янгиликлар ўта секинлик билан борган. Ерга ишлов бериш усуллари, одатдагидек, эскича қолди. Хосилдорлик ўта паст эди.

Об-хаво табиий шароитлари ҳамон қишлоқ хўжалигини ҳолатини белгиларди. XX аср бошидаги хосилсизлик рус қишлоғида оммавий очарчиликка олиб келди. Аксинча, 1909-1910 йиллардаги хосилдорлик дешқон хўжаликларини ва мамлакатни бутун иқтисодини жонланишига имкон берди. 1916 йилга келиб дешқонлар қишлоқ хўжалиги масулотини 53 % берганлар.

1906-1910 йиллардаги аграр ислохотдан сўнг капиталистик муносабатларни қишлоқ хўжалигига кириб бориши ижобий ўзгаришларга олиб келди. 1900 йилдан 1913 йилгача қишлоқ хўжалиги махсулотини умумий хажми 3 бараварга кўпайди.

Бўғдой етиштириш бўйича Россия дунёда 1-ўринда турган. Техник ўсимликларни етиштириш ўсиб борди, бу кўпроқ Ўрта Осиё ва Кавказортида пахтачиликни ривожланиши щисобига амалга оширилди. Йирик шохли хайвонлар сони 2,5 баравар бошга кўпайди. Аграр сектор Россия иқтисодини даромадли соҳасига айланди.

Монополистик капитализм шароитларида Россиянинг молиявий тизими банк капиталининг давлат ва хусусий шакллари билан белгиланган. Иккита яъни эмиссия ва кредит каби марказий функцияларни бажарган давлат банки асосий ўринни эгаллаган. У банк монополияларини қўллаб-қувватлаган, саноат ва савдони давлат кредитлаши билан шуғулланди.

Россияда йирик акционерлик банклари томонидан маблағни тўплаш ва марказлаштириш амалга оширилди. Булар иқтисодни барча соҳаларига кириб бориб мамлакатни ижтимоий-сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсатган.

Монополистик капитализмни вужудга келиши ички савдода сезиларли силжишларга олиб келди. Бунда йирик саноат бирлашмалари ва коммерция банклари катта рол ўйнай бошладилар. Улар саноат ва қишлоқ хўжалиги махсулотларини улгуржи савдосини ўзларига бўйсундирганлар.

Россиянинг ташқи савдоси тўхтовсиз ўсиб борди. Унга Германия, Англия ва Франция олдинги ўринда бўлишган. Россия хом ашё ва қишлоқ хўжалик махсулотларини четга

чиқарган(асосан буғдой-647,6 млн пуд чиқарилган). Импортга кўпроқ саноат маҳсулотлари машиналар, асбоб-усканалар, кимёвий ўғитлар келтириш олдинги ўринни эгаллаган.

Транспорт тизими XX аср боларида сезиларли ўзгаришларга учрамади. Темир йўл транспортда юк ва йўловчиларни ички ташишлар олдинги ўринни эгаллаган. Россия рельс йўллари билан таъминлаш бўйича ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШдан анча орқада қолаётган эди. XIX асрнинг 80 йилларида Ўрта Осиёда темир йўл қурилиши (Красноводскдан Самарқандгача) ва 1891-1905 йилларда Буюк Сибирь магистраллини(Челябинскдан Владивостокгача) қурилиши бу транспорт муаммосини ҳал этишда муҳим қадам бўлган.

Хамон сув йўллари муҳим рол ўйнаган. Россиянинг дарё флоти ўзининг сони жиҳатидан бошқа мамлакатларни флотияларидан устун эди ва яхши жиҳозланганди.

Денгиз савдо флоти оз сонли бўлиб, Россия юқларини асосий қисми чет кемаларида ташиларди.

Тош териб ётқизилган(шоссе) йўллар нисбатан секинлик билан кўпайиб борди. Асосан аравалар юрадиган катта йўл (тракт)лар ва қишлоқ йўллари мамлакати бўлиб қолаверди. Автомобил бу пайтда обрўли табақалар учун ҳашамат буюм ҳисобланарди.

Умуман олганда XX асрнинг боши Россия тарихи учун индустриалаш ва монополиялаш жараёнларининг бир пайтда кечгани характерлидир.

2-масала:

XX асрнинг бошларида Россия империяси ҳудудини вужудга келиши тугалланиб. У 22,2млн кв. Кмни тақил этган. У катталиги жиҳатидан дунёда Британия империясидан кейин 2-чи ўринни эгаллади. Аҳолиси XIX –аср охиридан уч бараварга кўпайди ва 1913 йилга келиб 150 турли миллатлардан иборат бўлган 160 млн.кишини ташкил этирди.

Ижтимоий тузумнинг хусусияларига назар солиб, унда эски ва белгиларни қўшилиб кетганлини кўрамиз. Бутун конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият подшо қўлида жамланиб, у яққа ўзи Россияни бошқариб асосан дворяндарга таянган. Мамлакатни бошқаришни маъмурий полиция тизимини ҳукмронлик қиларди. Айрим ижтимоий гуруҳлар – дворянлар, рухонийлар, казакларни – имтиёзли ҳолати сақланиб қолган. Демократик эркинликлар йук бўлиб, 1905 йилга қадар сиёсий партиялар ва қасаба уюшмаларнинг фаолияти тақиқланган.

Иқтисодда ва мамлакатдаги сиёсий қучларни дойлашувида юзага келган, ўзгаришлар туфайли ижтимоий тузилишда янги белгилар вужудга келди. Модернизация, капиталистик жамиятни асосий гуруҳларни – буржуазия ва пролетариятни юзага келишни тезлаштирди. 1906 йилда вакиллик органи Давлат думаси ташкил этилди, натижада Россиянинг давлат тузumi парламент монархиясига ўхшади.

Ижтимоий тузилишда асосий имтиёзли тоифа ҳисобланган дворянлар аҳолини 1,4 фоизини ташкил этган. Уларни кўпроқ мамлакатдаги сиёсий ҳаётни белгилашарди, марказий ва маҳаллий бошқарув органларида муҳим лавозимларни эгаллашган, катта ер фондига эгалик қилишган ва қишлоқ хужалигида сезиларли рол ўйнаганлар. Бироқ капитализмни ривожланиши таъсири остида дворянлик хонавайрон бўлган, ёки буржуазлашиб буржуазия билан сиёсий ҳамкорликка тайёр бўлган.

Мамлакат аҳолисини 0,5 фоизини ташкил этган рухонийлар яна бир имтиёзли табақа эди. Черков: 2 млн. десятина ер, уйлар, қасалхоналар, босмохоналарга, яъни анчагина мулкка эга эди.

Мамлакат аҳолисини 2,5 фоизини ташкил этган казаклар – ҳарбий хизмат қилувчи ҳарбий тоифа бўлиб, давлат чегараларини қуриқлашган ва подшо ҳокимиятини ижтимоий таянчи ҳисобланган. Хизматдан буш пайтлардан казаклар ҳар бир эркак жон бошига 30 десятинадан ерга ишлов беришган. Улар бепул тиббий хизмат ва таълимдан фойдаланишган.

Россия жамиятини ижтимоий тузилишида қўп сонли амалдор (хизматчи)ларга алоҳида рол тегишли бўлган. Давлат ҳаётида ўзининг мулкый ҳолати бўйича улар бир хил мавқеада бўлганлар.

Буржуазия мамлакат иктисодиётида аста секин етакчи кучга айланиб борди. Йирик ва урта буржуазиянинг умумий сони (1,5 млн.) унча куп булмаган. Подшо помещик Россияни сиёсий тизимида буржуазия сезиларли рол уйнамаган. Улар ягона сиёсий талабларни ишлаб чикмаганлар. Йирик буржуазия подшо ҳокимиятини кулласса урта, буржуазия, мутадил туб узгаришлар лойиҳаларини илгари суришган.

Дехконлар аҳолини энг куп сонли (77 фоизи) табакаси булган. Улар асосий солик туловчилар ва хаммадан кура ҳуқуқсиз табака эди. Кишлоқ хужаликни капиталистик эволюцияси таъсири остида дехконларни ижтимоий табакаланиши тезлашди: уларни 3 фоизи кишлоқ буржуазиясига (уларни кулаклар деб аташган) айланишди, 15 фоизига яқини эса узига тук, бадавлат дехконларга айланишди. Шунга карамай барча дехконлар помещик ер эгаллигига қарши курашишган.

Индустриализациялашни тез узиш натижасида купайган пролетариат 1913 йилда аҳолини аҳолини 19 фоизини ташкил этган. Пролетариат, турли табакаларни қашшоқлашган қатламларидан келиб чиққанлар ҳисобига вужудга келган. Ишчиларни меҳнат ва турмуш шароити гарбий Европадагига қараганда анча фарқ қилган ва ута огир булган: энг кам иш ҳақи (21 – 37 рубл), энг узок давом этадигон иш куни (11-14 соат), ямон яшаш шароити эди. Ишчиларни иктисодий манфаатларини амалда ҳеч ким ҳимоя қилмаган, 1906 йилгача қасаба уюшмалари булмаган.

XX-аср бошидаги ижтимоий-сиёсий танглик масаласида шуни тақидлаш лозимки, император Николай-II (1894-1917) тахтга 26 ёшда утирди. У ажойиб тарбия ва таълим олди, урта чет тилида гаплаша олган, бироқ кенг давлат дунёқарашига эга булмаган ва улкан мамлакатни унинг тарихидаги тинчлик даврида бошқаришга етарлича тайёр эмас эди. Унга, онаси бева императрица Мария Фёдоровна, хотини императрица Александра Фёдоровна, консерваторларни идеологи К.П.Победоносцев, унинг ҳукумронлигининг охирида эса – Г.Е.Распутинлар қатта таъсир қурсатишган. Буларнинг барчаси факат унинг оиласи учунгина эмас, балки бутун Россия учун ҳалокатли оқибатларга олиб келди.

Ҳукумат олдида мавжуд тузумни репрессив усуллар ёки уни модернизациялаш орқали саклаб қолиш вазифаси турарди. Олий ҳукумат доираларида бу муаммони ҳал этишда бирлик, ягона фикр йук эди. Баъзилар (молия вазир С.Ю.Витте, ички ишлар вазир П.Д.Святополк-Мирский ва бошқалар), Россиянинг давлат тузилишини ривожлантаётган индустриал жамият эҳтиёжлари билан мос келтириш учун иктисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотлар утқизишни зарур деб ҳисоблаганлар. Бошқалар (Синод обер прокурори К.П.Победоносцев, министрлар кенгашининг раиси И.Н.Дуронов, ички ишлар вазирлари Д.С.Сипягин ва В.К.Плеве), мамлакатни иктисодий ҳаётида амалга оширилган узгаришларни тан олишмади, революционерлар ва оппозициячилардан уч олишни талаб қилишди, жамоатчилик онгига гоявий тайзикни қучайтиришга интилишди.

Ишчилар ҳаракатида 1900-1904 йилларда 1000 га яқин иш ташлаш (стачка)лар қайд этилган. Уларда 43- мингдан ортиқ пролетарлар иштирок этишди. Москва, Петербург, Донбасс, Баку, Урал каби йирик саноат районларини барчаси иш ташлаш (забастовкалар) билан қамраб олинган. Улар факатгина меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш ҳақидаги иктисодий талабларнинггина эмас, балки подшо ҳокимиятини йукотиш ва демократик эркинликларни қиритишлик каби, сиёси талабларни илгари сурушган. Ишчилар сиёсий намоишлар ва умумий иш ташлашлар каби курашни янги шаклларида фойдалана бошлаганлар.

Подшо ҳукуматини ички сиёсатидаги асосий масаласи ишчиларга муносабат бўлиб қолди. Ҳукумат урта усул билан масалани ҳал этишга ҳаракат қилди. Биринчиси – репрессиялар. Иш ташлашларда иштирок этгани учун ишчилар жиноий жавобгарликка тортилишлари, қамолқа олинишлари, йирик саноат шаҳарларида яшашлиги тақиқланиб узга юртга қадарга қилиниши мумкин эди. Бироқ бу усул самарасиз қикди, бунинг устига қорхоналар янада қупрок қасбий тайёргарликка эга ишчиларга эҳтиёж сезиларди.

Иккинчи усул – ҳукумат, XIX-асарнинг 80-йилларида белгиланган қорхона эгалари ва ишчиларни муносабатларини тартибга солишни давом эттирди, 1897 йилда иш кунини 11,5

соатга кискартириш хакида конун қабул қилинди. Корхона эгалари томонидан конунларни бузилмаслигини кузатиш лозим бўлган фабрика инспекциясининг, юз бериши мумкин бўлган иш ташлашларни олдини олиш бўйича ҳуқуқлари кенгайтирилди. 1901 йилда, ишлаб чиқаришда меҳнат қобилиятини йукотган, давлат корхоналари ишчиларни учун нафақа жорий этилди. 1903 йилда фабрика эгалари томонидан иш пайтида жароҳатланган ишчиларга компенсация туланиши хақидаги конун қабул қилинди.

Учунчи усул, полиция назорати остидаги очик фаолият курсатадиган ишчи ташкилотларини тузилиши бўлди. Бундан қузланган мақсад, пролетариатни ҳуқуқатга қарши чиқишларидан қалғитиш эди. 1900-1904 йилларда дехконларнинг галаёғлари Россиянинг европа қисмидаги 42 та губернияларда 600 мартача яқин бўлиб ўтди. Аммо бу йилларда дехконлар подшога қарши чиқмадилар. Улар помещик ерларини бўлиб берилишини, солиқлар ва мажбуриятларни қискартирилишини талаб қилдилар. Ҳуқуқат дехконлар галаёғларини оммавий жазо ҳаракатлари орқали бостиришган. 1903-1904 йилларда, айрим дехконларга жамоа ерларидан чиқиб, давлат ерларига қучиб ўтишларига имкон берган бир қатор конунлар қабул қилинган, аммо бу қисман йул беришлар аграр-деҳкон масаласини ҳал этмаган.

Демократик интелегенция (зиёлилар) ҳаракатида олимлар, врачлар ва бошқаларнинг очик жамиятлари билан бир қаторда студентлар ҳам анча фаол иштирок этганлар. Моддий ва ҳуқуқий ҳолатни оғирлиги, ҳуқуқатнинг олий таълим соҳасидаги антидемократик сиёсати-буларнинг барчаси олий укув юртлари неғизда норозиликни ўсиши учун неғиз яратди. XX-аср бошларида радикал студентларнинг бир қисми очик сиёсий қурашга ўтиб, ўзининг ишчилар синфи билан ҳамкорлигини билдирди. 1901 йил баҳоридаги Москвадаги студентлар ва ишчилар намоишии ҳуқуқатни, студентларни тартибсизликларда қатнашгани учун аскарликка бериш қонунини қуллашдан воз қечишига олиб қелди.

Интелегенция (зиёлилар)нинг вакиллари, XIX аср охири XX-аср бошларида вужудга қелган, социал-демократлар ва эсерлар радикал сиёсий партияларининг ижтимоий неғизи бўлиб қолди.

XIX-асрнинг 90-йилларини урталарида Петербург, Москва ва бошқа шаҳарларда социал-демократик партияларнинг дастлабки «Ишчилар синфини озод қилиш учун қураш иттифоклари» вужудга қелди. Уларни иш ташлаган ишчилар билан урнатган алоқалари полиция томонидан тугатилди. 1898 йилдаги съезда Россия социал-демократик ишчи партиясини тузиш ҳаракати муваффақиятсиз чиқди. Дастур ёки устав (низом) қабул қилинмади, съезд делегатлари қамолқа олинди.

Янги сиёсий ташкилотни тузиш ҳаракати Г.В.Плеханов, Ю.О.Цедербаум (Л.Мартов), В.И.Ульянов (Ленин) ва бошқалар томонидан амалга оширилади. 1900 йилда улар чет элда нолегал «искра» газетасини нашр эта бошладилар. Улар тарқок тугарак ва ташкилотларни бирлаштирдилар. 1903 йилда Лондонда – бўлиб ўтган съездда дастур ва низом қабул қилиниб, Россия социал-демократик ишчи партияси тузилди (РСДРП).

Дастурда революцияни 2 босқичи қузда тутилган: 1-қисми буржуа-демократик талабларни амалга ошириш, 2-қисми социалистик революцияни амалга ошириш ва пролетариат диктатурасини ўрнатишдан иборат бўлган. 1902 йилда социалист-революционерлар (эсерлар) партияси ташкил топди. Улар қураш тактикаси этиб - террорни танлашди.

Земства ва шаҳар думалари, либерал оппозицияни юзага қелиши марказига айланди. Либерал ҳаракат иштирокчилари ўз дастурларида мутадил сиёсий ўзгаришларни (конституциявий монархия ва демократик эркинликлар) қузда тутганлар.

1905-1907 йиллардаги бўлиб ўтган революцияни сабабларини неғизи Россиянинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузумида эди.

1900-1903 йиллардаги иқтисодий танглик туфайли меҳнатқашларни моддий аҳолини ёмонлашуви ва 1904-1905 йиллардаги рус-япон ўрушда подшо ҳуқуқатини шармадали мағлубияти, революцияни бошланишини тезлатган қатализатор бўлди.

Революцияни вазифаси – подшони агдариш, демократик тузумини урнатишлик учун таъсис мажлисини чакириш; тоифавий тенгсизликни тугатиш; суз, йигилишлар, партиялар ва бирлашмалар эркинлигини киритиш; помещик ер эгалигини тугатиш ва дехконларга ерларни тақсимлаб бериш; иш кунини давомийлигини 8 соатгача қисқартириш; ишчиларни иш ташлашлар утказиш ва қасаба уюшмалари тузиш ҳуқуқини эътироф этиш, Россия халқларини тенглигига эришишдан иборат эди.

Бу вазифаларни амалга оширишда аҳолининг кенг табақалари манфатдор бўлган. Революция (инқилоб)да ишчилар ва дехконлар, солдатлар ва матрослар, урта ва майда буржуазиянинг катта қисми, зиёлилар ва хизматчилар қатнашганлар. Шунинг учун мақсади ва қатнашчиларни тарқиб жихатдан революция умумхалқ бўлиб, буржуа-демократик характерга эга бўлган.

Революция 2,5 йил (1905 йил 9-январдан 1907 йил 3-июнгача) давом этган. Биринчи босқичи 1905 йил 9-январдан сентябрнинг охиригача – бошланиши ва ривожланиши даври ҳисобланади. Иккинчи босқичи – 1905 йилнинг октябр-декабри революцияни энг юксалган давридаги асосий воқеа бутунроссия умумий октябр сиёсий иш ташлаши ва натижада 17 октябр манифестини эълон қилиниши бўлди. Учинчи босқич – 1906 йил январидан 1907 йил 3-июнга қадар революцияни пасайиши ва чекиниши даври бўлди.

1906 йил апрель июнида биринчи Давлат Думаси фаолият курсатиб, Дума Россияни демократлаштириш дастурини тақлиф этди, унда асосан дехконлар масаласи бўлди. Иккинчи Давлат Думаси 1907 йил февраль июнь ойларида фаолият курсатган.

Революциянинг аҳамияти ҳақида гап кетганда шунини таъкидлаш мумкинки, асосий оқибат олий ҳокимиятни Россиянинг ижтимоий-сиёсий тизимида узғаришлар утказишга боришга мажбур бўлганлигида эди, Россия фуқароларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи узгарди: демократик узғаришлар киритилди, цензура таъқиқланди, қасаба уюшмалар тузишга руҳсат этилди. Ишчиларнинг моддий аҳволи яхшиланди, бир қатор соҳаларда (саноатдаги) иш ҳақи ошди ва иш куни давомийлиги 9-10 соатгача қисқарди. Дехконларни ерларни сотиб олиш туловларини бекор қилинишига эришилди.

Дехконларни қучиб юришлари (утишлари) эркинлиги кенгайтирилди ва земство бошлиқларининг ҳуқуқлари чекланди. Ҷамоаларни емирган ва дехконларнинг ер эгалари сифатидаги ҳуқуқларини мустақамлаган аграр ислохот бошланиб, бу эса келгусида қишлоқ ҳужалигида капиталистик эволюцияга олиб келди.

Революцияни тугатиш Россияда вақтинчалик ички сиёсий барқарорликни урнатилишига олиб келди.

3-июн сиёсий тизими (1907-1914).

Революциядан кейин Россияда, давлатининг сиёсий ташкилотини янги тизими юзага келиб «3-июнь монархияси» номини олди.

Ҳукуматнинг ички сиёсатини, бу даврдаги революциядан кейинги объектив шароитлар белгиланган. Бир томондан бу ҳукуматга қарши ҳаракатни бостириш бўлса, бошқа томондан олий ҳокимиятни ижтимоий таянчини кенгайтириш учун ислохотлар утказиш зарурлигидан гувоҳлик берувчи революция сабоқлари билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас эди.

Маҳаллий ҳокимиятлар ҳар қандай ташкилот ва муассасаларни биноларини тинтув қилиш ва уларни қамокка олиш ҳуқуқини олишди. Турмалар тулиб тошган. Улим жазоси ва қатил этишлар қундалиқ ҳолатга айланди. Дехконлар, студентлар, демократик зиёлиларни қўлаб ташкилотлари тормор этилди, қасаба уюшмаларни бир қисми ёпиб қуйилди, қатор демократик газета ва журналларни таъқиқланди.

III-Давлат Думаси 1907 йил ноябридан 1912 йил июнига қадар фаолият курсатди. Ҳукумат олдида илгаридек уч масала: ишчи, миллий ва аграр масалалар турарди. Дума беш йил давомида турта қонун лойиҳаси, яъни иш кунини давомийлиги, ишчилар учун сугурталар ва нафақалар масаласини муҳофама қилди. 1912 йилда қабул қилинган бахсиз

ходисалар ва касаллик буйича давлат сугуртаси тугрисидаги конун ишчиларни факат 15% тегишли булиб бу ҳукуматни ишчилар хакида кайгураётганини номигагина курсатган.

Миллий сиёсат «Россия руслар учун» шиёри остида олиб борилиб, руслаштириш тадбирлари кучайтирилди. Булар маҳкам аёкка турган миллий буржуазия томонидан қувватланмади.

Столипин аграр ислохати. Ички сиёсатда марказий уринни аграр масала эгаллаган. Дехконларнинг кураши, ҳукуматни, сотиб олиш туловларини 1906 йилда яримини, 1907 йилдан эса тула бекор қилинишига мажбур этди. Аммо, бу етарли эмасди. Дехконлар ер талаб қилишган. Ҳукумат жамоавий фойдаланишдан вос кечиш гоёсига қайтишга ва хусусий дехкон ер эғалигига утишга мажбур булди.

Ислохат бир неча усулда амалга оширилди: 1906-йил 9-ноябрдаги фармон дехконга жамоадан чиқишига рухсат этган булса, 1910 йил 14-июндаги конун эса Жамоадан чиқишни мажбурий қилиб қуйди. Ҳукумат дехконларни Урал ортига қучирилишини рағбатлантирилди. Қучиб боровчиларга янги жойда жойлашиб олиш учун қарз берилган. Кишлоқ хужалик машиналарининг давлат оғборлари барпо этилди, аграном маслахатлари билан таъминланган, тиббий ва ветеринар ёрдам курсатилган. Ислохатининг мақсади, помешик ер эғалигини сақалаб қолиш ва бир вақтнинг узида кишлоқ хужалигини буржуа эволюциясини жадаллаштириш эди. Ислохат мамлакат иқтисодини юксалишига имкон берди. Аҳолининг харид қилиш имконияти ошди бугдойни четга чиқариш билан боғлиқ валюта тушумлари қупайди. Ислохат ижтимоий қатламларга булинишни тезлаштирди – кишлоқ буржуазияси ва пролетарияси вужудга келди. 1911 йил сентябрда Ф.А.Сталўтин террористик акт оқибатида ҳалок булди.

1912 йил охирида IV-Давлат Думасига сайловлар булиб утди. Унинг партиявий таркиби узгармасдан қолди. Унг-октябристлар ва октябрист-қодетлар икки асосий қупчиликни ташқил этишган. Янги либерал прогрессив партияси вужудга келди. Унга йирик буржуазиянинг ва йиллари бошчилиқ қилишган. Улар уз дастурларида конституциявий монархия тузими, Думани ҳуқуқларини қенгайтириш ва унинг олдида вазирларни жавобгарлигини қучайтиришни вазифа қилиб қуйишган.

11-МАВЗУ. XX-аср бошларида Россиянинг ташки сиёсати ва маданияти.

Режа:

1. XX-аср бошларида Россиянинг ташки сиёсати.
2. XX-аср бошларида Россия

Таянч тушунчалар:

Квжд; Ляодун; Порт-Артур; Чумулпо; «Варяг»; Мукден; Цусима; Портсмут; аннексия; Антанта; гарант; мобилизация; Версал шартномаси;

XIX-аср охири ва XX-аср бошларида Россия учун анъанавий булган ташки сиёсатини асосий йуналишлари сакланиб колган. Бош масала якин шарк – Кора денгиз бугозлари ва Болкон булиб колаверди. Мустакилликга эришган ва Усманийлар империяси хокимияти остида колаётган Болкон халклари, Россияни узларини хомийси ва иттифокчиси деб караганлар. Аммо улар билан дустона муносабатларни мустахкамланиши масаласи, Болкондан мухим стратегик ва иктисодий тарикасида манфаатдор булган Европанинг купгина мамлакатларини каршилигига учради. Бунда Австро-Венгрия ута фаоллик курсатди.

Европа йуналишидаги анъанавий иттифокчилик муносабатлари марказий Европа давлатлари, Германия ва Австро-Венгрия билан узаро зиддиятларини усиши туфайли янада купрок совиб борди. Бунга рус ва герман императорларининг бир неча марта булиб утган «кариндошлик» учрашувлари хам халакит бера олмаган. Франко-герман душманчилиги чукурлашган ва рус-герман зиддиятларини кучайган шароитда, Франция ва Россия 1891-1893 йилларда тузилган уз иттифокларини мустахкамлашган ва Англия билан якинлашишигаинтилишган. Бу эса Европадаги кучларни кайтадан таксимланишини англаган.

XIX-XX-асрлар бусагасида Россия уз ташки сиёсатида узок шарк йуналишини фаолаштирди.

1904-1905 йиллардаги рус –япон уриши уришнинг сабалари

XIX-асрнинг охирида Узок Шарк барча буюк давлатларининг манфаатларини узига тартадиган жойга айланди. Заиф ва колок Хитой купгина мамлакатларни империалистик тажовузига дучор булган эди. Англия, Германия, Франция уз мустамлакаларини эгаллаган эди. АКШ «очик эшиклар ва тенг имкониятлар» доктиринасини эълон килди, бу эса амалда Хитойни иктисодий буйсундиришига олиб келди. Япония ундан Кореяни, Тайванни, Пескадор ороллариини тортиб олди. У Тинч океани региониди, етакчи ролига давогарлик килди ва «Буюк осие»ни барпо этиш шиори остида Хитойнинг шимолий-шаркий вилояти – Манчжурияга бостириб киришни тайёрлай бошлади. Япониянинг Россияни чегараларини якинида мустахкамланиши империянинг шаркий районларини хавфсизлигига тахдид соларди.

Россия, бошка мамлакатлар каби, Узок шаркда уз таъсир доираларини эгаллаб олишини кузларди. 1895 йилда рус-хитой банки таъсис этилди, 1896 йилда Россия билан Хитой уртасида Японияга карши мудофаа иттифоки тузилди, Хитойда шаркий темир йули (КВЖД) ни курилиши бошланди. 1898 йилда Россия Хитойдан Ляодун ярим оролини бир кисмини Порт-Артур калъаси билан ижарага олди. Цин Хуандао кўрфазида Россияни харбий денгиз кучларини туриши унга хам Хитойда, хам Корея ярим оролида фаол ташки сиёсат юритиш имконини берди. 1900 йилда рус кушинлари Манчжурияга киритилди. 1903 йилдаги, Манчжурия ва Кореяни такдири хакидаги рус-япон музокаралари боши берк кучага кириб колди. Японияни Англия куллаб кувватлади, чунки булар 1902 йилда иттифок тузишган эди.

1904 йилда рус-япон уриши бошланди. Россия хукумрон доираларининг фикрича, бу уруш халк оммасини хукуматга карши чикишлардан чалгитиши лозим эди.

Кучлар нисбати масаласига келсак, улкан харбий кудратга эга булган Россия тез орада галабага эришишга умид боглаган эди. Бирок унинг харбий манбалари Узок Шаркда японларникига нисбатан анча заиф булиб чикди. Урушнинг боришида армия кисимларининг

сафларини тулдириш, харбий харакатлар театрини анчи узокда эканлиги ва Транссибир магистралини утказиш кобилиятини суслиги туфайли етарлича булиб чикмади.

Россиянинг Узок Шаркдаги харбий-денгиз флоти микдор ва сифат жихатидан японларникидан заиф эди. Харбий амалдорларнинг давлат хазинасини совурганлиги туфайли харбий стратегия ресурсларга зиён етказилган эди. Иктисодий танглик ва саноат тургунлиги туфайли халокатли тарзда маблаг етишмас эди.

Шунингдек, Россия халкаро майдонда сиёсий жихатдан яккаланиб колди, чунки унинг иттифокчиси Франция бетарафлик сиёсатини олиб борди. Россияни Узок Шаркда мустахкамланишига карши курашган Буюк Британия ва АКШ фаол равишда Японияга ёрдам беришди. Япония 20-аср бошидаги жадаллик билан саноат юксалиши нигизида кудратли харбий индустрияни барпо этди, армияни модернизация килиб кайта куроллантирди, янги замонавий харбий денгиз флотини курди.

Харбий харакатларининг бориши хакида суз борганда шуни такидлаш лозимки, япон флоти уруш эълон килмасдан туриб, кучлар устунлиги ва куркисдан хужум килиш омилидан фойдаланиб, 1904 йил 27 январга утар кечаси Порт-Артур рейдидаги рус эскадрасини укка тутди. Учта рус кемаларига шикаст етказилди, 27 январ куни эрталаб Чемулпо кореец портида олти крейсер ва саккизта миноносецлардан иборат япон эскадраси икки рус кемаларига: «Варяг» крейсери ва «Кореец» канонир кемаларига хужум килди. 45 дакикалик тенгсиз жангда рус матроslари кахрамонларча курашиб душманга сезиларли шикаст етказишди, яъни 1 япон крейсерини чуқтиришди. Кемадаги кучлик ёнгин, рул бошқарувини шикастланганлиги туфайли «Варяг» Порт-Артурдан ёритб чикиб кета олмади. Рус матроslарини Англия, Франция ва АКШ харбий кемалари уз бортларига олишди. «Кореец» портлатилди, «Варяг» эса душман кулига тушмаслиги учун чуқтирилди. Бу рус Тинч океан эскадрасини биринчи йукотиши булди.

1904 йил феврал-апрелида Ляодун ярим ороли ва Жанубий Манчжурияга япон кушинлари туширилди. Русларнинг курукликдаги кушинлари кумондони генерал А.Н.Куропаткин зарур каршилиқ курсатишни ташкил этмаганлиги учун, бир неча муоаффакиятли операциялардан кейин японлар май ойига келиб Порт-Артур каласини асосий рус кушинларидан ажратиб куйишди.

Тинч океани флоти кумондони вице-адмирал С.О.Макаров денгизда ва Порт-Артурни химояси буйича фаол операцияларга тайёрланди. 31-мартда у эскадрасини ташки рейдга олиб чиқди, у душман билан жанга кириб, унинг кемаларини киргок батареяларини укига алдаб дучёр килмокчи эди. Бирок жангнинг бошлашидаёқ унинг флагман кемаси «Петропавловск» минага учраб портлаб кетди ва икки минут давомида ғарк булди. Команданинг кўп қисми С.О.Макаровни бутун штаби, шунингдек бортда булган рассом-баталист В.В.Верещагин халок бўлишди. Шунданг сунг рус флоти мудофаага ўтди, чунки Узок Шаркдаги кучлар бош кўмондани адмирал Э.И.Алексеев денгиздаги фаол характларидан воз кечди.

Ёзда япон армияси икки йуналишда - Порт-Артур қалъасига ва рус армиясининг асосий кучларига карши хужум харакатларин олиб борди. 1904 йил августдаги Порт-Артурни биринчи қамали, калани битта зарба билан олиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Қалъа олти хужумни кайтарди ва 1904 йилнинг декабрида қалъа комендант, генерал А.М.Стесселни соткинлиги туфайли қалъа душманга топширилди. 1904 йилни августда Манчжуриядаги Ляоян шахри яқинида жанг булиб утди, бирок хар икки томонга муваффакият келтирмади. 1904 йил сентябрида Шахэ дарёсидаги русларни карши хужуми натижасиз якунланди.

1905 йилда Россия иккита йирик маглубиятга учради: февралда, курикликда Мукден остида ва денгизда, май ойида, Цусима ороли яқинида вице-адмирал З.П.Рожественский кумондонлигидаги 2-чи Тинч океани эскадраси енгилди. Июлда японлар Сахалин оролини эгаллашди.

Россия тинчлик музокаралари олиб боришга мажбур булди, АКШ бунда уртада туришни таклиф этди.

1905 йил августида АКШнинг Портсмут шаҳрида тинчлик сулҳи тузилди. Россия делегациясининг раҳбари С.Ю.Виттенинг сайҳаракатлари туфайли унинг шартлари Россия учун камситиладиган даражада бўлмади. Япониянинг контрибуция ҳақидаги талаби рад этилди. Аммо, Россия Кореяга Япониянинг таъсир доирасини тан олди, унга Порт-Артур билан Ляодун ярим оролини ва Сахалин оролини жанубий қисмини аренда «ижара»га берди. Россиянинг Узок Шарқдаги таъсири анча сусайди. Бу урушда Россия ва Япония улкан молиявий харажатлар ва одамларни йукотилишига дучор бўдилар.

Учлар иттифоқини ташкил томиши. Россия ва Болкон кризиси (танглик)лари.

Рус-япон уруши натижасида Россияни қучсизланиши ва ички барқарорликни зарурлиги, рус дипломатларини ташки қийинчиликлардан четга чиқиб, эҳтиётқорона сиёсат олиб боришга мажбур эди. Булар мамлакатнинг халқаро аҳолини мустаҳкамлашга ва Болкон, Утра ва Якин Шарқда марказий Европа давлатларининг тажавузига қарши қаратилган эди.

Дунёнинг шу ва бошқа регионларида Германиянинг экспансиянинг кенгайиши туфайли Буюк Британия халқаро иттифоклардан воз кечиш сиёсатини узгартириб, Франция билан яқинла бошлади. 1904 йилда бу давлатлар, Африкадаги зиддиятли масалаларни тартибга солишиб, уларнинг сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлиги учун асос солган битимни имзоладилар. 1907 йилда Россия ва Буюк Британия, уз таъсир доираларига Эрон, Афғонистон ва Тибетни бўлиб олиш ҳақидаги битимни имзолади. Марказий Осиёдаги территориял зиддиятларни тартибга солишга қараганда, бу ҳужжатнинг халқаро аҳамияти анча кенгрок эди. Франция ва Англиянинг тузган келишувидан сунг тузилган рус-англия битими амалда рус-франк-англия иттифоқи Антантани вужудга келишига (расман бу факат биринчи жаҳон уриши бошланишида расмийлашди). Европа батомом икки душман лагерга учлар иттифоқи ва учлар келишувига бўлинди.

1908-1913 йиллардаги Болкон кризиси ҳақида гап кетганда аввало, 1908-1909 йилларда бошланган Болкон крезисини айтиш лозим. Германияни куллаб қуватлашига таяниб, Усмонийлар империясини зайфлашганидан фойдаланиб, Австро-Венгрия 1908 йилда Босния ва Герцоговинияни аннексия қилди. Россия Германиянинг тайзиқи остида Австрия ҳукуматининг бу ҳаракатини тан олишга мажбур болди. Чунки ҳарбий воситалар билан унга тускинлик қилишга тайёр эмас эди.

Болгария уз мустақиллигини эълон қилди. 1912 йилда Россиянинг воситачиларига Болгария билан Сербия Австро-Венгрия ҳамда Туркияга қарши иттифок тузишди, уларга Греция ҳам қушилди. Туркияга қарши бошланган урушда улар тезда муваффақиятларга эришди. Усмон империяси уз ҳудудларини бутун Европа қисми ёқотди, факат унинг пойтахти Станбулга тутушган тор жойигина қолди. Бирок, 1913 йилда Болкон давлатлари – Болгария, Сербия ва Греция уртасида территориял зиддиятлар туфайли тукнашув келиб чиқди. Буни Австрия ва Герман дипломатларнинг игво ва фитналари авж олдирган. Россия, Болкон иттифоқининг кулашини ва собик иттифокчилар уртасидаги урушни олдини ола олмади. Болкон урушини якунлаган Бухарестдаги тинчлик конференцияси, бу зиддиятларни олиб ташлаб қолмасдан, балки уларни авж олдирди. Бу айниқса, Германия куллаб қуввлай бошлаган Болгария, ва Россия тарафини олган Сербия уртасида кесгинлашди. Болкон ва Европанинг «порохли омбори»га айланди.

Россиянинг 1914-1918 йиллардаги биринчи жаҳон уришидаги иштирокига келсак, биринчи жаҳон уришида 1,5 млрд. ортиқ аҳолиси бўлган 38 давлат қатнашди. Асосий рақиблар: Англия, Франция, Россия, Сербия, Япония, кейингрок Италия, Руминия, ва АКШ бир томонда; Германия, Австро-Венгрия, Туркия ва Болгария – бошқа томонда: узининг ҳаракатларига қура бу уруш ҳар икки томон учун ҳам босқинчилик уруш бўлган.

У дунё халқларига сон саноксиз хонавайронликлар келтирган: улдирилганлар ва жароҳатланиб вафот этганлар 9,5 млн. кишини ташкил этган, 20 млн. киши ярадор бўлиб, улардан 3,5 млн. киши майиб, ногирон бўлиб қолган. Қуп сонли тинч аҳоли ҳалок бўлган. Қупгина мамлакатларни иктисоди вайрон бўлди.

Урушнинг сабабларига келсак, 1-чи жаҳон урушини Учлар иттифоки ва Учлар келишуви (Антанта) мамлакатлари уртасидаги зиддиятлар келтириб чиқарган. Асосийси Англия ва Германия уртасидаги иқтисодий, ҳарбий-денгиз ва мустамлакалар буйича рақобатчилик бўлган. Германия, Африка ва Узоқ шарқда мустахкамланиб олгач Буюк Британиядан уни мустамлакаларини тортиб олишни орзу қиларди. Денгизда устунлик учун курашиб, мунтазам равишда уз ҳарбий-денгиз кучларини қупайтириб борганлар.

1870-1871 йиллардаги Франк-Прусс урушидан кейин Франциядан тортиб олинган Элзас ва Лотарингия учун бўлган Франк-герман зиддиятлари чуқурлашиб борди. Германия Африкадаги Француз мустамлакаларига давоғарлик қилган.

Болкон ва Якин шарқда Европа давлатларини зиддиятлари ута кескинлашишга етди. Бу регионда ҳам Германия таъсир доирасини кенгайтирмоқчи бўлди. Унинг иттифокчиси Австро-Венгрия эса Босния ва Герцеговинани аннексия қилчаг, Сербияни босиб олишга тайёрланди. Россия, Болкондаги узини сиёсий мавқеини саклаб қолишга интилди, Бугозларни ва Константинополни босиб олишни орзу қиларди.

Рус армиясининг аҳволига келсак, Россия 1914 йилда урушга тайёр эмас эди. Рус-япон урушидан кейин бошланган ҳарбий ислохот туганланмаган эди. Янги ҳарбий-денгиз флотини қуриш дастури, молиявий маблағларининг етишмаслиги туфайли секинлик билан бажариларди. Урушнинг бошланишидаёқ темир йулларда ташиш имконияти паслиги рус армиясига қушимча кучлар ва ук-дориларни ташиб келтириш кийинчилигини келтириб чиқарди. Герман артилерияси русларникидан сезиларли даражада устун эди. Армияни замонавий қурол аслаҳа турлари билан (автоматик қурол, автомобил партия, алоқа воситалар ва бошқалар) таъминлашда ҳам айрим равишда орта қолишда қузатилган. Рус отлиқларининг сони оқлаб бўлмайдиган даражада эди. Ҳарбий доқтриналар ҳам эскирганди. Олий қумондонликнинг таркиби етарлича малакали ва маҳоратли эмас эди. Уруш давомида олий бош қумондон буюк княз Николай Николаевич, бош штаб бошлиғи Н.Н. Янушкевич, ва ҳарбий вазир В.А. Сухомлинлар лавозимидан четлатилди. Узига олий бош қумондон вазифасини қабул қилган Николай II, ҳарбий тажрибага эга бўлмаган ҳарбий ҳаркатларни факат номинал тарздагина бошқарган. Уруш давомида қуплаб фронт ва армиялар қумондонлари узларини лаёқатсизлигини намойиш этди. Урушнинг бошланишига келсак 1914 йил июнида Босниядаги Сараево шаҳрида «Қора қул» (чёрная рука) номили фитначи серб ташкилотини аъзоси студент Г. Принсип, Австрия тахтининг меросхўри Франц Фердинандни тўппончадан отиб ўлдирди. Бу эса халқаро можарони бошланиши учун баҳона бўлди. Июлда, Германия билан маслаҳатлашган кейин Австрия-Венгрия Сербияга ултиматум қуйди. Унинг барча шартларини бажариш Сербияни таҳқирларни ва унинг суверенитетига зарба берарди. Сербиянинг ён беришига қарамадан 1914 йил 15 июлда Австрия-Венгрия унга уруш эълон қилди. Сербиянинг мустанкилликнинг қаранти яъни қайил бўлган Россия, унга жавобан умумий мобилизация(сафарбарлик)ни бошлади. Германия ултиматив тарзда мобилизацияни тухтатишликни Россиядан талаб қилди ва рад жавобини олгач, 19-июлда Россияга уруш эълон қилди. Россиянинг иттифокчиси Франция урушга 21-июлда қирди, қелгуси қуни эса Англия қушилди. 26-июлда Россия ва Австрия-Венгрия уртасидаги уруш ҳолати эълон қилинди.

Ҳарбий ҳаракатларнинг бориши ҳақида суз борганда шуни айтиш лозимки,Европада икки фронт – Гарбий(Франция ва Бельгияда) ва Шарқий(Россияга қарши) юзага қелди.Рус фронти ҳам уз навбатида Шимоли-Гарбий(Шарқий Пруссия,Болтик буйи, Польша) ва Жануби-Гарбий(Гарбий Украина,Россиянинг Австро-Венгрия билан чераси буйлаб Карпаторти яъни Закарпатье) фронтларига бўлинган.

Германия яшин тезлигида зарба бериб Францияни тор-мор этиб, сунгра қушинларини Россияга қарши ташлашни режалаштирганди, бу эса уни икки фронтда уруш ҳаракатлари олиб боришдан холос этарди.Бироқ,иттифокчиларининг талабига қура Россиянинг зудлик билан урушга қириши герман бош штабининг стратегик мақсадини барбод қилди.Шарқий фронтдаги ҳарбий ҳаракатларининг боришида туртта қампания ажралиб туради.

1914 йилги Шаркий фронтдаги харбий харакатлар – Россиянинг Шаркий Пруссия ва Германиядаги хужумлари булди. Шаркий Пруссия операцияси аввалига рус армияси учун муваффакиятли борди. Натижада Германия Гарбий фронтдаги кушинининг бир қисмини олиб Шаркий фронтга ташлашга мажбур булди, бу эса франк-инглиз армиясига Марна дарёси ёнидаги жангда галаба козогтшга ва Парижни кулашини олдини олиш имконини берди. Шаркий Пруссиядаги 1-чи ва 2-чи рус армияларининг харакатларидаги ихтилофлардан фойдаланиб, кучайтирилган немис қисмлари, уларга огир талофатлар етказди. Жануби-Гарбий фронтдаги вазият рус армияси учун анча муваффакиятли кечди. Австро-Венгрия қўшинлари тор-мор этилиб, бутун Галиция эгалланди. Германия Польшага қўшимча кучлар жўнатди, руслар мудофаага ўтишга мажбур бўлди, бу эса Австро-Венгрияни буткул мағлубиятдан сақлаб қолди. 1914 йилга кампания урушаётган томонларни ҳеч бирига ҳал қилувчи муваффакият келтирмади.

1915 йилга уруш харакатларига эътибор қаратсак, Гарбий фронт барқарорлашиб, у ерда позицион кураш борганлигини курамыз. Европа майдонларида тиканли симлар тармоқлари тукилиб, окоплар казиб ташланди. Германия уз кучларини Россияга қарши туплаб, уни тор-мор этишни режалаштирди. Германиянинг шарқий фронтдаги бахорги-ёзги хужумлари Россиянинг мағлубияти билан тугади, у оғир жанглар оқибатида Польша, Болтикбуйини бир қисмини, /арбий Белоруссия ва Украинани қўлдан бой берди. Аммо, Германиянинг Россияни бутунлай урушдан чиқариш тўғрисидаги стратегик мақсади бажарилмади.

1916 йилдаги уруш кампаниясига назар соладиган булсак, Германия яна узининг асосий қарбасини Францияга қаратганлигини курамыз. Иттифокчиларига ёрдам қурсатиш учун Россия Жануби-Гарбий фронтда хужумга ўтишга уринди. Генерал А.А.Брусиловнинг армияси фронтни ёриб ўтди ва Австро-Венгрия қўшинларини тор-мор қилди. Австро-Венгрияни қутқариш учун, Германия, Гарбий фронтдаги қўшинларининг бир қисмини яна Шаркий фронтга ташлади. Русларнинг хужуми Верден химоячиларига ёрдам берди ва Руминияни Антанта тарафида урушга қиришига туртки булди. Германиянинг иттифокчиси Туркияга қарши 1915 йилда вужудга келган Кавказ frontiда рус қўшинлари бир қатор муваффакиятли операциялар ўтказиб, Трапезунд ва Эрзерумни эгалладилар. 1916 йилда Германия стратегик ташаббусни йўқотди.

1917 йилдаги уруш харакатларига эътибор қаратсак, мамлакатда бўлиб ўтган феврал инқилоби, Россияни урушдан чиқишига олиб келмади. Вактли ҳукумат иттифокчилик бурчига содик қилишни эълон қилди. Июнь ойида Галиция ва июлда Белоруссияда амалга оширилган иккита харбий операциялар барбод бўлиши билан якунланди. Немис қўшинлари Рига шаҳрини ва Болтик денгизидаги Моонзунд архипелагини босиб олишди. Бу пайтга келиб рус армияси тула тушқунликка учради. Фронтда душман билан биродарлашиш бошланди. Бутун мамлакат урушнидархол тухтатилишини талаб қилди. Шу туфайли большевиклар ҳокимиятни эгаллагач, тинчлик тугрисидаги декретни эълон қилишди ва Германия билан сулҳ музокараларини бошлади. Совет Россияси, 1918 йил март ойида Германия ва унинг иттифокчилари билан Брест тинчлик сулҳини имзолаб, биринчи жаҳон урушидан чиқди.

1918 йил ноябридаги Компьен ярашидан кейин Гарбий фронтдаги жанговор харакатлар тамом булди. Германия ва унинг иттифокчилари мағлубиятга учрашди. 1919 йилдаги Версаль тинчлик шартномаси билан урушни якунлари батамом, узил-кесил ҳал этилди. Унинг имзоланишида Совет Россияси иштирок этмади.

2-масала.

Маориф ва таълим ҳақида суз борганда айтиш мумкинки, Гарбий Европа мамлакатларидан фарқли равишда, Россияда умумий мажбурий бошланғич таълим тугрисидаги қонун йўқ эди. Бироқ ишлаб чиқариш эҳтиёжлари қасбий малакали хизматчиларни талаб этарди. Шунинг учун ҳукумат мактаблар тармоқларини кенгайтира бошлади. Бу эса аҳолининг саводхонлигини, XIX-асрнинг 60- йилларидаги 0,7 фоиз

даражадан, XX-аср бошларидаги тахминан 30 фоиз даражага ошириш имконини берди. XIX-асрнинг 2-яримида юзага келган таълим тизимининг асосий белгилари 1917 йилгача сақланиб қолди.

Давлат, земство ва черков-приход мактаблари бошлангич таълим берган. 2-3 мобайнида уқиш, ёзиш, ҳисоблаш ва дин асосларини ургатишган. Айниқса, земство мактаблари билимни оширишга имкон берган. Хукумат ва Синоднинг сайи-харакатларига қарамасдан черков-приход мактабларининг ахамияти аста-секин пасайиб борган.

Урта таълим тизимида гимназия ва реал билим юртлари кирган. Эркақлар ва аёллар гимназияларида табиий ва гуманитар фанларга, чет тилларини урганишга катта эътибор қаратилган. Реал билим юртларида қушимча табиий-техник фанларга таянилган.

1887 йилдаги «Ошпаз аёлларнинг фарзандлари туғрисидаги циркуляр» га биноан, гимназияларга «извошчи, уй хизматкори (қарол), қир ювувчи, майда дукондорлар ва шу каби шахсларни» фарзандларини қабул қилиш тақиқланган. Гимназияни тамомлаганлик туғрисидаги гувоҳномасиз университетларга уқишга кириш мумкин бўлмаган. Бу эса таълимни тоифали тизимини сақлаш ва уни демократлаштиришни секинлатишни усули эди.

Олий таълим тизимида ҳам сезиларли тарзда олдинга силжишлар руи берди. XIX-асрнинг иккинчи яримида Одесса ва Томскда, XX-аср бошларида эса Саратовда университетлар ташкил этилди. Махсус олий укув юртларининг сони тез суръатларда ошиб борди: Тог, Урмончилик институтлари, Кишлоқ хужалиги Академияси ва бошқалар очилди. Аёлларнинг университетларга уқиша киришлари кийинчилик туғдиргани туфайли Петербург, Москва ва бошқа шаҳарларда аёлларнинг Олий курслари очилди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Россияда 120 та олий укув юртлари бўлиб, уларда 130 минг студент таълим олган.

Маърифатпарварлик фаолияти ҳақида суз борганда таъкидлаш лозимки, ислохотлардан кейинги Россияда ва XX-аср бошларида айниқса халқнинг билим олишга, илмий билимларга, адабиёт ва санъатга интилиши кучайди. Буни амалга оширишда илгор рус зиёлилари катта рол ўйнади, улар земство ва илмий жамиятлар қошида турли маърифатпарварлик ташкилотларини, шунингдек, мактабдан ташқари янги таълим шакллари ташкил этишди. Катталар учун бепул яқшанба мактаблари очилди. Таълим дастурида бошлангич, урта ва олий таълим кузда тутилган ишчи курслари юзага келди.

Олий таълимни демократлаштирилишига кечки халқ университетлари имкон бериб, уларга ижтимоий маънавий, моддий аҳоли ва диний эътиқодидан қатъий назар барча хоҳлаган шахслар қабул қилинган.

Илмий билимларни оммалашувида ва халқнинг бадиий ажабиётни уқишга яқинлашувида, китоб нашр қилиш катта рол ўйнади.

Земстволар, укув юртлари ва музейларда барча кириб фойдаланиши мумкин бўлган кутубхоналар ва уқиш заллари очилди.

Фаннинг ривожланишига назар солсак, фундаментал аниқ ва гуманитар фанлар соҳасида катта ишлар амалга оширилди.

Табиий фанларда Д.И. Менделеев томонидан кимёвий элементларнинг Даврий қонунини очилиши катта ахамиятга эга бўлди. А.М. Бутлеров органик жисмларнинг кимёвий тузилишини классик назариясини тузди. Н.Д. Зелинский органик катализ таълимотига асос солди. А.И. Каблуков электрохимия ва физик химия соҳасига асос солувчи ишларни амалга оширди.

Математиклар П.Л. Чебышев, А.М. Ляпунов ва С.В. Ковалевскийларнинг сонлар назарияси, эҳтимоллик назарияси ва математик физиканинг қатор бўлимлари буйича олиб борилган изланишлари катта фундаментал ахамиятга эга бўлди.

Физика ва механика соҳасида ҳам улкан кашфиётлар амалга оширилди. А.Г. Столетовнинг амалга оширган ишлари замонавий электрон техникани барпо этиш учун шарт-шароитлар тайёрлади. П.Н. Яблочков (дуғали лампа), А.Н. Лодүгин (лампа кизиб чўғ бўлиши)ларнинг кашфиётлари электр ёритишда туб узғаришларга олиб келди. А.С. Попов 1895 йилда симсиз электр алоқаси (радио)ни кашф этгани учун 1901 йилда

Парижда булиб утган Бутунжахон кургазмасида катта олтин медалга сазовор булди. Замонавий гидроэлектродинамикани асосчиси булган Н.Е.Жуковскийни « рус авиациясини отаси » деб аташади.

К.Е.Циолковский ракетодинамика соҳасидаги уз ишлари билан космик учишларни амалга ошиши мумкинлигига асос солди.

Биология ва медицина соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. И.М.Сеченов физиология мактабига асос солиб, психологияда катор кашфиётлар килди. Олий нерв фаолияти ва овқат хазм булиш физиологияси таълимотини яратиб, И.П.Павлов Обель мукофотини олди.

Рус географ ва этнографлари ернинг кам урганилган регионларини илмий жихатдан урганишда давом этдилар. Тянь-Шан, Тибет, Туркистон, Мугулистон, Индонезия, Филиппин, Хабашистон(Эфиопия) ва бошқа жойларни ургандилар. П.П.Семенов-Тянь-Шанский, Н.М.Пржевальский, Н.Н.Миклоху-Маклай, В.К.Козлов ва бошқаларнинг саёхатлари давомида бу жойларни хариталари тузилди, бой биологик ва этнографик коллекциялар тупланди. Океанограф вице-адмирал С.О.Макаров икки марта дунёни айланиб сузиб чикди.

Бадий адабиёт соҳасида И.С.Тургенев, Н.А.Некрасов, Ф.М.Достоевский, И.А.Гончаров, М.Е.Салтѣков-Шедрин, В.Г.Короленко, П.Чехов, И.А.Бунин, А.И.Куприн ва бошқалар бир канча ажойиб бадий асарлар яратдилар.

Рус театрининг репертуари асосан миллий асосда, А.Н.Островский, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов, А.М.Горький каби рус адабиёти классикларининг драматик асарлари негизида шаклланди.

1896 йил май ойида Петербург ва Москвада биринчи марта кинофильм намоиш этилди. 1903 йилда стационар «электротئاتр»лар очила бошлади. 1916 йилга келиб Россияда 4000 га якин кинотеатрлар булиб, уларга кунига 2 миллион томошабин кирган. Дастлаб хужжатли фильмлар, сунгра эса бадий фильмлар суратга олинган. 1908 йилда биринчи фильм «Стенька Разин и Княжна», 1911 йилда эса «Севастополь мудофааси» тула метражли фильмлари суратга олинган. 1911-1913 йилларда Россияда 30 га якин кинофирмалар булиб, 600 дан ортик кинокартиналарни намоишга чиқаришган. 1911-1913 йилларда Россияда биринчи булиб кугирчок фильм яратилган.

М.А.Балакиров, Ц.А.Кюи, М.П.Мусоргский, А.П.Бородин, Н.А.Римский-Корсаков, П.И.Чайковский, А.К.Глазунов, С.В.Рахманинов сингари рус композиторлари куплаб опера, балет, камерно-вокал ва симфоник асарлар яратганлар.

Бадий рассомлик йуналишида реализм муҳим урин эгаллаб, айниқса И.Е.Репин, В.И.Суриков, В.М.Веснецов асарлари миллий анъана ва халқ эпосларига таянган тарихий жанрда яратилган.

В.В.Верещагин баталия рассомчилиги, В.А.Серов портрет, И.И.Левитан пейзаж йуналишида расмлар чизганлар.

Хайкалтарошлиқда А.М.Опекушин Москвада яратган А.С.Пушкиннинг хайкалини курсатиб утиш мумкин.

Архитектура соҳасида шаҳарлар кифасини асоздаларнинг саройлари эмас, балки фуқаро аҳамиятидаги бинолар – банк, магазин, вокзал, даромад келтирадиган бинолар булган. Бу пайтда Тарих музейи биноси, Бадий театр, Метропол меҳмонхонаси, шунингдек Ярославл, Козон ва Киев темир йул вокзаллари курилди.

